

ISSN: 2181-9416



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА ☆ LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1



TOSHKENT - 2021

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

№1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1>

Бош муҳаррир:

Раҳматов Анвар Исломович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш
маркази директори

Бош муҳаррир ўринбосари:

Отажонов Абдоржон Анварович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристар малакасини ошириш
маркази директори ўринбосари,
юридик фанлар доктори, профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ЖУРНАЛИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Окюлов Омонбой

*Юристар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлар доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган юрист*

Саидова Лола Абдувахидовна

*Юристар малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, юридик фанлар доктори*

Тошев Бобокул Норқобилович

*Юристар малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, юридик фанлар доктори*

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

*Бош Прокуратура Академияси Марказ бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор*

Отахонов Фозилжон Хайдарович

*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат
палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорат
арбитраж (ҳакамлик) суди раиси, юридик
фанлар доктори (DSc), доцент*

Боймолдина Зауреш Хамитовна

*Қозғистон Республикаси Олий Суди
Академияси ректори, юридик фанлар
номзоди*

Годунов Валерий Николаевич

*Белорус давлат университети ўқув
муассасаси “Судьялар, прокуратура, суд ва
адлия муассасалари ходимларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш
институтини” директори, юридик фанлар
доктори, профессор*

Масъул котиб:

Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристар малакасини ошириш маркази
доценти, юридик фанлар номзоди*

Саҳифаловчи: Абдуллаева Шахзода Собитовна

Контакт редакци журнали:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Telephone: (+99871) 2345345

Главный редактор:

Рахматов Анвар Исломович

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

Заместитель главного редактора:

Отажонов Аброржон Анварович

Первый заместитель директора Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

**Общественно-правового и научно-практического журнала
ВЕСТНИК ЮРИСТА:**

Окюлов Омонбой

Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан

Саидова Лола Абдувахидовна

Заведующая кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук

Тошев Бобокул Норкobilович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

Начальник Центра Академии Генеральной Прокуратуры, доктор юридических наук, профессор

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Председатель Международного коммерческого арбитражного суда при Торгово-промышленной палате, доктор юридических наук, доцент

Боймолдина Зауреш Хамитовна

Ректор Академии правосудия при Верховном Суде Республики Казахстан, кандидат юридических наук

Годунов Валерий Николаевич

Директор учреждения образования “Институт переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета”, доктор юридических наук, профессор

Ответственный секретарь:

Рахманов Шухрат Наимович

Доцент Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук

Верстка: Абдуллаева Шахзода Собитовна

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Telephone: (+99871) 2345345

Public, legal and scientific-practical journal of

LAWYER HERALD

№1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1>

Chief Editor:

Rakhmatov Anvar

Director of the Lawyers' Training Center
under the Ministry of Justice

Deputy Chief Editor:

Otajonov Abrorjon

First Deputy Director of the Lawyers' Training
Center under the Ministry of Justice, Doctor of
Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD

Public, legal and scientific-practical journal of

LAWYER HERALD

Oqyulov Omonboy

*Professor at the Lawyers' Training Center,
Doctor of Law Sciences, Professor, Honored
Lawyer of the Republic of Uzbekistan*

Saidova Lola

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Law Sciences*

Toshev Bobokul

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Law Sciences*

Mamasiddikov Muzaffarjon

*Head of the Center of the Academy of the General
Prosecutor's Office, Doctor of Law Sciences,
Professor*

Otaxonov Foziljon

*Chairman of the International Commercial
Arbitration Court at the Chamber of Commerce
Doctor of the Science of Law, Associate
Professor*

Boymoldina Zauresh

*Rector of the Academy of Justice at the
Supreme Court of the Republic of Kazakhstan,
Candidate of Legal Sciences*

Godunov Valeriy

*Director of the educational institution
“Institute for retraining and advanced training
of judges, employees of the prosecutor's office,
courts and justice institutions of the Belarusian
State University”, Doctor of Law Sciences,
Professor*

Executive Editor:

Rakhmanov Shukhrat

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training
Center, Candidate of Juridical Sciences*

Pagemaker: Abdullaeva Shakhzoda

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan

WEB: yuristjournal.uz

E-mail: info@yuristjournal.uz

yuristjournal@gmail.com

Telephone: (+99871) 2345345

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ
ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

- 1. ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович**
“ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА” ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ
ЖИҲАТЛАРИ.....9
- 2. ТУРАЕВ Акмал Панжиевич**
ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ.....19
- КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ
ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ**
- 3. ЗУЛФИҚОРОВ Шерзод Хуррамович**
ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДЕПУТАТЛАР
ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖИҲАТЛАРИ.....28
- 4. ҲАМРОЕВ Элдор Отамуродович**
“ДАВЛАТ ПОЙТАХТИ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ
БЕЛГИЛАРИ.....40
- 5. НОРМУХАМЕДОВА Сурайёхон Бобир қизи**
К ВОПРОСУ О ПРИМЕНЕНИИ ПРИНЦИПОВ АДМИНИСТРАТИВНЫХ
ПРОЦЕДУР В СФЕРЕ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ.....49
- ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА
ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**
- 6. РАҲМАТОВ Анвар Исламович**
СПОРТДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ШАРТНОМАВИЙ ТАРТИБГА
СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....63
- 7. ТОШБОЕВА Робия Собировна**
РЕФОРМИРОВАНИЕ ПРИРОДНОРЕСУРСОВОЙ КАДАСТРОВОЙ
СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА: СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И ПУТИ
ИХ ПРАВОВОЙ РЕГЛАМЕНТАЦИИ.....74
- 8. МУКУМОВ Бобур Мелибой уғли**
ПРОБЛЕМЫ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ИЗЪЯТИЯ
ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ ДЛЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ И
ОБЩЕСТВЕННЫХ НУЖД В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....86
- 9. МАДУМАРОВ Талантбек Толибжонович**
МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА
ТУГАТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ.....98

- 10. ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна**
ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА.....120

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

- 11. МУСАЕВ Бекзод Турсунбоевич**
МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ВА БАНДЛИК СОҲАСИДА ХУСУСИЙ
БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ
ТАЖРИБАСИ.....119

- 12. МАРИПОВА Севархон Арибжановна**
МЕҲНАТ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА МЕДИАЦИЯ
ИНСТИТУТИНИНГ АҲАМИЯТИ (НАЗАРИЯ ВА
АМАЛИЁТ).....132

- 13. ҚУЧҚАРОВ Хамидулло Абдурасулович**
МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ВА СУД ТАРТИБИДА КЎРИБ
ЧИҚИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....140

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

- 14. ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович,**
КУШБАКОВ Дилшод Мусурмонкулович
МАСТЛИК ҲОЛАТИДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИНГ
ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ
ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....151

- 15. АЛЛАНОВА Азизахон Авазхоновна**
ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК:
МУАММО ВА ТАКЛИФ.....166

- 16. АЧИЛОВ Алишер Темирович**
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ175

- 17. НУРМУҲАММЕДОВА Гўзалхон Баходировна**
КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: УСУЛЛАРИ ВА
ЙЎНАЛИШЛАРИ.....189

18. АЗИМОВ Тохир Саидович
«ЖАМОАТ ТАРТИБИ» ВА «ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ»
ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗARO ФАРҚЛАНИШИ ҲАМДА
БОҒЛИҚЛИГИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ.....202

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-
КИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

19. ЮГАЙ Людмила Юрьевна,
ГАДЖИЕВ Хагани Моҳуббат оглы
ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ ДОКАЗЫВАНИИ
ФАКТА РАСПРОСТРАНЕНИЯ ЛОЖНОЙ ИНФОРМАЦИИ В
ИНТЕРНЕТЕ.....208

20. ХАЛИЛОВ АКРАМ УТАМУРАДОВИЧ
СУД ЭКСПЕРТИЗА ЛАБОРАТОРИЯЛАРИНИНГ АККРЕДИТАЦИЯСИ -
СУД ЭКСПЕРТИЗА ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ.....219

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

21. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна
ПРАВОВОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ ДОСТУПА К ПЕЧАТНОЙ ИНФОРМАЦИИ
У ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ В УЗБЕКИСТАНЕ.....229

22. ВАЛИЖОНОВ Далер Дилшодович
ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО – ПРАВОВЫХ ОСНОВ
СОТРУДНИЧЕСТВА ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ В БОРЬБЕ С
ПРЕСТУПНОСТЬЮ.....238

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

23. ЮЛДАШОВ Абдумумин
ГЕОГРАФИК КЎРСАТКИЧ ТУШУНЧАСИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ
МУСТАҲКАМЛАШДА УНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....249

24. МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна
ОБ ОПЫТЕ ПРАКТИЧЕСКОГО ПРИМЕНЕНИЯ В ОТНОШЕНИИ
НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ МЕР ОТВЕДЕНИЯ И ТЕХНОЛОГИЙ
ВОССТАНОВИТЕЛЬНОГО ПРАВОСУДИЯ В ЗАРУБЕЖНЫХ
СТРАНАХ И УЗБЕКИСТАНЕ.....258

25. ЯКУБОВА Ирода Бахромовна, ЯКУБОВ Ойбек
ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ МАМЛАКАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА
ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.....268

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович

Тошкент давлат юридик университети

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси ўқитувчиси

E-mail: a.xujanazarov@tsul.uz

“ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА” ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
ХЎЖАНАЗАРОВ А.А. “ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА” ИНСТИТУТИНИНГ
НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer
herald. № 1 (2021), Б. 9–18.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси институтининг назарий ва ҳуқуқий афрофлича тадқиқ этилган, ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси тушунчаси, таснифи, амалга ошириш шакллари ва мазкур категориялар бўйича муаллифлик ёндашувлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси бўйича соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ифодаланган.

Калит сўзлар: адлия, лойиҳа, қонун, норма, экспертиза, давлат, функция, ҳуқуқ, қарор.

ХУЖАНАЗАРОВ Азизжон Анварович

Преподаватель кафедры “Теория государства и права”
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: a.xujanazarov@tsul.uz

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИНСТИТУТА «ПРАВОВАЯ ЭКСПЕРТИЗА»

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются теоретико-правовые основы института правовой экспертизы нормативных правовых актов ее формы, понятия, классификации и развиваются авторские подходы к этим категориям. Кроме этого содержатся предложения по совершенствованию национального законодательства в области правовой экспертизы нормативно-правовых актов.

Ключевые слова: юстиция, проект, закон, норма, экспертиза, государство, функция, право, постановление.

KHUMANAZAROV Azizjon

Lecturer at the Department of Theory of state and law of
Tashkent State University of Law
E-mail: a.xujanazarov@tsul.uz

THEORETICAL ASPECTS OF THE INSTITUTE “LEGAL EXPERTISE”

ANNOTATION

The article examines in detail the theoretical and legal aspects of the institution of legal expertise of regulatory legal acts. The article develops the concept, classification, forms of legal examination of regulatory legal acts and the author's approaches to these categories. Also, the article contains proposals for improving legislation in the field of legal expertise of regulatory legal acts.

Keywords: justice, project, law, norm, examination, state, function, law, decree.

Қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг асосий йўлларида бири, биринчи навбатда улар томонидан чиқариладиган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишдир. Зеро, жамиятда қонун устуворлиги ва юзага келувчи ҳар қандай

турдаги ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси ўз навбатида норма ижодкорлиги фаолиятининг асосий институтларидан бири ҳисобланади.

“Экспертиза” ва “ҳуқуқий экспертиза” тушунчаларининг луғавий ва ҳуқуқий тавсифига алоҳида тўхталадиган бўлсак, уни қуйидагича ифодалаш мумкин.

“Экспертиза” тушунчасининг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, мазкур тушунча тўғрисида ўзбек тилининг изоҳли луғатида белгиланишича “экспертиза – (фр. expertise, лот. expertus – тажрибали; синалган) қийин ёки чигал масалани ечиш ва ҳал қилиш учун мутахассислар иштирокида уюштирилган текширишдир [1, Б.27].

Бу ҳақда А.А. Разуваев: “Экспертиза — махсус билимларни қўллаб, маълумотли (эксперт) шахслар томонидан амалга ошириладиган ўрганиш бўлиб, белгиланган тартибда мазкур ўрганиш натижаси юзасидан тўғри ва асослантирилган қарорлар қабул қилиш ва хулоса бериш” деб таъкидлаган [2, Б.8].

Ҳуқуқшунос олим М.К.Нажимов ҳуқуқий экспертиза тушунчасига – юридик ва жисмоний шахсларнинг қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг лойиҳаси бўйича унинг Конституция ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, белгилаб қўйилган юридик техника қоидаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан хулоса бериш борасидаги фаолият сифатида таъриф берган [3, Б.77].

Е.В. Скуркoning фикрича қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси қонун лойиҳасини Конституцияга мувофиқлиги ва амалдаги қонунчилик ва халқаро шартномалар тизимидаги ўрнини баҳолаш ҳамда қонунчилик техникаси қоидалари нуқтаи назаридан унинг сифати ва натижавийлигини белгилашдир [4, Б.46].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунининг 22-моддасига мувофиқ, ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос олим Х.Ҳайитов қонун лойиҳалари экспертизаси тушунчасига махсус билим ва малакага эга эксперт ёки экспертлар гуруҳининг қонун лойиҳалари юзасидан натижаси хулоса тарзида расмийлаштириладиган, уларда йўл қўйилган турли камчиликларни аниқлаш, бартараф этиш, қонун лойиҳаларининг қонунчилик тизими, халқаро ҳуқуқ нормалари, қонунчилик техникаси, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга қанчалик мувофиқлигини баҳолаш асосида асослантилган тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган фаолият сифатида таъриф бериб ўтган [5, Б.14].

Ҳуқуқий экспертизани бир томондан қонунчилик натижавийлигини баҳолаш воситаларидан бири сифатида, бошқа томондан эса тадқиқотнинг алоҳида предмети ва белгиланган услбулар тўплами, уни ўтказиш ваколатига эга махсус субъектлар, эксперт хулосаси шаклидаги натижа, ҳуқуқий тартибга солиш механизмида белгиланган жой каби махсус хусусиятларига эга бўлган ҳуқуқий институт сифатида ҳисоблаш имкониятларини беради [6, Б.14].

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларини **“Ҳуқуқий экспертиза — бу қонун ҳужжати лойиҳалари ишлаб чиқувчисининг ёки ушбу турдаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколатга эга органнинг юридик хизмати, шунингдек адлия органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатлари ва халқаро шартнома қоидаларига ҳамда норма ижодкорлиги техникаси қоидаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳар томонлама ўрганиш ҳамда натижаси бўйича белгиланган тартибда хулоса беришни қамраб олган фаолият”** тарзида таҳрир этилиши таклиф этилади.

А.Н.Миронов ва С.Н.Ушаковларнинг фикрича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказилиши — ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб, қуйидагиларга ёрдам беради:

биринчидан, қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги, асослантилганлиги ва юқори сифатлилигини таъминлайди;

иккинчидан, қабул қилинувчи қонун ҳужжатларининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва экологияга оид салбий оқибатлари аниқланади;

учинчидан, ўзаро боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг илмий асослантилган тизими шакллантирилади [7, Б.146].

Шунингдек, давлат бошқаруви тизими ва жамият ҳаётида турли хил ҳуқуқбузарликлар юзага келишини олдини олиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар учун ортиқча чекловларни жорий этадиган қоидалар мавжудлигини аниқлаш мақсадида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизасини мажбурийлик, қонунийлик, мустақиллик, илмийлик, ошкоралик, тизимлилик принципларига асосан амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, ушбу принципларни қуйдидагича изоҳлаймиз:

— мажбурийлик принципига кўра Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт эканлиги билан белгиланади.

— қонунийлик принципи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг мазмуни юқорироқ юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларга мувофиқ бўлишида ифодаланади;

— мустақиллик принципи қонунчиликда белгиланган тартибда экспертларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига баҳо беришда мустақиллиги ва экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтаи назаридан холи мазкур фаолиятни амалга оширишларида ифодаланади;

— илмийлик принципи олим ва мутахассислар жалб этилган ҳолда ҳуқуқий экспертизани ўтказилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини юриспруденция соҳалари кесимида улар томонидан назарий таҳлилини амалга оширилишида ифодаланади;

— ошкоралик принципини “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунининг 20-моддасида белгиланганидек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик ёки мутахассислар муҳокамасига қўйилишида кўрсатиш мумкин. Жамоатчилик ва мутахассислар муҳокама давомида билдирилган таклифлар ва эътирозлар асосий ижрочи ёки ишчи гуруҳ (комиссия) томонидан кўриб чиқилиши лозим.

— тизимлилик принципи нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2352, 09.04.2012 йил) билан тасдиқланган Услубий кўрсатмаларга мувофиқ дастлаб қонун ҳужжати лойиҳалари ишлаб чиқувчисининг ёки ушбу турдаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколатга эга органнинг юридик хизмати томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва манфаатдор органларга уни узил-кесил келишиш (имзолаш) учун юборилади;

барча манфаатдор органлар билан келишилгандан сўнг, ишлаб чиқувчи томонидан лойиҳани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритишдан олдин тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборилади; лойиҳа Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганидан сўнг белгиланган тартибда ишлаб чиқувчи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган тартибда, Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизасини таснифлашда қонунликда ва назарий адабиётларда турли норма ҳамда ёндашувлар мавжуд.

Хусусан, Е.В.Раздьяконова ва Е.Д.Третьяковалар экспертизанинг қуйидаги турларини ажратишган:

— экспертлик фаолиятини амалга оширувчи субъектларга боғлиқ равишда: давлат, жамоатчилик, халқаро;

— мураккаблик босқичи бўйича: а) комплекс (агар норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки лойиҳа бир нечта ҳуқуқий тартибга солиш соҳаларига алоқадорлиги); б) ихтисослаштирилган (агар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тартибга солинувчи ижтимоий муносабатларнинг қайсидир соҳасига тааллуқли бўлса) [8, Б.54].

Бизнингча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси миллий қонунчилик ва илмий манбалар асосида қуйдагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

а) ҳуқуқ соҳалари бўйича: антикоррупцион, гендер-ҳуқуқий, халқаро ҳуқуқий, криминологик;

б) ваколатли субъектлар бўйича: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқувчисининг ёки ушбу турдаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколатга эга органнинг юридик хизмати, шунингдек адлия органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертиза;

в) қонун ҳужжатлари бўйича: қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизаси.

Миллий қонунчиликка мувофиқ, қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ўз навбатида субъектлар бўйича лойиҳани ишлаб чиқувчининг юридик хизмати ва адлия органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий экспертизага бўлинади.

Шундан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан

Ўтказиш адлия органларининг норма ижодкорлиги фаолиятидаги асосий йўналишларидан бири ҳисобланиб, норма ижодкорлиги соҳасида давлат ҳуқуқий сиёсатини таъминлаш ва норматив-ҳуқуқий лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда адлия органлари ўзимиз ва бошқа мамлакатларда ҳам асосий ўринда туради.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси институтини янада такомиллаштириш мақсадида, қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, бугунги кунда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарори билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Бироқ, Низомга кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилиши белгиланганлиги, шунингдек Вазирлар Маҳкамасидан юқори бўлган инстанцияларнинг мавжудлигини инобатга олиб, бизнингча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартибини қонун даражасида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги 384-мҳ-сонли буйруғи билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш Усули (рўйхат рақами 2745, 25.12.2015 йил) мавжуд. Мазкур Усул норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишнинг тартибини белгилайди. Экспертиза асосан адлия органлари томонидан ўтказилади, шу билан бирга ишлаб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи, шунингдек лойиҳалар келишилиши лозим бўлган органларнинг юридик хизмати томонидан ўтказилиши мумкин.

Ҳуқуқий экспертизанинг мазкур тури МДҲ мамлакатларининг айримларида (Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси) қонун

даражасида тартибга солинган бўлса, қолганларида эса қонуности ҳужжатлари билан мустаҳкамланган.

Миллий қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларни юқорида қайд этилган давлатлар тажрибаси билан қиёслаган ҳолда ўтказилган таҳлиллар натижасида мазкур соҳага қуйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқ:

а) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасининг турларини белгилаш (масалан, давлат ва жамоатчилик томонидан ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертизаси);

б) “Жавобгарликнинг муқаррарлиги” принципига оғишмай амал қилган ҳолда, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижасида аниқланган коррупциявий омиллар бўйича ҳамда давлат ва жамиятга етказилган зарарнинг даражасидан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат муаллифи (ишлаб чиқувчиси)нинг жавобгарлик масаласи (масалан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари);

в) Амалдаги қонун ҳужжатлари юзасидан коррупцияга қарши экспертизасини ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хусусан қонунчиликда экспертизани ўтказишга ваколатли барча субъектлар (давлат идоралари, жамоатчилик)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонун ҳужжатларининг ҳар бир тури бўйича ўтказиладиган коррупцияга қарши экспертиза тартиб-таомилларини белгилаш.

Учинчидан, Жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, бу бордаги барча ваколатли давлат органларининг устувор вазифаларидан бири. Амалдаги қонунчилик таҳлили, адлия органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида аниқланган жиддий қонун бузилиши ва бошқа ҳуқуқбузарликлар юзасидан кўриладиган тегишли чоралар ҳақида аниқ механизмнинг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Фақатгина, коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича адлия органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритилиши мумкин.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, адлия органлари томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида аниқланган жиддий қонун бузилиши ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан тузиладиган эксперт хулосаси нусхаси қонуний чора

кўриш учун тегишлилиги бўйича ваколатли органларга тақдим этилиши мақсадга мувофиқ. Бунда, юридик-техник ва таҳрирлаш, терминлар бўйича ва стилистик ҳамда ишни судда кўриб чиқиш учун асосларга эга бўлмаган характердаги қоида бузилишлари ҳақидаги эксперт хулосалари тақдим этилмайди.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, ҳуқуқий экспертиза қонун ҳужжатларини қабул қилишдан олдинги ва лойиҳаларнинг охириги таҳлилий инстанцияси эканлигини инобатга олган ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини соҳалараро таҳлилин амалга оширилиши, ўз навбатида қонун ҳужжатлари лойиҳаларини соҳалар нуқтаи назаридан асосли эканлигини ва сифатсиз ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини аниқлашга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. (Explanatory dictionary of the Uzbek language: more than 80,000 words and phrases. / Editorial staff: T. Mirzaev (leader) and others; Institute of Language and Literature of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. - T. : “National Encyclopedia of Uzbekistan” State Scientific Publishing House, 2006)
2. Разуваев А.А. Экспертиза как средство повышения эффективности процесса право реализации (вопросы теории и практики): автореф. дис... канд. РИД. наук. Саратов, 2006. (Razuvaev A.A. Expertise as a means of increasing the efficiency of the process of right implementation (questions of theory and practice): author. dis- cand. RID. sciences. Saratov, 2006)
3. Нажимов М.К. Норма иждкорлиги. Дарслик. –Тошкент: ТДЮУ, 2018. (Najimov M.K. Lawmaking. Textbook. –Tashkent: TSUL, 2018)
4. Скурко Е.В. Некоторые вопросы интеграции экспертного знания в законодательную деятельность // Представительная власть – XXI век: законодательство, комментарии, проблемы, 2002.№ 2-3. (Skurko E.V. Some issues of integration of expert knowledge into legislative activity // Representative power - XXI century: legislation, comments, problems, 2002.№ 2-3)

5. Хайитов Х.С. Қонун ижодкорлигида экспертиза ўтказишининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (DSc) ...дис.автореферати. Т.: 2018. (Hayitov H.S. Improving the organizational and legal framework for the examination of lawmaking. Doctor of Laws 6. (DSc) ... dissertation abstract. T.: 2018).

6. Юридическая экспертиза нормативных правовых актов: учебное пособие / сост.: к.ю.н., доцент Д.Ш. Пирбудагова и др. 2-е изд., перераб. и доп. МАХАЧКАЛА: Изд-во ДГУ, 2017. (Legal expertise of regulatory legal acts: textbook / comp.: Ph.D., associate professor D.Sh. Pirbudagova et al. 2nd ed., Revised. and add. Makhachkala: Publishing house of DGU, 2017).

7. Норматворчество органов государственного и муниципального управления: учеб. пособие / А.Н.Миронов, С.Н.Ушаков. — М.: ИНФРА-М, 2019. - (Lawmaking of state and municipal authorities: textbook. allowance / A.N. Mironov, S.N. Ushakov. - M.: INFRA-M, 2019).

8. Раздьяконова Е.В., Третьякова, Е.Д. Правовая экспертиза нормативных правовых актов: учебное пособие / авторы Е.В.Раздьяконова, Е.-Д. С. Третьякова; СИУ-филиал РАНХиГС. — Новосибирск: изд-во СибАГС. -2014. - (Razdyakonova E.V., Tretyakova, E.D. Legal examination of regulatory legal acts: textbook / authors E.V. Razdyakonova, E.-D. S. Tretyakov; SIU-branch of RANEPА. —Novosibirsk: publishing house SibAGS — 2014.).

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ТУРАЕВ Акмал Панжиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: turaevakmal86@umail.uz

ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
ТЎРАЕВ А.П. ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ САМАРАДОРЛИГИГА
ЭРИШИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста –
Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 19-27.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигига эришишнинг долзарблиги, жамият тараққиётига кўшадиган ҳиссаси, самарадорликка таъсир қилаётган салбий омиллар, уларни бартараф этишга оид таклиф ва тавсиялар баён қилинган. Шунингдек, муаллифнинг тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларнинг ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигига таъсири, миллий ҳуқуқ тизимининг кодекслаштиришга эҳтиёж сезаётган тармоқлари ҳақидаги мулоҳазалари ва тегишли илмий таклифлари акс этган.

Калит сўзлар: ҳуқуқни амалга ошириш, ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар, қонун ости ҳужжатлари.

ТУРАЕВ Акмал Панжиевич

Старший преподаватель кафедры государственно-правовых дисциплин Академии МВД Республики Узбекистан

E-mail: turaevakmal86@umail.uz

ПЕРСПЕКТИВЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ РЕАЛИЗАЦИИ ПРАВА

АННОТАЦИЯ

В статье рассмотрены актуальность повышения эффективности осуществления права, её вклад в развитие общества, отрицательные факторы, влияющие на ее эффективность, предложения и рекомендации по их устранению. Также, отражены взгляды и научные подходы автора о влиянии законов прямого действия на эффективность осуществления права, об отраслях национальной правовой системы, испытывающих потребность на кодификацию.

Ключевые слова: осуществления права, эффективность осуществления права, правоприменительная практика, законы прямого действия, подзаконные акты.

TURAEV AkmalLecturer at the Department of State-law sciences
Academy of MIA of the Republic of Uzbekistan.

E-mail: turaevakmal86@umail.uz

PROSPECTS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF IMPLEMENTATION OF THE RIGHT

ANNOTATION

The article examines the relevance of increasing the effectiveness of the exercise of law, its contribution to the development of society, negative factors affecting its effectiveness, proposals and recommendations for their elimination. Also reflects the views and scientific proposals of the author on the impact of direct laws on the effectiveness of the exercise of law, on the branches of the national legal system that are in need of codification.

Keywords: law implementing, effectiveness of law implementing, the practice of law implementation, directly in-force laws, documents under the law.

Хуқуқни амалга ошириш самарадорлигига эришиш масаласи ҳар доим ҳуқуқ назарияси ва амалиётининг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Ҳар қандай демократик давлат тараққиётида мазкур масала ҳал қилувчи роль ўйнайди. Зеро, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиёти, ўтказилаётган кенг қамровли ислохотларнинг натижаси кўп жиҳатдан ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигига боғлиқдир.

Замонавий фан ва техника тараққиёти инсон томонидан яратилган воситаларнинг самарадорлигини баҳолаш имконини бермоқда. Саноат ишлаб чиқарилишида қўлланиладиган кўп тушунча ва категориялар аста-секинлик билан ижтимоий ҳаёт соҳаларига, жумладан ҳуқуқ соҳасига ҳам татбиқ этилмоқда. “Самарадорлик” тушунчаси ана шундай категориялар бири ҳисобланади.

Шу ўринда илмий ва ўқув адабиётларда учрайдиган “самарадорлик” сўзининг мазмун-моҳиятига оид фикрларга тўхталиб ўтсак. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “самарадорлик” сўзи самарали, фойдали бўлишлик, фойдалилик деган маъноларни англатиши баён қилинган [5]. “Самарадорлик” атамасини биз кўпинча, моддий ишлаб чиқариш соҳасига татбиқ этамиз, масалан, “ишлаб чиқариш самарадорлиги”, “янги технологиялар самарадорлиги” кабилар. Бунда самарадорликка имкон қадар кам харажат сарфланиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, фойда олиш нуқтаи-назаридан ёндашилади. Самарадорлик атамасини ҳуқуқшуносликда ҳам турли йўналишларда қўллаш мумкин, масалан, ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги, қонунчилик самарадорлиги, ҳуқуқ нормалари самарадорлиги [2, Б.202-203] ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлиги кабилар.

“Ҳуқуқий ҳодисаларнинг самарадорлиги” тушунчасига оид энг кўп тарқалган қарашлардан бирига кўра, “самарадорлик” – маълум бир ҳуқуқий ҳодисанинг мақсадлари ва ушбу ҳуқуқий ҳодиса натижаси ўртасидаги нисбатдир [3]. Демак, ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлиги деганда ҳуқуқни амалга оширишдан қўзланган мақсад ва эришилган натижа ўртасидаги нисбатни тушуниш мумкин. Бу ўринда шахснинг бирор қонунда ифода этилган ҳуқуқларини тўлиқ руёбга чиқаришни ҳуқуқни амалга ошириш жараёнининг мақсади деб олсак, амалда шахснинг ушбу ҳуқуқлардан қай даражада фойдалана олганлиги, эришилган натижа ҳисобланади. Агар шахснинг қонунда акс этган ҳуқуқлари жамият ҳаётида бекаму кўст, тўлиқ амалга ошган бўлса, ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигини шунчалик юқори деб баҳолаш

мумкин. Аммо самарадорликни баҳолаш анча мураккаб ҳисобланади. Чунки, қонунда акс этган ҳуқуқларнинг фақат битта субъект фаолиятида амалга ошиши, бутун жамиятда ушбу қонуннинг самарали ишлаётганлигини аниқлаш мумкин эмас. Бу ҳолатда ушбу қонунда ҳуқуқлари ифодаланган барча субъектларнинг ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойданиш кўрсаткичига қараб, ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигига ҳолис баҳо бериш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, яхши қонуннинг қабул қилиниши бу ишнинг бошланишидир, энг муҳими масала уни ҳаётга тўла татбиқ қилинишига эришиш ҳисобланади. Ҳуқуқшунос И.Т.Тулътеев таъкидлаганидек, ҳуқуқий нормаларни яратиш ҳеч қачон ҳуқуқ ижодкорлиги субъектининг бирдан бир мақсади бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Қонун чиқарувчи идора ҳар қандай норматив-ҳужжатни қабул қилар экан, қонун талабларининг ҳаётда акс этишида ифодаланувчи муайян натижага эришишни кўзлайди [4]. Агар ҳуқуқни жамият ҳаётида амалга ошириш механизми бўлмаса, уни тушуниш ҳам, фойдаланиш ҳам мумкин эмас. Қонуннинг ҳатто энг мукамал нормалари ҳам уларни амалга оширишнинг самарали механизми бўлмаса, ўзининг белгиланган мақсадига эриша олмайди [1, Б.9].

Аммо, бугунги кунда ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигига салбий таъсир қилаётган бир қатор омиллар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Булар жумласига *бир соҳага оид ижтимоий муносабатларнинг тарқоқ ҳолда турли қонунчилик нормаларида тартибга солиниши, қонун ҳужжатларида ҳаволаки нормаларининг кўплиги, қонун ҳужжатларининг қонуности ҳужжатлари билан чегаралаб (чеклаб) қўйилиши, қолаверса тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни яратиш механизмининг сустлиги* каби ҳолатларни келтириш мумкин. Айниқса тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни яратиш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Айни вақтда қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур. Афсуски, ҳозирги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Уларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли пастлигича қолмоқда. Бу борадаги ишларни ташкил этишда, авваламбор, қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур, деб ҳисоблайман”, дея таъкидлаган эди [6]. Бу борада

сўнги йилларда юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2018 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5505-сон фармони [8] билан Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди. Мазкур ҳужжат узоқ йиллар давомида шаклланган норма ижодкорлиги фаолиятига баҳо берибгина қолмай, ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларини анчадан бери ўйлантириб келаётган муаммоларнинг оқилона ечимини топиб берди. Илгари қонунлар ижтимоий муносабатларнинг энг умумий жиҳатларини тартибга солар, ҳукумат ва идоравий ҳужжатларнинг қонунларга нисбатан юридик кучи камроқ бўлса-да, айнан улар қонунларнинг ишлаш механизмларини белгилаб бераётган, ҳаракатга келишини таъминлаётган эди.

Амалда ҳуқуқий бўшлиқларнинг асосий қисми ижро ҳокимияти ҳужжатлари билан тўлдириб борилар эди. Эндиликда ушбу Концепцияда соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тўлиқ бартараф этиш, хусусан, қонунчилик базасини тизимлаштириш, тўғридан-тўғри амал қилиш механизмларига эга қонунларни қабул қилиш, ҳар бир қонун ҳужжати баҳосини аниқлаш механизмларини жорий этиш, қонун ижодкорлигига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш каби аниқ вазифалари белгилаб берилди.

Ушбу концепция асосида парламентимизда тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни яратишга алоҳида эътибор берилди бошлади. Масалан, 2018 йилда “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”, “Уруғчилик тўғрисида”, “Ўсимликлар карантини тўғрисида”, “Давлат божхона хизмати тўғрисида”, 2019 йилда “Қурол тўғрисида”, “Туризм тўғрисида”, “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунлар тўғридан-тўғри қўлланадиган қонунлар сифатида қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия тузилди. Комиссияга концепция ва амалий чора-тадбирлар режасини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш; фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, илмий доиралар ва хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот конференцияларини ташкил этиш; қонунчилик базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш; идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат нормаларини юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш ва “тартибга солиш гильотинаси” усулини қўллаш орқали қолган

хужжатларни, шу жумладан, қонунчиликни тизимлаштириш доирасида ҳар бир идоранинг ваколатини босқичма-босқич камайтириш ва бекор қилишни назарда тутувчи, улар томонидан қабул қилинаётган идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш бўйича таклиф кириш ва бошқа вазифалар юклатилди.

Концепцияни амалга ошириш бўйича тузилган комиссия шафеълигида Адлия вазирлиги ҳамда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан “Норматив ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда норма ижодкорлиги фаолиятининг асосий принциплари, норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг иерархияси, ҳар бир норматив-ҳуқуқий хужжатнинг таъсирчанлигини баҳолаш, коррупцияга қарши экспертиза, жамоатчилик муҳокамаси ва бошқа муҳим масалалар назарда тутилди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди, халқаро ва хорижий тажрибанинг энг илғор ютуқлари, замонавий тенденциялари татбиқ этилди.

Концепция ижроси доирасида 2019 йилнинг 26 март куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан иккита муҳим хужжат — “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, уларга илова қилинаётган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти” ҳамда “Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун хужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда аксарият қонуности хужжатларини яхлит қонун шаклига келтиришга қаратилган 60 га яқин қонунларни қабул қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, Соғлиқни сақлаш, Экология кодексларини ва бошқа муҳим қонунларни қабул қилиш назарда тутилди. Бугунги кунда бу борада жадал ишлар олиб борилмоқда[9].

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 19 май куни имзоланган “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон [7] ҳам мазкур йўналишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, норма ижодкорлиги фаолиятини сифатли ташкил этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини бир хиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш борасида фаолиятни янада ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Фармон асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда “пакет” принципи жорий қилинмоқда. Яъни, янги қонун лойиҳаси билан белгиланаётган қоидалар илгари қабул қилинган қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этса, ушбу ўзгартиришлар янги қонун билан бир вақтда қабул қилиниши белгиланмоқда. Бу билан бир ижтимоий муносабатни тартибга солишга қаратилган бир неча норматив ҳуқуқий ҳужжатни бир вақтда қабул қилинишига эришилади. Амалиётда қонун нормаларини амалга оширишда юзага келадиган турли тушунмовчиликларнинг олди олинади. Албатта, мазкур талаблардан келиб чиқиб, парламент томонидан тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификациялаш соҳасида ижобий натижаларга эришилди.

Шу билан бирга ҳали мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган бир қанча вазифалар мавжудлигини ҳам истисно қилиб бўлмайди. Айниқса, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар орасида кодекслар алоҳида аҳамиятга эга, чунки уларда белгиланган нормаларни амалга ошириш учун қонуности ҳужжатларини қабул қилиш шарт эмас. Бугунги кунда ҳуқуқ тизимимиздаги айрим қонун ҳужжатларини тизимлаштириш фурсати етди, деб ҳисоблаймиз.

Таҳлиллар паспорт-виза ва миграция, ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя, атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, шу жумладан кодекслаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Хусусан, кўрсатиб ўтилган соҳаларда катта ҳажмдаги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши билан боғлиқ равишда қуйидаги муаммолар вужудга келган:

биринчидан, битта соҳага оид муносабатларнинг юридик кучига кўра, турли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солиниши бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг сифатига жиддий таъсир қилмоқда.

Айни вақтда:

– паспорт-виза ва миграция фаолияти 90 га яқин (шундан, 3 таси қонун, 50 дан ортиғи Президент ва ҳукумат ҳужжатлари, 40 га яқини идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади;

– ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя фаолияти 300 га яқин (шундан, 30 га яқини қонун, 120 га яқини Президент ва ҳукумат ҳужжатлари, 190 га яқини идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади;

иккинчидан, соҳага оид қонун ҳужжатларидан фуқароларнинг хабардорлиги, яъни тегишли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда мажбуриятлари ва жавобгарлигини билишларида қийинчиликларни вужудга келтирмоқда;

учинчидан, фуқароларнинг тегишли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг турли қонун ҳужжатларида тарқоқ ҳолда белгиланиши уларни тўлиқ рўёбга чиқаришга салбий таъсир этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги янги кодексларни қабул қилиш таклиф этилади:

паспорт-виза ва миграция соҳасида – Миграция кодекси. Ҳозирги кунда бундай кодекс Озарбайжон Республикасида мавжуд;

ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя соҳасида – Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя кодекси. Франция, Германия, Австрия каби давлатларда бундай кодекслар амалда мавжуд;

Шу билан бирга бугунги кунда давлат хизмати институтини такомиллаштириш, давлат органлари ва унинг турли даражадаги хизматчиларининг халқ олдидаги масъуллигини янада кучайтириш, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғояни фаолиятимиз мезонига айлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар давлат хизматчиларининг касбий этикаси ва ахлоқ-одобига оид нормалар ҳамда талабларни қатъий белгилаб қўйишни тақозо этмоқда. Қолаверса, давлат хизматчиларининг фуқаролар билан мулоқот қилишда, уларни қабул қилишда ва хизматдан ташқари ҳолларда амал қилиши лозим бўлган касбий этика ва ахлоқ-одобига оид нормалар ва талаблар ҳамда уларга амал қилмаганлик учун хизматчилар жавобгарлигига оид қоидалар ва тартибининг мавжуд эмаслиги ёки ноаниқлиги, мансабдор шахсларнинг ваколатлари уларнинг касбий этика ва ахлоқ-одобга оид мажбуриятларига мувофиқ келмаслиги билан боғлиқ муаммоларнинг ечими ҳамда бу борадаги илғор хорижий тажриба давлат хизматчиларининг касбий этикаси ҳамда ахлоқ-одобига оид аниқ талаблар ва стандартларни ҳамда уларнинг бу борадаги жавобгарлигини белгилаш соҳасида – Давлат хизматчиларининг ахлоқ ва этика кодексини қабул қилишни тақозо этмоқда.

Шундай қилиб, ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигига эришиш кўплаб омилларга боғлиқ, уларнинг ўз вақтида ҳисобга олиниши, ижобий омиллар янада ривожлантирилиши, салбий омилларни ўз вақтида бартараф этиш қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва татбиқ этиш механизмини такомиллаштиришга, том маънода ҳуқуқни амалга ошириш самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Азамов Ж.М. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти: муаммо ва ечимлар // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald № 2 (2020). Б.8-14 // URL: <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/50>
2. Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. З.М.Исломов. – Т.: ТДЮУ, 2016.
3. Сырых В.М. Логические основания общей теории государства и права в 3-х т. Т.2. М., 2004.
4. Тультеев И.Т. Правотворческая деятельность и прогнозирование. –Т., 2008.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. // URL:<https://ziyouz.uz/durdona-toplamlar/uzbek-tilining-izohli-lugati/>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи 2016 йил 9 декабрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. ПФ-5997-сон. 19.05.2020. // URL: <https://lex.uz/docs/4820060>.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. ПФ-5505-сон. 08.08.2018 // URL: <https://lex.uz/ru/docs/3858817?twolang=true>
9. Хакимов Р.Р. Халқчил қонун халқ фикри билан бунёд бўлади URL/<http://parliament.gov.uz/uz/events/opinion/28289/>.
10. Проблемы общей теории права и государства: Учебник для вузов / Под общ. ред. академика РАН, докт. юрид. наук, проф. В.С. Нерсесянца. М.: Норма, 2004. С. 499;
11. Спектор Е.И. Проблемы реализации закона о государственном регулировании деятельности по организации и проведению азартных игр. Да здравствует подполье? // Адвокат 2007 №2.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЗУЛФИҚОРОВ Шерзод Хуррамович

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси

Ҳарбий-техник институти доценти, юридик фанлари доктори

E-mail: zulfiqorov.sherzod@mail.ru

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

ЗУЛФИҚОРОВ Ш.Х. ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА
ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖИҲАТЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №
1 (2021), Б. 28-39.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-3>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада парламент назоратини амалга ошириш тартиби, депутат сўровидан самарали фойдаланиш масалалари, Ҳукумат ва парламент ўртасидаги ўзаро муносабатлар, депутатларнинг қонунларнинг ижросини таъминлашдаги иштироки, хорижий мамлакатлар парламент назорати соҳасидаги тажрибалари каби масалаларни илмий, амалий жиҳатдан ёритишга, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: парламент, парламент назорати, депутат, депутат сўрови, ишончсизлик вотуми, ҳукумат, мурожаатнома, дастур, депутат мурожаати.

ЗУЛФИКОРОВ Шерзод Хуррамович

Доцент Военно-технического института Национальной гвардии Республики Узбекистан, доктор юридических наук

E-mail: zulfiqorov.sherzod@mail.ru

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УКРЕПЛЕНИЯ ДЕЙСТВИЯ ДЕПУТАТОВ В РЕАЛИЗАЦИИ ПАРЛАМЕНТСКОГО КОНТРОЛЯ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы касательно научного и практического процедур парламентского надзора, эффективного использования парламентских запросов, связи правительства и парламента, участия депутатов в правоохранительной деятельности, опыта зарубежных стран по парламентскому надзору, разработка предложений и рекомендаций по их совершенствованию.

Ключевые слова: парламент, парламентский контроль, депутат, депутатский запрос, вотум недоверия, правительство, петиция, программа, депутатское обращение.

ZULFIKAROV Sherzod

Associate Professor of the National guard of the Republic of Uzbekistan Military and technical institute, Doctor of law Sciences

E-mail: zulfiqorov.sherzod@mail.ru

SCIENTIFIC AND PRACTICAL FEATURES OF STRENGTHENING THE ACTIONS OF DEPUTIES IN THE IMPLEMENTATION OF PARLIAMENTARY CONTROL

ANNOTATION

This article attempts to provide scientific and practical coverage of issues such as the parliamentary oversight procedure, the effective use of parliamentary inquiries, the relationship between the government and parliament, the participation of parliamentarians in law enforcement, the experience of foreign countries in parliamentary oversight, as well as develop relevant proposals and recommendations.

Keywords: parliament, parliamentary control, deputy, deputy inquiry, vote of no confidence, government, appeal, program, deputy appeal.

Қонунларга риоя қилиш, уларни ижро этиш ва қонун нормалари билан тартибга солишга эҳтиёж туғилаётган жамиятдаги ижтимоий муносабатларни аниқлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан мунтазам уйғунлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан амалга ошириладиган парламент назорати муҳим аҳамият касб этади. Парламент назорати, шунингдек мансабдор шахсларнинг масъулияни ошириш ва фуқаролар онгида қонунга ҳурмат руҳини шакллантиришда ҳам муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ижро ҳокимияти идоралари фаолиятини назорат қилишда Президентнинг асосий кўмакчилари ким? Албатта, сиз, муҳтарам депутат ва сенаторлар. Сизлар менинг олдимга келиб, ижро ҳокимияти идораларининг камчилик ва нуқсонлари ҳақида асосли маълумотлар беришингиз, вазирлик ва идоралар фаолиятини такомиллаштириш бўйича масалани кўндаланг кўйишингиз, керак бўлса, вазир ва ҳокимларни лавозимдан бўшатишгача бўлган таклифларни киритишингиз лозим” [1, Б.551-552].

Шубҳасиз, парламент назорати қонун чиқарувчи органнинг ҳозирги кундаги энг самарали кўриниши ҳисобланади. Парламент назорати қонун ҳужжатлари таъсирчанлигини оширишнинг ва айни чоғда жамиятнинг ҳуқуқий эҳтиёжларини тезкор аниқлашнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим Б.Мирбобоевнинг таъкидлашича, парламент назорати, бу – парламентнинг, унинг таркибий бўлинмаларининг, парламент аъзоларининг ижро этувчи давлат органлари томонидан қонунлар ижро этилишини таъминлашга йўналтирилган фаолияти [2, Б.7]. Бу тавсифда фақат ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатиш масаласи билангина чекланган. Ваҳоланки, бу ерда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муассасалар, тегишли ваколатли органлар фаолияти эътибордан четда қолган. Юридик фанлар доктори М.Миракуловнинг таърифи бўйича, парламент назорати нафақат қонунлар ижроси устидан, балки қониқарсиз, самарасиз, малакасиз фаолият, ўзбошимчалик, баъзи мансабдорларнинг хулқ-атвори, суистеъмолчиликлари, етказган зарарлари, коррупция ҳоллари кузатилганда халқ бевосита ёки ўз вакиллари орқали назорат ўтказиш талабини илгари сурганида ҳам амалга оширилади [3, Б.28].

Бизнингча, парламент назорати – бу мустақил ва қонуний, тизимли вакиллик органи фаолияти бўлиб, унинг палаталари, кўмита ва комиссиялари, палата аъзоларининг ижро ҳокимияти ва бошқа давлат органлари, хўжалик бошқарув органларининг инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда

эркинликларини, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилинишини таъминлаш ҳамда конституциявий ва жорий қонунларнинг ижросини назорат қилиш фаолияти ҳисобланади.

Парламент назоратининг муҳим кўриниши сифатида парламент ва депутат сўрови парламент аъзоларининг давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахслари билан муносабатларида муҳим аҳамиятга эга. 2015 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, парламент сўрови, Қонунчилик палатаси депутати сўрови тушунчаларига алоҳида - алоҳида изоҳ бериб ўтилди.

Яъни, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли. Қонунчилик палатаси депутати – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

Депутат сўрови депутат томонидан уни қизиқтирувчи шахсий масала бўйича тақдим этилмайди. Сўровларнинг мавзуси бўйича у ёки бу норматив чекловлар мавжуд эмас, лекин сўров юборилган субъект ваколатлари чегарасидан четга чиқиши мумкин эмас. Ўз навбатида, депутат сўровини киритиш мезони муаммонинг жамият учун аҳамиятлилигидир [4, Б.120].

Юридик фанлар доктори Ш.Якубовнинг таъкидлашича, сайловчилардан келадиган мурожаатларни кўриб чиқиш учун тегишли давлат органлари ёки мансабдор шахсларга тақдим этиш билан депутат сўрови ўртасидаги чегарани аниқ белгилашимиз лозим. Шундай масала бўладигани, буни муайян органга ўз ваколати доирасида кўриб чиқиш учун юбориш лозим. Янада шундай масалалар бўладигани, бунда мурожаатлар депутат сўровини юборишга асос бўлади [5, Б.90]. Депутатлик сўровини киритиш тартиби, қоида тариқасида, вакиллик органлари депутатлари мақоми билан боғлиқ бўлган базавий қонунлардан келиб чиқади [6, Б.244].

Ҳуқуқшунос олим М.В.Назукинининг фикрича, кўпчилик мутахассислар вакиллик органлари самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш кераклигини кўрсатиб ўтадилар. Бундай мезонлар сифатида: депутатлик сўровларининг юборилиши ва уларнинг ҳал этилганлиги; турли хил масалалар

таклифлар киритиш ва уларни қарор шаклида қабул қилинишига эришиш орқали аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиши; оммавий ахборот воситалари ва матбуот анжуманларида ўз фаолияти юзасидан чиқишлар қилиб туриши; округ сайловчилари билан учрашувлар ўтказиш, округнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш ва ҳоказолар [7, Б.654].

2016 йил 11 апрелда “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши парламент фаолиятини янада самарали ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва функционал вазифаларининг янада кенгайтишига, қолаверса, Қонунчилик палатаси ва депутатларнинг парламент ва депутат сўрови ҳуқуқидан фойдаланиш механизмларини етарлича очиқ беришида бевосита хизмат қилади.

Ҳуқуқшунос олим Н.Исмоиловнинг фикрича, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси “парламент сўрови” юборадиган бўлса, албатта, палатанинг қарори қабул қилиниши лозим. Депутат томонидан сўров юборилганда эса, бу сўров, албатта, Қонунчилик палатаси Кенгашида муҳокамадан ўтиши мақсадга мувофиқдир [8,Б.82]. Ҳозирги кунда депутатлар ўз сўровларини ҳеч кимнинг розилигисиз тўғридан-тўғри тегишли давлат органларининг мансабдор шахсларига юбормоқдалар.

Амалдаги қонунчиликка киритилган янги тартиб бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган парламент сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашади [9]. Бу янги тартиб парламент сўровининг натижадорлигига бевосита ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Хусусан, юридик фанлари номзоди А.Йўлдошевнинг қайд этишича, депутатлик назорати давлат органлари, бошқа юридик ва мансабдор шахслар фаолиятини расмийлаштириш учун текшириш эмас, балки муайян масалани ёки муаммони ҳал қилишга қаратилади [10, Б.50].

Депутат сўрови давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг битта мансабдор шахси номига ҳам, бир неча мансабдор шахси номига ҳам юборилиши мумкин. Депутат сўрови қисқа, лўнда ва тушунарли тарзда ёзилган бўлиб, расмий бланкада расмийлаштирилади ва депутат томонидан имзоланади.

Профессор А.С.Авакьяннинг фикрича, депутат сўрови – депутатнинг ўзи фаолият олиб борадиган вакиллик органлари ваколатлари доирасида, тегишли орган ва мансабдор шахсга бирон-бир масала юзасидан ёзма ахборот беришни

сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқидир [11, Б.310]. Юридик фанлар номзоди А.Махмудовнинг фикрига кўра эса, депутатлик назоратининг қуйидаги хусусиятлари мавжуд: биринчидан, назорат фаолият тури ҳисобланади, иккинчидан, назорат аниқ мақсадларни кўзлаб амалга оширилади, учинчидан, назорат натижасида муайян чоралар кўрилиши ёки қарор қабул қилиниши зарур [12, Б.101].

Депутат сўрови қайси мансабдор шахс номига юборилган бўлса, жавоб хати ўша мансабдор шахс ёки унинг вазифасини бажарувчи томонидан имзоланади ва сўров олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай, сўралган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда депутатга юборилади. Аммо, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонида юборилаётган депутатлик сўровлари аксарият ҳолатларда турли даражадаги масалалар бўйича тарқоқ ҳолда, баъзи ҳолатларда айнан бир масала бўйича турли вазирлик ва идораларга юборилганлигини кўрсатмоқда. Айти пайтда бу борада аниқ бир ҳуқуқий механизмнинг мавжуд эмаслиги Қонунчилик палатаси депутати сўровини давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига юбориш тартибини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги қонунларимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сўровини дастлаб сиёсий партия фракцияси мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этиш ҳамда депутатлик сўрови сиёсий партия фракция аъзоларининг кўпчилиги томонидан маъқуллангандан кейин юбориш тартиби белгилаб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай тажрибани ГФР ва Грузия давлатларида ҳам кузатиш мумкин. Албатта, бу қоида бир жиҳатдан депутатларнинг сўрови ҳуқуқидан фойдаланиш тартибини чегаралаб қўйиши мумкин. Аммо мазмун, сифат, натижа масалаларини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси девони ҳам юборилаётган депутатлик сўровларини расмийлаштириш, умумлаштириш ҳамда доимий мониторингини олиб бориш масалаласига алоҳида эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан юборилган сўровлар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, 2015-2019 йиллар мобайнида депутатларнинг жойларда ўтказган ўрганишлари, сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари жараёнида ва фуқароларнинг мурожаатларида кўтарилаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига жами 856 та депутат сўрови юборилган. Натижада аҳолини қийнаб келаётган кўплаб масалалар турли

даражада ўз ечимини топди. Шундан, 2019 йилнинг ўзида 304 та депутат сўрови юборилган (2016 йилда – 26 та, 2017 йилда – 319 та, 2018 йилда–207 та) [13]. 2020 йилнинг январь-март ойларида эса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан юборилган депутатлик сўровлари 109 тани ташкил этган [14].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг Интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш масаласи алоҳида вазифа сифатида белгилаб қўйилди. Парламент мазкур назорати шаклларида замонавий ёндошув асосида самарали фойдаланиш, кўплаб мавжуд муаммоларнинг ечими топилишига бевосита ижобий ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳозирги кунда Конституцияга мувофиқ, парламент Бош вазирни тасдиқлайди. Лекин вазирларни лавозимга қўйишда қатнашмайди. Шунинг учун Ҳукумат аъзолари парламент олдида масъулиятни етарли даражада ҳис этаётгани йўқ. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиётини киритишни таклиф этаман [15, Б.40], деб алоҳида фикрларини билдириб ўтган эдилар.

Мазкур маъруза талабларидан келиб чиқиб, ижро ҳокимияти фаолиятини шакллантиришдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколати ва иштирокини янада такомиллаштириш мақсадида, 2019 йил 5 мартдаги “Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши натижасида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79, 93, 98-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур жараёнда Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси кўмиталари, сиёсий партия фракциялари ҳамда депутатлар гуруҳи томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилгандан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилиб, маъқулланади. Агар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси киритилган Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодни рад этган тақдирда, Бош вазир кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни киритади.

Болгария Конституциясининг 62-моддасида Болгария Миллий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимиятни ва парламент назоратини амалга оширади, деб белгилаб қўйилган. Қирғизистон Конституциясининг 70-моддасига кўра, Жогорку Кенеш – Қирғизистон Республикаси парламенти – бу ўз ваколатлари доирасида қонун чиқарувчи ҳокимиятни ва назорат функцияларини амалга оширувчи энг юқори вакиллик органи. Бу ўз ваколатлари доирасида қонун чиқарувчи ҳокимиятни ва назорат функцияларини амалга оширувчи энг юқори вакиллик органи. Ҳуқуқшунос олим Ю.П.Чопякнинг фикрича, Россия Федерацияси конституциясига қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат функциясини қайтариш лозим [16, Б.27].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузаларида, “..... парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш лозимлиги”га алоҳида эътиборини қаратган эдилар [15, Б.80-81].

Дарҳақиқат, парламент ҳозирги демократлашув жараёнларида қонунлар, қарорлар қабул қилиш билан бирга уни жойлардаги ижроси масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Қонунлар қабул қилиш ишнинг ярми, ижроси масаласи эса асосий ўринга чиқмоғи лозим.

Фикримизча, Президентимизнинг юқорида келтирилган кўплаб маърузаларида билдирилаётган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис палаталарининг қонунларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги нуқтаи назаридан, парламент назорати соҳасидаги қонунчилик манбаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қуйидаги таклифни киритмоқчимиз, яъни: “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни ва қонунларнинг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади”. Ҳақиқатда ҳам парламент қонунлар қабул қилдими, мазкур қонунларнинг ижросини назорат қилиш функцияси ҳам унинг асосий вазифаси бўлиши лозим.

ГФР Конституциясининг 67 - моддасида Бундестаг кўпчилик аъзолар томонидан Федерал канцлерга ишончсизликни билдириши мумкин, қачонки унинг ўрнини босувчини танлаб ва Федерал Канцлерни истеъфога чиқариш талаби билан мурожаат қилиши мумкин. Федерал Президент ушбу талабни қондириши ва танланган кишини тайинлаши керак; Италия Конституциясининг 94-моддасига кўра, Ишончсизлик тўғрисидаги қарор палата аъзоларининг камида ўндан бири томонидан имзоланиши керак ва улар такдим қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай муҳокама учун киритилиши мумкин.

Япония Конституциясининг 69-моддасига мувофиқ, агар Вакиллар палатаси ишончсизлик тўғрисидаги қарор лойиҳасини қабул қилса ёки ишонч тўғрисидаги қарор лойиҳасини рад этса, Маҳкама тўлиқ таркиби билан истеъфога чиқиши керак, агарда Вакиллар палатаси ўн кун ичида тарқатиб юборилмаса. Кўриб турибмизки, ҳукумат аъзолари томонидан олиб борилаётган иш жараёнлари бевосита парламент депутатлари назаридан четда қолмайди. Шу мақсадда депутатлар ўз ваколатлари доирасида тегишли чоратарбирларни қўллайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мазкур конституциявий моддани таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда жумласи келтириб ўтилган, аммо “зиддиятлар доимий тус олган ҳолда” деган қонуннинг аниқ асослари кўрсатилмаган. Яъни, қайси ҳолатларда зиддиятлар юзага келиши очиб берилмаган. Бизнингча, мазкур зиддиятларга Конституциянинг 78- моддаси 15-банди бўйича Олий Мажлис палаталари бир неча марта Бош вазирнинг берган ҳисоботидан қониқиш ҳосил қилмаса; “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасидаги Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташаббусига биноан; “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши

тўғрисида ҳисоботидан бир неча марта қониқиш ҳосил қилмаса ва шунга ўхшаш асосларни мазкур моддага белгилаб қўйилса, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Парламент амалиётида депутатнинг мурожаати тушунчасини ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак. Яъни, депутатлик мурожаати – депутатнинг оғзаки ва ёзма тарзда ваколатли органга мурожаат қилиши, депутатлик фаолияти билан боғлиқ маълумотларни олишга доир хатти – ҳаракатидир [17, Б.108-109].

Профессор С.А.Авакьяннинг эътирофича, депутатлик мурожаати– депутат сифатида ваколатли давлат органи ва ташкилотларга оғзаки ва ёзма тарзда, депутатлик фаолияти билан боғлиқ саволлар қўйиши ёки ўзини қизиқтирган маълумот ва ахборотларни олиш ҳуқуқини англатади. Тегишли давлат органи ва ташкилотлар депутат томонидан қўйилган саволни ўз вақтида кўриб чиқиши ва саволдан келиб чиқиб жавоблар қайтариши, шунингдек, депутат томонидан сўралган ахборот ва маълумотларни беришлари лозим [18, Б.272].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, депутатлик мурожаати билан депутатлик сўровини аралаштириб юбормаслик лозим. Юридик фанлар доктори Ш.Якубовнинг фикрича, депутатлик мурожаатида депутат тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилади. Депутат сўровида эса асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талабини қўяди [19, Б.90]. Депутатлик мурожаати кўп ҳолатларда оғзаки тарзда ифодаланса, депутатлик сўрови эса ёзма тарзда юборилади. Кўп ҳолатларда мурожаат орқали натижага эришилмаса, мурожаат кейинчалик расмий сўровга айланиши мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати мурожаатини Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига парламент назорати шакллари тури сифатида киритиб, мазкур янги шакл ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яъни, депутат фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга оғзаки, ёзма ва электрон тарзда мурожаат этишга ҳақли. Депутатлик ваколатлари доирасида саволлар бериши ҳамда ўзини қизиқтирган маълумот ва ахборотларни олиш ҳуқуқи эга.

Хулоса қилиб айтганда, халқ вакили сифатида фаолият юритувчи депутатлар ислохотларнинг асосий ташаббускори, фаол ижросига айланишлари лозим. Бунинг учун депутатлар қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган

ваколатларидан, парламент назорати шаклларида самарали фойдаланишлари лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.
2. Мирбобоев Б. Парламент назорати – давлат ҳокимияти шаҳобчалари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимида муҳим механизм сифатида // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. –2015. – 3-сон.
3. Миракулов М. Парламент ва жамоатчилик назорати: унинг моҳияти ва аҳамияти // Нуқуқ ва бурҳ. – 2006.– №2.
4. Авакьян С.А. Депутат: статус и деятельность. – М.: Политиздат, 1991.
5. Якубов Ш. Давлат бошқарувида қонунийликни таъминлашнинг долзарб масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 2016.
6. Современный парламент: теория, мировой опыт, российская практика/ Под общ.ред. д.ю.н.Булакова О.Н. – М.: Изд – во Эксмо, 2005.
7. Назукина М.В. Образы и оценки муниципальных депутатов в представлениях локальных элит Пермского края // Ars Administrandi (Искусство управления). Том 9. – 2017. – № 4.
8. Исмоилов Н.М. Қонунлар ижроси устидан парламент назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш // Парламент назорати: назария ва амалиёт масалалари: Илмий-амалий семинар материаллари. – Т., 2005.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуни// 11.05.2019 й. // URL: <https://lex.uz/acts/39573>
10. Йўлдошев А. Ўзбекистонда депутатлик назоратини кучайтиришнинг айрим назарий-ҳуқуқий масалалари// Жамият ва бошқарув. –2014.– №2.
11. Авакьян С.А. Конституционный лексикон: Государственно- правовой терминологический словарь. – М.: Юстицинформ, 2015.
12. Махмудов А. Давлат бошқарувида қонунийликни таъминлашнинг долзарб масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, 2016.

13. Учинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолияти тўғрисидаги ахбороти (2019 йил). <http://parliament.gov.uz/uz/info/analytical-reports/>.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи чорак фаолияти тўғрисидаги ахбороти (2020 йил). <http://parliament.gov.uz/uz/info/analytical-reports/>.
15. Мирзиёев Ш.М. Нияти улўғ халқнинг иши ҳам улўғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019.
16. Чопяк Ю.П. Парламентский контроль за исполнительной властью в Российской Федерации: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2013.
17. Парламентский глоссарий / авт. – сост. А.Х.Саидов, Т.Я.Хабриева. – М.: Норма, 2008.
18. Авакьян С.А. Конституционный лексикон: Государственно-правовой терминологический словарь. – М.: Юстицинформ, 2015.
19. Якубов Ш. Депутат сўрови парламент назоратининг муҳим шакли сифатида // Давлат бошқарувида қонунийликни таъминлашнинг долзарб масалалари: Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.:ДБА, 2016.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ҲАМРОЕВ Элдор Отамуродович

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

E-mail: eldor7101@gmail.com

“ДАВЛАТ ПОЙТАХТИ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ БЕЛГИЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
ҲАМРОЕВ Э.О. “ДАВЛАТ ПОЙТАХТИ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ
ҲУҚУҚИЙ БЕЛГИЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer
herald. № 1 (2021), Б. 40-48.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-4>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада пойтахт тушунчасига берилган илмий-назарий, ҳуқуқий таърифлар ўрганилган, унинг ҳуқуқий белгилари хорижий мамлакатлар қонунчилиги асосида таҳлил қилинган. Натижада муаллиф томонидан “давлат пойтахти” тушунчасига ҳуқуқий таъриф ишлаб чиқилган, унинг анъанавий ва замонавий белгиларини фарқлаш зарурати асослантирилган. Давлат пойтахтининг мақомини белгилашда унинг ҳуқуқий белгиларини қонунчиликка киритиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: давлат, пойтахт, маъмурий марказ, бош марказий шаҳар, пойтахт мақоми, давлат рамзи, маъмурий-худудий бирлик пойтахтнинг ҳуқуқий белгилари.

ХАМРОЕВ Элдор Отамуродович

Самостоятельный соискатель Академии государственного
управления при Президенте Республики Узбекистан
E-mail: eldor7101@gmail.com

ПОНЯТИЕ «СТОЛИЦА ГОСУДАРСТВА» И ЕГО ПРАВОВЫЕ ПРИЗНАКИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуются научно-теоретические, правовые определения понятия “столица”, анализируются его правовые признаки на основе законодательства зарубежных стран. В результате автором разработано правовое определение понятие "столица государств", обоснована необходимость разграничения его традиционных и современных признаков. При определении статуса государственной столицы были выдвинуты предложения о введении в законодательство ее правовых признаков.

Ключевые слова: государство, столица, административный центр, главный центральный город, статус столицы, символ государства, административно-территориальная единица, правовые признаки столицы.

KHAMROEV Eldor

Independent researcher of the Academy of Public
Administration under the President of the Republic of Uzbekistan
E-mail: eldor7101@gmail.com

A CONCEPT OF "CAPITAL OF THE STATE" AND ITS LEGAL FEATURES

ANNOTATION

This article examines the scientific-theoretical, legal definitions given to the concept of the capital, analyzes its legal features based on the legislation of foreign countries. As a result, the author has developed a legal definition of the concept of "capital of the state", based on the need to distinguish between its traditional and modern features. When determining the status of the state capital, proposals were put forward to introduce its legal features into the legislation.

Keywords: state, capital, administrative center, main central city, status of the capital, symbol of the state, administrative-territorial unit, legal features of the capital.

“Давлат пойтахти” тушунчаси нафақат юридик фан ва амалиётда, балки ижтимоий ҳаётнинг бошқа барча соҳаларида ҳам кенг қўлланилади. Ушбу масалага дахлдор адабиётлар таҳлили бугунги кунда пойтахтнинг муайян мамлакат ҳаётидаги сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, тарихий, геосиёсий ўрни ва аҳамиятини ўрганиш билан боғлиқ муаммолар ҳали пухта ўрганилмаганини, илгари сурилган концепциялар ва яратилган моделлар амалиётга тўлиқ татбиқ этилмаганини кўрсатади.

Мамлакатимизда давлат пойтахтининг ҳуқуқий мақоми махсус монографик тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бирок, Г.Исмаилова, Р.Ҳакимов, Ш.Асадов, А.Махмудов, Қ.Умидуллаев каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан олиб борилган давлат суверенитети ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид илмий тадқиқотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳрининг алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик, давлат пойтахти сифатида тутган ўрни қисман ёритилган [1], [2,Б.63], [3,Б.58], [4, Б.48], [5,Б.46].

Хусусан, **Ш.Асадов** давлатнинг тузилиш шакли ва маъмурий ҳудудий бирликларда самарали бошқарувни жорий этиш давлат суверенитетига бевосита таъсир кўрсатувчи омил деб ҳисоблайди. Унинг тадқиқотида Ўзбекистон Республикаси давлат тузилишига кўра, нисбий марказлашган, мураккаб унитар давлат сифатида талқин этилган ва Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Олимнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияда белгиланган пойтахти унинг давлат рамзлари – давлат байроғи, давлат герби ва мадҳияси қаторида Ўзбекистоннинг суверенлиги ва мустақиллигини намоён этади [3].

Шу нуқтаи назардан, “пойтахт” тушунчасининг ягона, мантиқан аниқ ва лўнда таърифи, ўз навбатида махсус юридик таърифи ҳали ишлаб чиқилмаган. Ушбу феноменнинг муҳим жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳам пухта ўрганилмаган. Пойтахтларни у ёки бу асосларга кўра типларга ажратиш билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топмаган.

Умуман олганда, давлат пойтахти тушунчасининг нисбатан мукамал таърифлари қомусий хусусиятга эга бўлган адабиётларда берилган. Масалан, “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”да “пойтахт – давлатнинг бош марказий шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий маркази” [6, Б.367], “Конституциявий ҳуқуқ: энциклопедик луғат”ида “пойтахт – давлатнинг расмий маъмурий маркази” деб таъриф берилган [7, Б.325].

В.И.Даль луғатида “пойтахт” деганда “давлатнинг марказий шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий маркази” тушунилади [8,С.328]. **В.Ф.Халипов** ўзининг “Кратологик луғат”ида пойтахт мамлакатнинг иқтисодий маркази ҳисобланишини, аммо айрим давлатларда бу вазифани бошқа шаҳар бажариши ҳам мумкинлигини таъкидлайди. Қоида тариқасида, пойтахт алоҳида бошқарув тартибига эга бўлган мустақил маъмурий бирлик ҳисобланади [9, Б.359].

Оксфорд луғатида пойтахт (ингл. capital) “мамлакат, провинция ёки штатнинг марказий шаҳри” сифатида таърифланади [10, Б.93].

“Пойтахт” тушунчасининг ҳуқуқий таърифига мисол қилиб Россия Федерациясида қабул қилинган “Россия Федерациясининг пойтахти тўғрисида”ги федерал қонун қоидаларидан бирини келтириш мумкин: “Россия Федерациясининг пойтахти – Россия Федерацияси кўп миллатли халқининг маданий, маънавий ва ижтимоий аънаналарининг тарихан қарор топган маркази. Россия Федерациясининг пойтахти – Россия Федерацияси Президентининг қароргоҳи, федерация субъектларининг ваколатхоналари, шунингдек чет эл давлатларининг Россия Федерациясидаги дипломатик ваколатхоналари жойлашган ер” [11]. Яъни, ушбу таърифда пойтахтга нафақат тарихий аънаналар қарор топган марказ, балки давлат органлари ва чет эл давлатларининг қароргоҳлари жойлашган жой сифатида таъриф берилган. Бироқ, А.Александровнинг фикрича, Москва Россия Федерациясининг тенг ҳуқуқли субъекти ва бир вақтнинг ўзида давлатнинг пойтахти сифатида иккита мақомга эга эканлиги, замонавий Россия конституциявий ҳуқуқий тизимида Москва шаҳрининг вазифаларини турлича ҳуқуқий шарҳланишига олиб келади. Ўз навбатида ушбу мақом пойтахт ҳуқумати, шаҳар мери фаолиятига ва оддий фуқаролар ҳаётига таъсир қилади [12].

Ушбу таърифлар эвристик хусусиятга эга бўлса-да, пойтахт тушунчасининг айрим жиҳатларигагина эътиборни қаратади ва унинг мураккаб иқтисодий, сиёсий, тарихий, ижтимоий-маданий, геосиёсий феномен сифатидаги моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди.

Шу сабабли, “пойтахт” тушунчасига тўлиқ таъриф бериш учун унинг белгиларини аниқлаш ва таҳлил қилиш лозим бўлади.

Бизнингча, пойтахтнинг белгиларини уларнинг келиб чиқиш даврийлигига кўра икки катта гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ:

I гуруҳ: пойтахтнинг аънавий белгилари (тарихий, классик деб ҳам аташ мумкин);

II гуруҳ: пойтахтнинг замонавий белгилари.

Пойтахтнинг анъанавий белгилари деганда илк давлатлар ва уларнинг пойтахтлари пайдо бўлган даврдан бошлаб мавжуд бўлган ва бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган белгиларни тушуниш зарур. Уларга, бизнингча, қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

1) **мамлакат ҳудудининг марказий** ва ажратиб бўлмас қисми жойлашган ҳудуд. Хусусан, қадимги Афина, Спарта, Бобил каби давлатлар шу номли шаҳарлар атрофида пайдо бўлган бўлиб, ушбу шаҳарлар ўз давлатининг пойтахти ва ушбу давлат мавжудлигининг тимсоли бўлган. Бугунги кунда ҳам Андорра, Жазоир, Бразилия, Ватикан, Гватемала, Кувайт, Люксембург, Монако, Панама, Сан-Марино, Сингапур, Тунис каби давлатлар ўз пойтахтлари билан бир хил номга эга ва уларнинг аксарияти (Бразилия, Жазоир, Тунис кабилардан ташқари) давлат сифатида ташкил топиши ва мавжуд бўлишида пойтахт марказий ўрин тутаяди;

2) **давлат раҳбарининг қароргоҳи** жойлашган жой. “Пойтахт” сўзи этимологик жиҳатдан ҳам “пойи тахт”, “столица”, “capital” сўзлари “тахт остидаги жой”, “бош шаҳар” каби маъноларни англатади, Пекин (“Шимолий пойтахт”), Остона, Сеул каби шаҳарларнинг номлари эса ўша халқлар тилларида пойтахт маъносини англатади;

3) қонунлар ва умуммажбурий бошқа ҳужжатлар қабул қилинадиган ва биринчи бўлиб **эълон қилинадиган жой**;

4) **солиқ ва божлар** тўпланадиган ва қайта тақсимланадиган жой.

Пойтахтнинг анъанавий белгиларини бугунги кундаги пойтахтларда ҳам кўриш мумкин. Лекин улардан истиснолар ҳам йўқ эмас. Масалан, Даниянинг асосий қисми Ютландия ярим оролида, унинг пойтахти Копенгаген шаҳри эса, Зеландия оролида жойлашган. Транспорт коммуникациялари ва ахборот-технологиялари ривожланган сари қонунларни эълон қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғишда ҳам пойтахтнинг ўрни камайиб бормоқда.

Пойтахтнинг замонавий белгиларини эса ҳозирги замон давлатлари қонунчилиги ва амалиётини таҳлили қилиш орқали аниқлаш мумкин.

Масалан, “Беларусь Республикасининг пойтахти – Минск шаҳрининг мақоми тўғрисида”ги Беларусь Республикаси Қонунини таҳлил қилиш асосида ушбу давлат пойтахтининг қуйидаги белгилари мавжудлигини кўриш мумкин [13]:

1) Беларусь Республикаси аҳоли пунктларининг алоҳида тоифасига мансуб шаҳар;

2) давлатнинг маъмурий-сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази;

3) Беларусь Республикаси Президентининг расмий давлат қароргоҳи, давлат ҳокимияти олий органлари, бошқа марказий давлат органлари, шунингдек хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари жойлашган жой;

4) ўзининг герби, байроғи, мадҳияси ва уставига эга.

“Пойтахтнинг мақоми тўғрисида”ги **Қирғиз Республикаси** Қонунига кўра ушбу давлат пойтахти – Бишкек шаҳри қуйидаги белгиларга эга [14]:

1) давлатнинг маъмурий-сиёсий, иқтисодий, илмий-таълим, тарихий-маданий маркази;

2) алоҳида давлат аҳамиятига эга маъмурий ҳудудий бирлик;

3) Қирғиз Республикаси Конституцияси матнининг асл нусхаси, Қирғиз Республикаси давлат рамзларининг эталонлари сақланадиган жой;

4) Қирғиз Республикаси Президентининг 1-сонли давлат қароргоҳи, давлат ҳокимияти олий органлари, бошқа марказий давлат органлари, шунингдек хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари жойлашган жой;

4) ўзининг герби, байроғи, мадҳияси ва уставига эга.

Шунингдек, Қозоғистон [15], Туркменистон [16], Тожикистон [17] каби давлатларнинг пойтахт мақоми тўғрисидаги қонунларида ҳам ушбу давлатлар пойтахтларининг юқоридагиларга ўхшаш белгилари кўрсатилган.

Пойтахтнинг юқоридаги каби амалий ва рамзий белгиларига ривожланган давлатлар тажрибасида ҳам алоҳида этибор берилади.

Масалан, 1776 йилда Филадельфияда қабул қилинган **Америка Қўшма Штатларининг** Мустақиллик декларацияси асл нусхаси, АҚШ Конституцияси ва Ҳуқуқлар тўғрисидаги Биллнинг асл нусхалари Вашингтондаги Миллий архивнинг кўргазмалар залида сақланади ва барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ ҳисобланади [18].

Умуман олганда, давлат пойтахти феноменини англаб етиш борасида тўпланган тажрибани ўрганиш, шунингдек “давлат пойтахти” тушунчасининг илмий адабиётларда мавжуд талқинларини, давлат пойтахтининг энг муҳим жиҳатларини, унинг роли ва асосий функцияларини белгилашга нисбатан ёндашувларни таҳлил қилиш давлат пойтахтини мамлакатнинг тарихан шаклланган ёки унинг сиёсий, маъмурий-бошқарув, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти маркази сифатида махсус ташкил этилган марказий шаҳри сифатидаги тасаввурни ривожлантириш зарур, деган хулосага келиш имконини беради.

Давлатнинг моддий маконида муайян ўрин эгаллаган ҳолда, пойтахт шаҳар мамлакат ҳудудининг маконда чекланган, турли омиллар таъсирида яхлит тузилма сифатида шаклланган ва географик ўрни, табиий-иқлимий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа шароитларининг ўзига хослиги билан тавсифланадиган бир қисми сифатида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, давлат пойтахти мамлакатнинг бошқа минтақаларга хос бўлган барча жиҳатлар ва хусусиятларга эга бўлган, айни вақтда, ўзининг пойтахтлик хусусиятлари билан улардан фарқ қиладиган алоҳида минтақаси ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида “давлат пойтахти” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

“Давлат пойтахти – давлатнинг маъмурий-сиёсий маркази бўлиб, давлат раҳбарининг қароргоҳи, мамлакат парламенти, ҳукумати ва суд ҳокимиятининг олий органлари жойлашган, давлатнинг ташкил топиши учун асос ҳисобланувчи ҳужжатнинг асл нусхаси ва давлат рамзлари сақланадиган, хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган бошқа ваколатхоналар жойлашган алоҳида ҳуқуқий мақомга эга маъмурий-ҳудудий бирлик”.

Шунингдек, илмий тадқиқотлар натижалари, қонунчилик ва хориий тажриба таҳлили ҳамда “давлат пойтахти” тушунчасига берилган муаллифлик таърифи асосида **Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳрининг қуйидаги 3 та муҳим белгиларини санаб ўтиш мумкин:**

- 1) Ўзбекистон Республикасининг сиёсий, маъмурий, иқтисодий, ва маданий маркази;
- 2) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси матнининг асл нусхаси, Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг эталонлари сақланадиган жой;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароргоҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, бошқа марказий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатхонаси, шунингдек хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари жойлашган жой.

Пойтахтнинг ушбу белгилари ҳуқуқий мустаҳкамлаш алоҳида қонун қабул қилишни тақозо этади. Бу каби қонунлар, юқорида санаб ўтилганидек Беларусь, Қирғиз Республикаси, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон каби давлатларда, Россия Федерациясида қабул қилинган.

Илмий нуқтаи назардан ҳам пойтахтнинг ушбу белгилари фақат назарий-хуқуқий тушунчалар сифатида эмас, қонунчилик ҳужжатидаги хуқуқий норма сифатида белгиланиши керак.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ–5515-сон “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича хуқуқий эксперимент тўғрисида”ги Фармонининг 25-бандида “Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг мақоми тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилган.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг юқорида санаб ўтган белгиларини ушбу Қонунда белгилаш таклиф этилади [19].

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Исмаилова Г.С. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат-хуқуқий йўналишлари // юрид.фан.докт. дисс. автореферати. –Т.: 2016.

2. Хақимов Р.Р. Давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни таъминлашнинг хуқуқий механизмларини такомиллаштириш // юрид.фан.докт. дисс. автореферати. –Т.: 2018.

3. Асадов Ш.Ғ. Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш // юрид.фан.докт. дисс. автореферати. –Т.: 2019.

4. Махмудов А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш // юрид.ф.ф.докт. дисс. автореферати. –Т.: 2019.

5. Умидуллаев Қ.У. Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий-хуқуқий асослари // юрид.ф.ф.докт. дисс. автореферати. –Т.: 2019.

6. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат. 2011.

7. Конституциявий ҳуқуқ: энциклопедик луғат. / Б.Мустафоев, Э.Халилов, М.Абдусаломов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006.

8. Даль В.И. Толковый словарь живого великорусского языка в 4-х томах. Т. 4. – М., 1991.

9. Халипов В.Ф. Власть: Кратологический словарь. – М.: Республика, 1997.

10. Oxford English dictionary. In 12 volumes. Vol. 2. – Oxford: Oxford University Press, 1933.

11. Федеральный закон «О столице Российской Федерации» от 15 апреля 1993 г. № 4802 // Сервер органов государственной власти Российской Федерации «Официальная Россия» // URL: <http://www.gov.ru>.

12. Александров А.А. Правовой статус города Москвы: конституционно-правовой анализ. Автореферат ... дисс. канд. юрид. наук. –М.: 2008. // URL: <https://www.dissercat.com/content/pravovoi-status-goroda-moskvy-konstitutsionno-pravovoi-analiz>.

13. Закон Республики Беларусь от 12 июля 2000 г. № 410-3 «О статусе столицы Республики Беларусь – города Минска», Национальный центр правовой информации Республики Беларусь.

14. Закон Кыргызской Республики от 12 декабря 2013 года № 218 «О статусе столицы» // URL: www.shailoo.gov.kg.

15. Закон Республики Казахстан от 21 июля 2007 года № 296-III «О статусе столицы Республики Казахстан» // URL: www.online.zakon.kz.

16. Закон Туркменистана от 26 марта 2016 года № 368-V «О статусе столицы Туркменистана» // URL: www.minjust.gov.tm.

17. Закон Республики Таджикистан от 2 января 2018 года, № 1494 «О статусе столицы Республики Таджикистан» // URL: www.adlia.tj.

18. Декларация независимости США 1776 // URL: www.w.histrf.ru.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги ПФ–5515-сон “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибيني жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/3871315//>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

НОРМУХАМЕДОВА Сурайёхон Бобир кизи
Преподаватель Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: s.normukhamedova@gmail.com

К ВОПРОСУ О ПРИМЕНЕНИИ ПРИНЦИПОВ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУР В СФЕРЕ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
НОРМУХАМЕДОВА С.Б. К ВОПРОСУ О ПРИМЕНЕНИИ ПРИНЦИПОВ
АДМИНИСТРАТИВНЫХ ПРОЦЕДУР В СФЕРЕ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ
КОРРУПЦИИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №
1 (2021), С. 49-62.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-5>

АННОТАЦИЯ

В статье проведен краткий, научный анализ эффективности применения принципов административных процедур. Принципы рассматриваются во взаимосвязи с понятием “коррупция”, а именно автором принципы исследуются в качестве меры предотвращения коррупции. Для достижения поставленных целей, в статье приведены практические примеры реализации принципов административных процедур. Представлены предложения для «возрождения» потребности соблюдения принципов и повышения их роли в правовой системе. В статье также рассматриваются такие понятия как «ничтожность», «недействительность» административных актов как меры недопущения коррупции.

Ключевые слова: принципы административных процедур, правовые меры, механизм правового регулирования, государственная власть, коррупция.

НОРМУХАМЕДОВА Сурайёхон Бобир қизи
Тошкент давлат юридик университет ўқитувчиси
E-mail: s.normukhamedova@gmail.com

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДА МАЪМУРИЙ ПРОЦЕДУРА ТАМОЙИЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада маъмурий процедуралар тамойилларини қўллаш самарадорлиги хақида қисқача, илмий таҳлил қилинган. Тамойиллар “коррупция” тушунчаси билан биргаликда кўриб чиқилади, яъни муаллиф тамойилларни коррупциянинг олдини олиш чораси сифатида ўрганadi. Ушбу мақсадларга эришиш учун мақолада маъмурий процедуралар тамойилларини амалга оширишнинг амалий мисоллари келтирилган. Таклифлар тамойилларга риоя қилиш ва уларнинг ҳуқуқий тизимдаги ролини ошириш зарурлигини “жонлантириш” учун тақдим этилади. Шунингдек, мақолада маъмурий ҳужжатларнинг “хақиқий эмас”, “яроқсизлиги” каби тушунчалар коррупциянинг олдини олиш чоралари сифатида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: маъмурий процедуралар принциплари, ҳуқуқий чоралар, ҳуқуқий тартибга солиш механизми, давлат ҳокимияти, коррупция.

NORMUKHAMEDOVA Surayyokhon
Lecturer at Tashkent State University of Law
Email: s.normukhamedova@gmail.com

APPLICATION OF THE PRINCIPLES OF ADMINISTRATIVE PROCEDURES IN THE FIELD ANTI-CORRUPTION

ANNOTATION

The article provides a brief, scientific analysis of the problem of administrative procedures on the example of applying the principles. The principles are considered in conjunction with the concept of "corruption", namely the author investigates the principles as a measure to prevent corruption. To achieve these goals, the article provides practical examples of the implementation of the principles of administrative procedures. Proposals are presented to "revive" the need to comply with the principles and increase their role in the legal system. The article also examines such concepts as "nullity", "invalidity" of administrative acts as measures to prevent corruption.

Keywords: principles of administrative procedures, legal measures, legal regulation mechanism, state power, corruption.

Государственное управление – сложный и многоаспектный феномен, вбирающий в себя различные направления и формы деятельности государственного аппарата. Выработка и исполнение государственной политики в каждой отрасли деятельности, принятие и реализация различных нормативно-правовых актов, осуществление кадровой политики, заключение ряда договоров и соглашений – это лишь малая часть того, что мы так привыкли называть словосочетанием «государственное управление».

Чрезмерная бюрократия государственных учреждений, принятие «нецелесообразных» актов управления способствовало возрастанию объема выполняемых государством функций, разрастанием государственного аппарата, ростом социальных программ, что неблагоприятно сказывалось на доверии граждан органам государственного управления. В последствии, это привело к нарастанию количества государственных органов и появлению недоверия граждан к государственным органам.

Актуальность исследования обусловлена идеей того, что главной целью административных органов должно быть служение людям. Административным органам, действующим от имени государства и с помощью ресурсов государства следует на должном уровне обеспечить законную реализацию прав и интересов заинтересованных лиц.

Актуальность связана с тем, что Концепция административной реформы, утвержденная Указом Президента Республики Узбекистан. Так, концепция излагает основные направления и задачи административной реформы по совершенствованию системы государственного управления, включающую институциональную и правовую базы деятельности органов исполнительной власти, которая предусматривает:

введение четких критериев и процедур создания и упразднения органов исполнительной власти, включая их структурные и территориальные подразделения;

оптимизация исполнительных органов, их структур и подразделений;

повышение самостоятельности органов исполнительной власти и их руководителей в реализации государственной политики в закреплённой сфере.

Данная тема исследования является одной из самых противоречивых в юридической литературе. Работы ряд авторов, как Агапов А.Б., А.Б.Алёхин, Попова Л.Л., Бахрах Д.Н., Нематов Ж.Н., Хван Л., Хамедов И.А. Хожиева Э. посвящены лишь вопросам административного права, но не административных процедур.

Совокупность правовых средств, с помощью которых осуществляется воздействие на общественные отношения, представляет собой механизм правового регулирования [1, С.267]. В целом, бесспорно, механизм правового регулирования относится к одному из самых сложных явлений, по этой причине является самым востребованным и исследуемым социально-правовым явлением.

По мнению Н.В. Макарейко [2, С.36.], *«механизм административно-правового регулирования – это система административно-правовых средств, которые, воздействуя на управленческие отношения, организуют их в соответствии с задачами общества и государства, выделяя при этом следующие его элементы:*

- принципы административного права;
- административно-правовые нормы;
- акты официального толкования норм административного права;
- акты применения норм административного права;
- административно-правовые отношения.

При этом, по мнению В.А.Юсупова, под принципами административного права следует понимать основные начала (комплексы идей), характеризующие его содержание, закрепляющие закономерности развития и определяющие механизм административно-правового регулирования, управленческих отношений [3, С.33].

Принципы права и всего механизма правового регулирования выступают в качестве «идейной пружины» [4, С.225] основных начал, характеризующих содержание норм, правоприменительных актов, главные направления их функционального воздействия на общественные отношения. [5, С.261-262].

То есть, принципы являются базисом, основой, фундаментом любой отрасли права, на основе которых формируются правоотношения.

Анализ действующего административно-правового законодательства и практика его реализации показали несовершенство, расхождение теории и практики. Принимаемые административными органами акты демонстрируют отсутствие принципов в законодательстве.

В этой статье мы будем разбирать каждый принцип по отдельности, рассматривая их значение и представлять применение принципов на практике.

Қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва фуқаролик ҳуқуқи назариясида микрокредит ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳа билан у қадар кенг ва чуқур ишлар амалга оширилмаганлиги бугунги кунда молиявий тизимнинг ушбу сегменти потенциалидан тўлақонли фойдаланиш имконини бермаяпти. Зеро, анъанавий банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлардан фойдаланиш шартлари ва талабларининг ўта жиддий ва мураккаблиги, турли расмиятчиликлар ва босқичлардан ўтибгина бундай имкониятга эга бўлиш мумкинлиги ҳолатидан келиб чиқадиган бўлсак, микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар анча мақбуллиги, кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг кам таъминланган қисми учун фойдали истеъмол кредитларини беришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу боис микрокредит ташкилотлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва доктринасини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади. Ушбу илмий мақолада микрокредит ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатиш асослари ва тартибининг назарий ва амалий масалаларига тўхталиб ўтамиз.

Испаниянинг Жауме Университети ҳуқуқ ва иқтисод факультетининг молия ва бугалтерия ҳисоби департаменти илмий тадқиқотчилари Исиар Гарсиа-Перес, Мария Анхелес Фернандес-Искьердо и Мария Хесус Муньос-Торреслар томонидан тайёрланган “Микромолиявий ташкилотларнинг ҳудудларни ривожлантиришдаги иштироки” (Microfinance Institutions Fostering

Sustainable Development by Region) мавзусидаги тадқиқот ишида микромолиявий ташкилотларнинг ҳудудларни ривожлантиришдаги иштироки масалалари таҳлил этилиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтишган: “Аввало микромолиявий ташкилотлар фуқаролар ва кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш манбаи сифатида алоҳида аҳамият касб этади, айниқса бундай ташкилотлар хорижий сармоядорлар томонидан ташкил этилиши хорижий инвестицияни олиб киришда қулайлик яратади, улар томонидан берилган кредитларнинг фоизлари давлат томонидан берилган кредитларга нисбатан камлиги ва қайтариш шартларининг соддалиги бу муносабат иштирокчиларига қулайликлар яратади. Лекин ҳудудий бошқарув органлари томонидан уларни рўйхатга олиш ва фаолиятига рухсат бериш шартларида ҳудудий манфаатларга устивор беришлик ва қўшимча шартларни белгилаш бу фаолиятнинг кенг қулоч ёйишига тўсиқ бўлиб келмоқда, ҳар бир микромолиявий хизмат субъекти у хорижий бўлишлигидан қатъий назар бир хид ҳуқуқ мажбуриятлардан фойдаланиши лозим” деган қарашни илгари суришади [2]. Албатта юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим, микромолиявий ташкилотларни фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларида ҳар бир ҳудуднинг шарт-шароитини инобатга олган ҳолда уларга қўшимча имтиёзлар берилиши чекка ҳудудларда ҳам мазкур фаолият турининг ривожланишига омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975- сон фармонининг биринчи банди, кичик г-банди бешинчи хатбошисида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий чоралари — янги воситалар ва ахборот тизимларини яратиш, кредитлашнинг мавжуд механизмлари ва қўллаб-қувватлаш воситалари орқали ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юқори самара берувчи йўналиш ва лойиҳаларни амалга ошириш вазифалари белгиланган [3].

Амалдаги қонунчиликка кўра микрокредит ташкилотлари қонун ҳужжатларида белгиланган ҳар қандай ташкил этилиши мумкин. Мазкур қоидага таянган ҳолда айтиш мумкинки, микрокредит ташкилоти юридик шахсларнинг қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклида ташкил этилса, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳам шу шаклда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига биноан, микрокредит ташкилотини қайта ташкил

этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан микрокредитни ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси ФК ва юридик шахсларнинг алоҳида турларига оид махсус қонунчиликда белгиланган асослар ва тартибда рўй беради.

Маълумки, юридик шахсларни қайта ташкил этиш деганда, қонун ҳужжатларида белгиланган усулларда унинг фаолиятини бекор қилиш ва универсал ҳуқуқий ворислик асосида унга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа юридик шахсга ўтиши тушунилади. Мутахассисларнинг фикрича, юридик шахсларни қайта ташкил этиш цивилистикада юридик шахсларнинг бекор бўлиш усули сифатида узоқ вақт эътироф этилмаган ва фақат XX асрнинг иккинчи ярмига келибгина қайта ташкил этиш юридик шахснинг бекор бўлиш усули сифатида қонунчиликка киритилган.

З.В.Галазованинг фикрича, қайта ташкил этиш мавжудлари асосида (ёки турни ўзгартириш (ўзгартириш, қўшиб юбориш)) янги юридик шахсларни ташкил этиш қаратилган, фуқаролик-ҳуқуқий (мажбурият-ҳуқуқий, ашёвий-ҳуқуқий ва корпоратив) ташкилий муносабатларни юзага келтирадиган ва бунинг натижаси ўлароқ қайта ташкил этилаётган юридик шахс, унинг иштирокчилари ва кредиторларининг ҳуқуқий ҳолати ўзгарадиган қонунда қатъий белгиланган таомил шаклларини тартибга солувчи фуқаролик-ҳуқуқий институтни ифодалайди [4, Б.10].

Ш.Т.Нуриддинованинг таъкидлашига кўра, қайта ташкил этиш – бир ёки бир неча юридик шахс (ҳуқуқий ўтмишдош) ҳуқуқ ва мажбуриятларини, кредиторларнинг ҳуқуқларини қаноатлантирилиши асосида, ҳуқуқий ўтмишдошнинг бекор бўлиши ва ҳуқуқий ворисни вужудга келиши билан боғлиқ ҳолатда бошқа юридик шахс ёки шахсларга (ҳуқуқий ворис) ҳуқуқий ворислик тартибда ўтишини тавсифловчи ҳолат (юридик ҳаракатлар мажмуи) тушунилади [5, Б.8].

Академик Х. Раҳмонқулов қайта ташкил этишни ташкилий-ҳуқуқий муносабат сифатида ўрганар экан, қуйидаги мулоҳазаларни билдириб ўтганлар, “Ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартириш воситасида қайта тузиш фақат қонунчилик талаби асосида эмас, балки юридик шахс муассисларининг ихтиёрига кўра, қўшиб олиш жараёнида амалга оширилиши ҳам мумкин. Хусусан, бир юридик шахснинг иккинчисига қўшилиши иккаласининг ҳам ўзаро розилиги асосида бошқасига қўшилаётган юридик шахснинг ташкилий ҳуқуқий шаклининг ўзгаришини келтириб чиқариши мумкин. Масалан,

масъулияти чекланган жамиятга хусусий корхонанинг кўшилишида, уларнинг мол-мулк базаси замирида акционерлик жамияти ёки кўшимча масъулиятли жамият ташкил топади.” [6, Б.140].

Фикримизча, юридик шахсларни қайта ташкил этиш моҳиятан бир ҳуқуқ субъектининг барҳам топиши ҳам иккинчисининг ташкил топиши ёки ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажмининг ижобий ёки салбий томонга ўзгаришини англатади. Масалан, микрокредит ташкилоти хусусий корхона шаклидан МЧЖ шаклига ўзгартирилганда хусусий корхона барҳам топади ва унинг ўрнига МЧЖ ташкил топади ва хусусий корхонага тегишли ҳуқуқларнинг МЧЖга ўтиши ижобий жиҳат бўлса, унга тегишли қарзларнинг ўтиши салбий жиҳат ҳисобланади.

Қоидага кўра қайта ташкил этиш икки хил асос: ихтиёрий ва мажбурий тартибда амалга оширилади. Ихтиёрий қайта ташкил этиш юридик шахснинг муассислари ёки иштирокчилари томонидан бу ҳақда қарор қабул қилиш йўли билан амалга оширилса, мажбурий қайта ташкил этиш давлат органларининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган асослардан келиб чиқиб билдирадиган талаби асосида амалга оширилади. Мажбурий қайта ташкил этишнинг моҳиятини таҳлил қилар экан, бир қатор мутахассислар қуйидагиларни билдирадилар:

Умумий қоидага кўра, мажбурий қайта ташкил этиш, монополияга қарши органлар томонидан ўрнатилган ҳолатга мувофиқ, устунлик мавқеига эга бўлган ва доимий равишда монополистик фаолиятни амалга ошириб келаётган хўжалик юритувчи субъект – юридик шахсни бўлиш орқали рақобатни ривожлантириш мақсадига қаратилган ҳаракатлардан иборат бўлади [7, Б.5]. Шу сабабли юридик шахсарни қайта ташкил этишнинг мажбурий шакли бугунги кунда микрокредит ташкилотларига нисбатан татбиқ этилиши кузатилмайди. Чунки, микрокредит ташкилоти монополияга қарши қонунчиликка зид равишда фаолият юритиши бугунги молия бозорида кузатилмайди ва уларга рақобатчи бўлган кўплаб молиявий тузилмалар мавжудки, бу ҳолат микромолиявий ташкилотлар бу рақобатда имкониятлари юқори эмаслигини кўрсатади.

Маълумки, ломбард ҳам микрокредит ташкилотларининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунга кўра микромолиявий хизматларни кўрсатади. Ломбардларни ташкил этиш ва қайта ташкил этиш ҳам амалдаги қонунчиликка кўра, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шаклига нисбатан қоидалардан келиб чиқади. Бошқача айтганда, миллий қонунчилик ломбардлар ва бошқа микрокредит

ташкilotларини қайта ташкил этиш ёки тугатишга нисбатан фаолият йўналишидан келиб чиқиб ўзига хос қоидаларни белгиламайди. Бироқ фақат микромолиялаш фаолиятини амалга оширувчи субъект сифатида банкларни ташкил этиш ва тугатишга нисбатан алоҳида қонун ҳужжати мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги 580-сонли янги таҳрирдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 78-моддаси ва “Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида” ги [Низом](#) (рўйхат № 626, 11.02.1999 й.)да банк сифатида микрокредит фаолиятини юритаётган юридик шахсни тугатишнинг хусусиятлари қайд этилган. Албатта, бу ҳолатда ҳам Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК) ва махсус қонунчилик бу ўринда Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида қайта ташкил этиш ва тугатиш амалга оширилади.

ФКнинг 49-моддасида қайта ташкил этишнинг қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш каби усуллари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотига кўра 2019 йил 1 январь ҳолатида Ўзбекистонда 92 та нобанк кредит ташкilotлари, шу жумладан 37 микрокредит ташкilotлари ҳамда 55 та ломбард фаолият кўрсатмоқда [8]. Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, МЧЖ шаклидаги микрокредит ташкilotларини қайта ташкил этиш масалаларини таҳлил қиламиз.

Корпоратив ҳуқуқда юридик шахсларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишнинг ўзаро нисбатини дўстона ва нодўстона эканлиги, юридик шахсларни қайта ташкил этишни фуқаролик ҳуқуқининг институти сифатидаги конструкциясига моҳиятан мос келмайди, бинобарин корпоратив ҳуқуқ моҳиятида биринчи навбатда юридик шахс иштирокчиларининг мулкый манфаатларини бошқаришга қаратилган иқтисодий негизлар ётади. Қайта ташкил этиш моҳиятида эса фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан биринчи навбатда фуқаролик ҳуқуқидаги алоҳида конструкция сифатида юридик шахс мулкый ва номулкый базасининг ҳуқуқий ворислиги ётади. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг VII боби МЧЖни қайта ташкил этиш ва тугатишга бағишланган. Мазкур қонуннинг 49-моддасида қайд этилишича, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан жамият ушбу қонунда назарда тутилган тартибда қайта ташкил этилиши мумкин. Мазкур модданинг учинчи-бешинчи қисмларида қайта ташкил этилганда МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказишга оид ўзига хос жиҳатлар белгиланган. Унга кўра,

жамият, бирлаштириш шаклидаги қайта ташкил этиш ҳолларини истисно этганда, қайта ташкил этиш натижасида тузиладиган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

Жамият унга бошқа жамиятни бирлаштириш шаклида қайта ташкил этилганда улардан биринчиси юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига бирлаштирилган жамият фаолияти тугатилганлиги ҳақида ёзув киритилган пайтдан эътиборан қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

Қайта ташкил этиш натижасида тузилган жамиятларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта ташкил этилган жамиятларнинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги ёзувларни киритиш, шунингдек, уставга киритилган ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан, жамият қўшиб юбориш ёки бирлаштириш шаклида қайта ташкил этилганда эса бу ҳақда қўшилишда ёки бирлаштиришда иштирок этаётган жамиятлардан охиригиси томонидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият бу ҳақда жамиятнинг ўзига маълум барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши ва қабул қилинган қарор ҳақида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилиши шарт. Бунда жамият кредиторлари ўзларига хабарномалар юборилган санадан эътиборан ўттиз кун ичида ёки қарор қабул қилингани тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида жамиятнинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатилишини ёки бажарилишини ва кўрган зарарларининг ўрни қопланишини ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидир.

Қоидага кўра, жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан, жамият қўшиб юбориш ёки бирлаштириш шаклида қайта ташкил этилганда эса бу ҳақда қўшилишда ёки бирлаштиришда иштирок этаётган жамиятлардан охиригиси томонидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият бу вақтида жамиятнинг ўзига маълум барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши ва қабул қилинган қарор ҳақида оммавий ахборот воситаларида хабар эълон қилиши шарт. Бунда жамият кредиторлари ўзларига хабарномалар юборилган санадан эътиборан ўттиз кун ичида ёки қарор қабул қилингани тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида жамиятнинг тегишли мажбуриятлари муддатидан илгари тугатилишини ёки бажарилишини ва

кўрган зарарларининг ўрни қопланишини ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидир.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунда жамият қўшиб юбориш (50-модда), бирлаштириш (51-модда), бўлиш (52-модда), ажратиб чиқариш (53-модда), қайта тузиш (54-модда) усулларида амалга оширилади. Шу ўринда, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунда қайта ташкил этиш усуллариининг номланиши ФКнинг 49-моддасидаги номланишидан фарқ қилишига тўхталиб ўтиш лозим. Яъни, ФКнинг 49-моддасида назарда тутилган “қўшиб олиш” усули ушбу қонунда “бирлаштириш”, “ўзгартириш” усули эса “қайта тузиш” деб номланган. Фикримизча, ФК ва ушбу қонундаги қайта ташкил этиш усуллариининг номланишини бирхиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ф.К.Кутлтымуратовнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси ФКда ажратиб чиқаришни қайта ташкил этишнинг шакли сифатида белгиланиши юридик шахснинг бекор бўлиши нуқтаи назаридан тўғри эмас. Қонун чиқарувчи томонидан юридик шахсни қайта ташкил этишнинг моҳияти сифатида биринчи навбатда мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳуқуқӣ ворислиги мазмунини белгилаш мақсадга мувофиқдир [9, Б.10].

Албатта, мазкур фикрга муайян маънода асос бордай кўринади. Бироқ бу ўринда *“жамиятни бўлиш”* ва *“жамиятни ажратиб чиқариш”* усулларидаги ўзаро фарқ кўзга ташланадиган тугатиш билан боғлиқ қоидаи *“айний”* маънода тушунмаслик лозим. Юридик шахсни *“тугатиш”* категорияси уни *“қайта ташкил этиш”* категориясидан тўлиқ фарқ қилади. Инчунун, *“тугатиш”* категорияси ФКнинг 53-моддаси биринчи қисмида *“ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқӣ ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмаслигини”* назарда тутлади. Шу боисда *“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунда (шу жумладан, АЖ тўғрисидаги қонунда ҳам) қайта ташкил этиш усулларига бағишланган моддалар (50-52, 54)да “тугатиш”* атамаси қўлланилган ҳолда ҳуқуқӣ ворислик асосида ҳуқуқ ва мажбуриятлар бошқа шахсга ўтиши ҳақидаги норма белгиланганки, бу ҳолат ФК ва цивилистик доктринага буткул зиддир. Зеро, тугатишнинг қайта ташкил этиш энг асосий фарқи тугатилаётган жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқага ўтмаслигида намоён бўлади ва бу қоида *“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 55-моддаси иккинчи қисмида ҳам назарда тутилган.*

Фикримизча, бу ҳолатда қонун чиқарувчи ФКда белгиланган юридик шахсларни “қайта ташкил этиш” ва “тугатиш”нинг ўзаро фарқини англатувчи ҳуқуқий ворисликнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги қоидаси ҳамда фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалиётида узоқ вақтлардан бери шаклланиб келётган доктринани ҳисобга олмаган ҳолда МЧЖ тўғрисидаги ва АЖ тўғрисидаги қонунларда қайта ташкил этиш усуллари тушунчасини ифодалашда “тугатиш” атамасини қўллаган. Шу боис мазкур қонунларда жамиятни қайта ташкил этиш усуллари тушунчасидаги “тугатиш” атамасини “бекор бўлиш” атамасига ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш лозимки, “бекор бўлиш” атамаси ФКнинг 53-моддасида “юридик шахсни тугатиш” тушунчасига берилган таърифда қўлланилган ва бу атама юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишни бирлаштирувчи атама ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида МЧЖ шаклидаги микрокредит ташкилотларини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 55-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилганидек, жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда фаолиятининг тугатилишига сабаб бўлади.

Юридик адабиётларда юридик шахсни тугатиш тушунчаси борасида ҳам бир катор фикрлар билдирилган. Хусусан, Ҳ.Раҳмонкуловнинг фикрича, юридик шахсни тугатиш – бу юридик шахсни давлат рўйхатидан чиқариб юбориш билан унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг тугатилишидан иборат [10, Б.136-137].

Қоидага кўра, МЧЖни тугатиш ихтиёрий ва мажбурий тартибда амалга оширилади. МЧЖни ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш ваколати фақат умумий йиғилишга тегишли. Бироқ, умумий йиғилишда бу масалани кўриб чиқиш таклифи кузатув кенгаши, ижро этувчи органи ёки иштирокчи томонидан киритилади. Умумий йиғилишда жамиятни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор билан биргаликда, тугатувчини тайинлаш тўғрисидаги қарор ҳам қабул қилинади. “Тугатувчи” атамасининг изоҳи ФКнинг 54-моддаси иккинчи қисмида келтирилган бўлиб, унда белгиланишича, тугатувчи — тугатиш комиссияси ёки жисмоний шахс ҳисобланади.

МЧЖ умумий йиғилиши тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилгач, жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатувчига ўтади.

Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

МЧЖ тўғрисидаги қонунда жамиятни мажбурий тугатишга оид нормалар назарда тутилмаганлиги сабабли, унга нисбатан ФКда белгиланган қоидалар қўлланилади. Бунда ФКнинг 53-моддасида назарда тутилган мажбурий тугатиш асослари ва бу борадаги суднинг қарорини чиқариш тартиботи ҳамд 57-моддадаги банкротлик таомили ҳам жорий этилади.

Мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида 2020 йил 13 октябрь куни 4862-сонли «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан шундай тартиб ўрнатилмоқдаки, унга кўра «Микрокредитбанк» АТБ томонидан нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган:

тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади;

микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади. Шунингдек, «Микрокредитбанк» АТБ томонидан 2021 йил давомида республиканинг барча туман ва шаҳарларида, шу жумладан рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этиш, ўзи операторлик вазифасини бажарувчи Микромолиялаш миллий тизимини яратиш ва унда бошқа кредит ташкилотларининг манфаатдорлик асосида иштирок этишини таъминловчи тизим жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, банкнинг қуйи бўғин ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш ва мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизимини жорий этиш вазифаси белгиланган.

Бунда соҳада муваффақиятга эришган ва халқаро тан олинган хорижий молия институтларида ходимларнинг малака ошириши ва тажриба алмашишини ташкиллаштириш, махсус сертификат олган шахслар тўғрисида

маълумот алмашиш мақсадида микрокредитлаш дастурларида иштирок этаётган касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари билан ўзаро электрон ахборот алмашинуви тизимини йўлга қўйиш, Молия вазирлиги «Микрокредитбанк» АТБ бошқаруви таркибига ижтимоий йўналтирилган микрокредитлаш соҳасида етарли тажрибага эга бўлган хорижий малакали мутахассисларнинг жалб қилинишини таъминлаш каби вазифалар белгиланди. Бу албатта БМТ 2018 йилдаги тавсияларини бажариш ва мамлакатда микромолиявий хизматлар тури ортишини таъминлашга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. United Nations conference on trade and development the ins and outs of inclusive finance: some lessons from microfinance and basic income. © United Nations. New York and Geneva, 2018. // URL: <https://unctad.org>.
2. Microfinance Institutions Fostering Sustainable Development by Region Iciar García-Pérez, María Ángeles Fernández-Izquierdo and María Jesús Muñoz-Torres Department of Finance and Accounting, Law and Economics Faculty, Jaime I University, Campus del Riu Sec, 12071 Castellón, Spain; afernand@uji.es. Sustainability 2020, 12, 2682.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975- сон фармони. 26.03.2020 й. // URL: <https://lex.uz/docs/4776669>
4. Галазова З.В. Институт реорганизации юридического лица: дис.. канд. юрид. наук. – М., 2015.
5. Нуриддинова Ш.Т. Юридик шахсларнинг бекор бўлиш усуллари ва уларни қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: юрид. фан. номз. дис.. автореф. – Т.: 2008.
6. Раҳмонкулов Ходжи-акбар Раҳмонкулович. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. – 816 б. – (Профессионал (малакали) шарҳлар).
7. Баринов Н. А., Козлова М. Ю. Принудительная реорганизация юридических лиц по антимонопольному законодательству // Законы России: опыт, анализ, практика. 2006. № 8.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисоботи // URL <https://cbu.uz/upload/medialibrary/682/Markaziy-bankning-2018-yil-uchun-isoboti.pdf>.
9. Кутлымуратов Ф.К. Проблемы гражданско-правового регулирования принудительной реорганизации юридических лиц: автореф. дис. канд. юрид. наук. – Ташкент: 2009.
10. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон, 2008.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна

Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган

филиали доценти, юридик фанлар номзоди

E-mail: gulnoraxudayberdireva@mail.ru

ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
ХУДАЙБЕРДИЕВА Г.А. ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ
ТАЖРИБА // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1
(2021), Б. 110–118.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада турдош ҳуқуқларнинг табиати, таърифи, турдош ҳуқуқлар субъектларининг мақоми, турдош ҳуқуқларга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг хусусиятлари, халқаро ташкилотлар ҳужжатларида турдош ҳуқуқларнинг белгиланиши, республикаимиз кўшилган айрим халқаро шартномаларнинг ўзига хос жиҳатлари, турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишдаги муаммолар, турдош ҳуқуқлар ҳимоясини кучайтириш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, мутлақ ҳуқуқлар, қонунчилик, халқаро шартномалар.

ХУДАЙБЕРДИЕВА Гулнора Аманмуродовна

Доцент Специализированного филиала Ташкентского государственного юридического университета, кандидат юридических наук

E-mail: gulnoraxudayberdireva@mail.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАВОВЫХ ОСНОВ СМЕЖНЫХ ПРАВ: ЗАРУБЕЖНЫЙ И НАЦИОНАЛЬНЫЙ ОПЫТ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются сущность и определение смежных прав, статус субъектов смежных прав, особенности международно-правовых документов о смежных правах, определение смежных прав в документах международных организаций, особенности некоторых международных договоров, к которым присоединилась республика, проанализированы проблемы защиты смежных прав, вопросы усиления защиты смежных прав. сделаны выводы по совершенствованию национального законодательства в области смежных прав.

Ключевые слова: права интеллектуальной собственности, авторское право, смежные права, исключительные права, законодательство, международные договоры.

KHUDAIBERDIEVA Gulnora

Associate professor of the Specialized Branch
Tashkent State Law University, Candidate of legal sciences
E-mail: gulnoraxudayberdireva@mail.ru

IMPROVING THE LEGAL BASIS OF RELATED RIGHTS: FOREIGN AND NATIONAL EXPERIENCE

ANNOTATION

The article examines the essence and definition of related rights, the status of subjects of related rights, the features of international legal documents on related rights, the definition of related rights in the documents of international organizations, the features of some international treaties to which our republic has joined, the problems of protection of related rights, issues of strengthening protection of related rights.

Keywords: intellectual property rights, copyright, related rights, exclusive rights, legislation, international treaties.

Интеллектуал мулкнинг таркибий қисми мураккаб бўлиб, у патент ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, товар белгилари ва индивидуаллаштиришнинг бошқа воситаларидан таркиб топган. Интеллектуал мулк саноат намуналаридан фойдаланиш ва фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш ҳамда улардан ҳар қандай кўринишда фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “ҳар ким сўз, фикрлаш ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга...” бўлишининг белгиланиши [1] ҳам турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқий ҳолати қандай асосларда вужудга келишини аниқлатади. Бу “шахснинг ҳуқуқий ҳолати” конституциявий ҳуқуқ нормаларининг тартибга солиш предмети эканлигини кўрсатади [2, Б.6]. Шунга кўра, турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқий ҳолати конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар сирасига кирадиган ижтимоий муносабатлардир.

Турдош ҳуқуқлар деганда - яратилган асарларни ижро этиш, техника ёрдамида ёзиб олиш, нусха кўпайтириш, эфир ёки кабель орқали узатиш ва бошқача усулда такрорлаш (қайта ишлаб чиқариш, фойдаланиш)да юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тушунилади. Бир сўз билан айтганда, турдош ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқига эргашиб юрадиган ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади.

Турдош ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқи объектларидан фойдаланиш натижасида юзага келадиган муносабатлар сирасига кирар экан, бу муносабатлар муаллифлар билан жисмоний шахс бўлган турдош ҳуқуқлар субъектлари (ижрочи, артист, актёр, дирижёр, пантомимачи ва бошқалар) ва юридик шахс бўлган субъектлар (теле-радио, кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотлар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва бошқалар) ўртасида намоён бўлади. Турдош ҳуқуқларнинг субъектлари ўз ҳуқуқий табиатига кўра иккиламчи ҳуқуқ эгалари сифатида, яъни муаллифлар томонидан яратилган асарларни такрорлаш, қайта ишлаб чиқариш ёки ижро қилишлари билан ажралиб туради.

Юқоридагиларга кўра, турдош ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқининг таркибий қисми, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги билан тартибга солинадиган ҳуқуқ тизимининг алоҳида йўналишига айланиб бормоқда, дейиш учун асос бор. Шунга кўра, турдош ҳуқуқларни муаллифлик ҳуқуқига нисбатан “иккиламчи ҳуқуқ”, “эргашма ҳуқуқ” ёки “такрорланадиган ҳуқуқ” дейиш мумкин. Турдош ҳуқуқлар асосан муаллифлик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ

ва ҳар иккала ҳуқуқ соҳаси ҳам қўлланишда деярли битта қонунчиликка муурожаат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси [3] ва ”Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунида [4] муаллифлик ҳуқуқи билан турдош ҳуқуқларга оид қоидалар кетма-кет жойлаштирилган.

Республикамизда турдош ҳуқуқлар субъектларининг энг фаоллари ижрочилар бўлиб, улар ўз қобилияти ва имкониятларини намоён қилаётганини амалда кўриш мумкин. Хусусан, бир неча йилдан буён ҳар йили ўтказиладиган “Ўзбекистон ватаним менинг”, “Ниҳол”, “Офарин” кўрик-танловлари, икки йилда бир марта ўтказиладиган “Бойсун баҳори”, “Шарқ тароналари”, “Бахшичилик”, “Мақом” мусиқа фестивали [5, Б.142] ижрочи ва санъаткорларнинг янги қирралари очилишига ёрдам бермоқда, яъни турдош ҳуқуқлар субъектларининг иштирокини кўрсатмоқда.

Республикамизнинг соҳага оид қонунчилигини бошқа давлатлар қонунчилиги билан қиёслаганда турдош ҳуқуқлар субъектлари тизимида ойдинлик киритиш мумкин. Масалан, Германия қонунчилигига кўра, ижрочилар деганда, ”асарни ижро этувчилар ёки уни саҳналаштирувчи ёхуд уни ижро этишда иштирок этувчи шахслар” тушунилади [6] (бу ўринда “саҳналаштирувчи” деганда асарни саҳнада ижро этаётганлар назарда тутилади). Ижрочиларга ҳуқуқий таъриф бераётганда, аввало, улар томонидан асарни ижро этишдаги ижодий ёндашуви, асарни бадиий етказишдаги иштироки бевосита ҳисобга олиниши керак. Франция қонунчилигига кўра, ижрочилар тоифасига “бадиий асарни гапириб берувчилар” ҳам киритилган [7].

Бугунги кунда халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳужжатларида турдош ҳуқуқларга нисбатан аниқ, илмий, ҳуқуқий тушунчалар билдирилмаган. Айниқса, турдош ҳуқуқларнинг субъектлари (ижрочи, артист, актёр, дирижёр, созанда, раққоса ва бошқалар)нинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш, ҳимояга олинадиган объектларнинг мақомини белгилашда қийинчиликлар мавжуд. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда бу масалалар тавсиявий характерда белгиланган бўлиб, улар миллий қонунчилик асосларини такомиллаштиришда етарли ҳуқуқий асос бўла олмаяпти.

Турдош ҳуқуқларнинг моҳиятини тушунишда бир қатор халқаро ташкилотлар Уставлари ва ҳужжатлари, амалда ҳаракатда бўлган халқаро шартномаларга асосланиш мумкин. Хусусан, Рим конвенцияси”га [8] кўра, турдош ҳуқуқлар субъектлари деганда, “ижрочилар – актёр, ашулачи, созанда, раққослар ёки бадиий ва адабиёт асарларини у ёки бу кўринишда ижро

этадиган, роль ўйнайдиган ёхуд бошқача усулда унда иштирок этаётган шахслар” тушунилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, турдош ҳуқуқларга таъриф беришда, аввало, турдош ҳуқуқлар субъектлари тизимига аниқлик киритиб олиш даркор. Ўзбекистон қонунчилигида турдош ҳуқуқлар субъектларини кимлар ташкил этиши ҳақида бир тўхтамга келилмагани амалда турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини кенгайтириш имконини бермаётир. Бу эса турдош ҳуқуқлар субъектларига тегишли бўлган айрим ва муҳим ҳуқуқларнинг тан олинмаслиги, натижада бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан турдош ҳуқуқлар билан муҳофаза қилинадиган маҳсулотлар (фонограмма ва бошқалар)нинг рухсатсиз ишлаб чиқарилиши ва айирбошланишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Турдош ҳуқуқлар субъектларининг фаолияти айна вақтда интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 1038-моддасига кўра, “интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуқ бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар, мавжуд бўлади”, дейилган [9]. Демак, турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқлари мутлақ ҳисобланади ва у учинчи шахсларга фақат шартнома (рухсат) асосида ўтказилиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 6-моддасида ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқий лаёқати тан олиншига ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган [10, Б.13]. Шундай экан, турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳам ўзларига тегишли бўлган барча ҳуқуқ ва эркинликларни ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширишлари мумкин. Турдош ҳуқуқлар инсон ҳуқуқлари концепциясида мавжуд ва у яхлит бир тизимда ҳаракатда бўлади. Буни инсон ҳуқуқларининг вазифасидан ҳам билиш мумкин. ”Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар, бизга ўз истеъдодимиз, ақл, виждонимиздан мукамал суратда фойдаланиб, ўзимизнинг барча маънавий ва жисмоний эҳтиёжларимизни қондириш учун имконият беради” [11, Б.17].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Уставининг 2-моддасида “интеллектуал фаолиятнинг барча соҳаларида ишловчи шахсларнинг халқаро алмашинуви борасида халқлар ҳамкорлигини рағбатлантириш, нашрлар, санъат асарлари ва бошқа фойдали ҳужжатларнинг алмашинувига ёрдам бериши” мустаҳкамланган [12, Б.167]. Бутунжаҳон интеллектуал мулки ташкилоти

БИМТ)нинг асосий мақсадларидан бири ”бутун дунёда интеллектуал мулкни химоя қилишга кўмаклашиш, миллий қонунчиликни замонавийлаштиришни рағбатлантириш, аъзо-давлатлар қонунчилигини ривожлантиришга кўмаклашиш” ва бошқалар мустаҳкамланган [13, Б.83-85].

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ)нинг Хельсинки Яқунловчи ҳужжатида кино, радио, телевизион ахборотларни тарқатишни яхшилаш, плёнкаларга ёзилган ахборотларни эркин тарқатиш, аудиовизуал материалларни алмашишни кенгайтириш, халқлар ўртасида радио материалларни кенг айирбошлашни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш қоидалари мустаҳкамланган [14]. Бу ҳужжатдан кўриниб турибдики, ижрочилар қаторида юридик шахс бўлган турдош ҳуқуқлар субъекти – телевидение, радио ва бошқалар ахборот характеридаги аудиовизуал маҳсулотларни эркин тарқатиш билан инсоният тафаккури ҳамда жамият тараққиётига ҳисса қўшадилар.

Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 20 декабрда БИМТ доирасида қабул қилинган “Ижролар ва фонограммалар бўйича шартнома” ҳамда “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги шартнома”ларга аъзо бўлди ва 2019 йилнинг 17 июль кунидан бошлаб мамлакатимиз халқаро мажбуриятларини бажаришга киришди. Ҳозирги пайтда 100 дан ортиқ мамлакат ва Европа иттифоқи мазкур икки шартнома иштирокчиси ҳисобланади. Ушбу шартномалар рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқи билан бирга турдош ҳуқуқлар ҳимоясининг асосий мезонларини белгилайди.

Турдош ҳуқуқлар билан боғлиқ айрим тушунчалар халқаро ҳуқуқда талқин қилинган бўлса-да, турдош ҳуқуқлар бир вақтнинг ўзида халқаро хусусий ҳуқуқ билан ҳам муҳофазага олинади. Академик А.Х.Саидовнинг айтишича, “Халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро характердаги фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлар мажмуи сифатида халқаро оммавий ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларига зид бўлмаслиги керак” [15, Б.18].

Амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришда турдош ҳуқуқларнинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни, унинг кўлами, муносабатларни тартибга солишдаги таъсири ва энг асосийси, инсон ҳуқуқлари доктринасида муҳим ўрин тутишини таъкидлаш жоиз. Профессор О.Оқюловнинг фикрига кўра ”Фуқаролик кодексининг муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқларга бағишланган қисмлари тубдан қайта ишланиши шарт (ҳозирги Фуқаролик кодексида ушбу қисмлар билан муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун нормалари бир-бирларини такрорлайди, бундай ҳолат қонунчилик техникаси нуқтаи-назаридан мутлақо номувофиқдир)” [16, Б.41]. Олимнинг ушбу фикрларига тўлиқ қўшилиш мумкин.

Миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган нормалар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келаётган ҳуқуқий муносабатларга таяниб турдош ҳуқуқларга қуйидаги таърифни бериш мумкин: *“Турдош ҳуқуқлар – бу ўрнатилган қонунчилик доирасида муаллифлик ҳуқуқи билан ёнма-ён юрадиган, унинг объектлари муомаласини турли кўриниш ва усулларда рўёбга чиқарадиган, жисмоний ва юридик шахслар томонидан асарларни ижрога қаратиш, ишлаб чиқариш ёки бошқа шаклларда такрорлаш натижасида юзага келадиган ўзига хос муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ ва эркинликлар тизими”*.

Соҳада ижобий ишлар кўлами ошиб бораётган бўлса-да, ижрочи-артистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, асарлардан қонуний фойдаланишни таъминлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айрим ҳолларда телевидение, радио, кабелли студиялар, овоз ёзиш, нусха кўпайтириш студиялари ва бошқалар ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз, ижрочилик ҳақларини тўламасдан асарлардан фойдаланиш, аудио ва видео маҳсулотларини қонунсиз ишлаб чиқариш натижасида миллий санъатимиз ва маданиятимизга зарар келтираётган ҳоллари кўзга ташланмоқда. Турдош ҳуқуқлар объектлари билан рухсатсиз савдо қилишнинг ривожланиб кетаётгани айтилган вақтда давлат бюджетига ҳам зарар етказмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасида мамлакатимизда жиддий ислоҳотлар амалга оширилмоқда, унинг қонунчилик асослари кучайтирилмоқда. Хусусан, бугунги кунда муаллифлик ва турдош ҳуқуқларга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси зиммасига олган мажбуриятларини бажариш орқали мамлакатимизнинг халқаро имиджини мустаҳкамлаш, шу билан бирга, ижрочиларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда самарали бошқариш тизимини янада такомиллаштириш кун тартибига чиқди.

Ўтказилаётган турли тадбирлар натижалари, таҳлиллар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти турдош ҳуқуқларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, ҳар бир субъектнинг мақомини аниқлаш, ҳуқуқий муносабатлар кўламини баҳолаш, энг асосийси, халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка сингдиришни талаб этади.

Мамлакатимизнинг интеллектуал мулк ҳимояси соҳасида имиджни халқаро майдонда янада яхшилаш, соҳага доир халқаро алоқаларни янги

босқичга олиб чиқиш, хорижий ижрочиларнинг республикамиз ҳудудида, шунингдек, маҳаллий ижодкорларнинг халқаро майдонда мулкӣ ҳуқуқларини таъминлаш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири сифатида қолмоқда.

Турдош ҳуқуқлар объектларини ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш тизимини яратиш, бу соҳада фаолият юритаётган давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ишларини мувофиқлаштириш, мавжуд соҳа қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш, уни халқаро ҳуқуқ меъёрларига яқинлаштириш, турдош ҳуқуқлар субъектларининг қонуний манфаатлари кафолатларини кенгайтириш, адабий, бадий ва санъат асарларининг дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз ҳудудида маданий индустрия билан шуғулланаётганлар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш зарурати юзага келмоқда.

Соҳага оид миллий қонунчилик такомиллаштирилаётган бўлса-да, лекин интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқӣ билимлар тарқатилиши суст, соҳада олимлар ва амалиётчи мутахассислар етишмайди, асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларидан рухсатсиз ҳамда ўзбошимчалик билан фойдаланиш одат тусига айланган, асарлар ва ижролардан фойдаланганда тегишли ҳақ тўлашнинг самарали тизими жорий этилмаган. Шунга кўра, мамлакат иқтисодиётида интеллектуал мулкнинг улуши пастлигича қолмоқда, соҳани ривожлантиришга инвестициялар жалб этилмаяти, давлат ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажаришда қатор қийинчиликлар юзага келмоқда. Бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида эса турдош ҳуқуқларни ҳуқуқӣ жиҳатдан тартибга солувчи амалдаги қонунчилик тизими чуқур илмӣ тадқиқ этилиши, ҳуқуқни қўллаш амалиёти мунтазам ўрганилиши ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича мунтазам равишда тегишли таклифлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 76 б. // URL: <https://lex.uz/docs/20596>
2. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т.: Шарк нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат, 2007
4. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни.
5. Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқӣ муносабатлари. –Т. Янги аср авлоди, 2003 йил.

6. Германский Закон об авторском праве и смежных правах от 9 сентября 1965 г. Основные институты гражданского права зарубежных стран: Сравнительно-правовые исследования. – М.: Норма, 1999
7. Французский Закон об авторском праве и смежных правах от 3 июля 1985 г. // Основные институты гражданского права зарубежных стран: Сравнительно-правовые исследования. – М.: Норма, 1999
8. Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва эфир орқали узатувчи ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги конвенция. Рим, 1961 йил
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат. 1996, Civil Code of the Republic of Uzbekistan. –Т.: Justice. 1996.
10. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 1998.
11. Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар. -Т.: 1997. (Human rights: questions and answers. - Т.: 1997.
12. Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари.-Т.: Янги аср авлоди, 2003.
13. Ҳакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.-Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2001.
14. Свобода самовыражения, свободный поток информации, свобода средств массовой информации. - ОБСЕ. Основные положения, 1975-2001
15. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ: моҳияти ва аҳамияти. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2000.
16. Оқюлов О. “Фуқаролик кодекси ва интеллектуал мулк бўйича нормаларни кодификациялаш муаммолари.” “Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. Uzbek Law Review. Обзор законодательства Узбекистана” журнали.– Т.: 2004. – № 1.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

МУСАЕВ Бекзод Турсунбоевич

Тошкент давлат юридик университети мустақил
изланувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd)

E-mail: b.musaev@tsul.uz

Orcid: 0000-0003-2068-4035

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ВА БАНДЛИК СОҲАСИДА ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАЖРИБАСИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): МУСАЕВ Б.Т. МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ВА БАНДЛИК СОҲАСИДА ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ТАЖРИБАСИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 119–131.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-11>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада демографик, экологик, жамиятдаги ижтимоий ва умумий ҳуқуқий ёндашувлар доирасида миграцияни тартибга солишда хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг оқибатлари ва сабаблари ўрганилган. Хусусий бандлик агентликлар фаолияти ва Ўзбекистондан эмиграциясининг сабаблари шуни кўрсатадики, аниқ иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар кўриш орқалигина Ўзбекистон ўз фуқароларини одам савдоси ва алдовлардан ҳимоя қилиши мумкин. Мазкур муаммоларни ҳуқуқий тартибга солиш учун ривожланган давлатлар, айниқса Европа

Иттифоқи тажрибасини ўрганиш ва миллий қонунчиликка татбиқ қилиш масалалари бўйича таклифлар бериш зарур. Муаллиф ушбу масалаларни ҳуқуқий ечимини топишда миллий амалиётни такомиллаштиришда асосий йўналиш ахборот технологиялари бўлиши зарур деган қатъий позицияни илгари суради.

Калит сўзлар: хусусий бандлик агентлиги; миграция сиёсати; вақтинчалик бандлик агентлиги; ишга жойлаштириш; меҳнат шартномаси; меҳнат миграцияси, Европа иттифоқи.

МУСАЕВ Бекзод Турсунбоевич,

Самостоятельный соискатель Ташкентского государственного юридического университета, доктор философии по юридическим наукам (Phd)

E-mail: b.musaev@tsul.uz

Orcid: 0000-0003-2068-4035

ОПЫТ ЕВРОПЕЙСКОГО СОЮЗА ПО ПРАВОВОМУ РЕГУЛИРОВАНИЮ ЧАСТНЫХ АГЕНТСТВ ЗАНЯТОСТИ В СФЕРЕ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ И ЗАНЯТОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются последствия и причины деятельности частных агентств занятости по регулированию миграции в контексте демографического, экологического, социального и общеправового подходов в обществе. Деятельность частных агентств занятости и причины эмиграции из Узбекистана показывают, что только с помощью конкретных экономических и правовых мер государство может защитить своих граждан от торговли людьми и мошенничества. В статье изучен опыт Европейского союза, для выработки рекомендаций для совершенствования национального законодательства в этой области. Автором выдвигается позиция того, что поиск правовых решений в этих вопросах должны стать информационные технологии.

Ключевые слова: частное агентство занятости; миграционная политика; агентство временного трудоустройства; занятость; договор найма; трудовая миграция, ЕС.

MUSAEV BekzodTashkent State University of Law, independent researcher,
Doctor of Philosophy (PhD) in LawE-mail: b.musaev@tsul.uz

Orcid: 0000-0003-2068-4035

**EUROPEAN UNION EXPERIENCE IN LEGAL REGULATION OF
PRIVATE EMPLOYMENT AGENCIES IN THE FIELD OF LABOR
MIGRATION AND EMPLOYMENT****ANNOTATION**

This article examines the consequences and causes of the activities of private employment agencies in the regulation of migration in the context of demographic, environmental, social and general legal approaches in society. The activities of private employment agencies and the reasons for emigration from Uzbekistan show that only through concrete economic and legal measures can Uzbekistan protect its citizens from human trafficking and fraud. In order to regulate these problems, it is necessary to study the experience of developed countries, especially the European Union, and make recommendations on their application in national legislation. The author argues that the main direction in improving national practice in finding legal solutions to these issues should be information technology.

Keywords: private employment agency; migration policy; temporary employment agency; employment; employment contract; labor migration, EU.

COVID-19 ва унинг жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувига таъсири жараёнида малакали кадрларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бундан ташқари, айрим мамлакатларда ортиқча ишчи кучи бўлса, айримларида арзон ишчи кучига эҳтиёж юқори. Бугунги кунда бутун дунёда малакавий кадрларга, мутахассислиги бўйича тоифали касб эгаларига талаб юқорилиги билан характерланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам мазкур масала долзарб тусга кирган. Ҳозирги ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитида ҳар бир иш берувчи субъектлар учун ўз касбига масъулиятли, малакали мутахассисларга зарурат йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон меҳнат бозори тизимининг ривожланишида кўп ҳолларда профессионал ходимларни ишга олиш, уларни танлаб олиш, шунингдек,

уларнинг бандлигини таъминлашда бир қатор бўшлиқлар пайдо бўлмоқда. Деярли ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ўз фаолиятини самарали амалга ошириш учун малакали, профессионал ходимларни жалб қилиш заруриятига дуч келмоқда.

Шунинг учун ходимларни излаш ва танлаб олишнинг самарадорлигини ошириш учун юртимизда мазкур соҳага эътибор сезиларли даражада ошган. Бундан келиб чиққан ҳолда, кун сайин мамлакатимизда аввал бизда мавжуд бўлмаган соҳа – аҳолини иш билан таъминлашда нодавлат ташкилотлари, хусусий бандлик агентликлари яъни рекрутинг агентликларининг роли ошиб бормоқда.

Мазкур соҳада мамлакатимизда, айниқса сўнгги йиллар кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳар йили аҳоли бандлиги дастури тасдиқланиб, ҳар чоракда бу борадаги ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳисоботининг эшитилиши бандлик масаласини қанчалик муҳимлигидан далолат беради [1].

Шунингдек, 2018 йил 3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3506-сон қарори билан 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида доимий иш ўринларини ташкил этиш прогноз параметрларининг тасдиқланиши ушбу соҳадаги вазифаларни кечиктириб бўлмаслигидан далолат беради [2].

Шундан келиб чиққан ҳолда қайд этиш зарурки, бандлик масаласи давлатнинг иқтисодий-ижтимоий сиёсатининг муҳим воситаларидан бири эканлиги ҳақидаги фикрларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу соҳадаги халқаро стандартлар, хорижий давлатларни ижобий самара берган тажрибасини таҳлил қилган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Мазкур йўналишда самарали натижаларга эга бўлган минтақа сифатида Европа Иттифоқи ва уни тажрибасини таҳлил қилиш, ушбу соҳада амалга оширилган ҳуқуқий ислохотларни ўрганиш орқали миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқилиши бугунги кунда долзарблиги билан характерланади.

Европа Иттифоқини таъсис шартномасида эълон қилинган мақсад ва вазифаларга эришиш ва уни келгуси истиқболини таъминлаш кўп жиҳатдан

товарларни, ишчи кучини, капитал ва хизматларни эркин ҳаракатланишини самарали ташкил қилиш билан чамбарс боғлиқдир.

Ишчилар, Европа Иттифоқи (келгуси ўринларда ЕИ) фуқаролари, уларнинг оила аъзолари, талабалар, пенсионерлар ва бошқа гуруҳ аҳолининг эркин ҳаракатланиши сўнгги йилларда энг тез ривожланаётган соҳалардан бири сифатида ЕИ аъзо давлатларининг меҳнат бозорига, еврохудуднинг ҳолатига, индивидларнинг оилавий ва шахсий ҳолатларига таъсир қилмоқда.

Европа комиссиясининг 2017 йил учун “ЕИ доирасида ишчи кучларининг ҳаракатланиши тўғрисида”ги ҳисоботида 2016 йил ҳолатига ЕИ меҳнатга лаёқатли ёшдаги 11.3 млн., 2018 йилда эса 12,4 млн. фуқаро [3, Б.11-12] (20 дан 64 ёшгача) Иттифоққа аъзо давлатлар ҳудудида ушбу давлатлар фуқаролигига эга бўлмаган ҳолда истиқомат қилган бўлиб, ушбу кўрсаткич Иттифоқнинг жами меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 3.7%ни ташкил қилади [4, Б.10-12].

Шундан, 8.5 млн. фуқаро ишга жойлашган ёки иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган. Бундан ташқари, ЕИнинг 1.3 млн. фуқароси унинг бир аъзоси саналган давлатда яшаб, бошқа аъзо давлат ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб борганлар.

Шунингдек, ЕИ ишчи-фуқароларини қабул қилувчи давлат Германия (2.7 млн. шахс ёки барча шу тоифадаги аҳолининг 22%) саналади. Келгуси ўринларда (2.1 млн. шахс) Буюк Британия жой олган бўлса, навбатдаги юқори кўрсаткичли давлатлар сифатида Испания (1.4 млн.), Италия (1.1 млн.), Франция ва Швейцария (950 минг) бўлиб, ушбу барча олти давлат меҳнатга лаёқатли 75%, 2017 йилда эса 74% ЕИ фуқароларини қабул қилади. 2017 йил ҳолатига ҳаракатланган ЕИ фуқароларининг 50% ортигини Руминия, Польша, Португалия, Италия ва Болгария фуқаролари ҳисобига тўғри келган [5, Б.11-12].

Шубҳасиз, ЕИ доирасида ишчи кучлари ҳаракатланишининг асосий омилларидан бири бу Иттифоқнинг айрим давлатларида кузатилган ишсизликнинг даражаси билан боғлиқ.

Европа Иттифоқи статистика масалалари бўйича комиссиянинг маълумотида кўра, 2018 йил ҳолатига ЕИ доирасида ишсизлик даражаси 8,0% деб белгиланган. ЕИ доирасидаги давлатлар ичида Чехия Республикасида (3,4%), Германия (3,9%), Мальтада (4,1%). Энг юқори даражадаги ишсизлик даражаси Греция (23,1%) ва Испанияда (18,0%) кузатилган [6, Б.4-7].

Бу каби тенденцияларнинг кузатилиши ЕИ доирасида биринчи ва иккинчи даражали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда босқичма-босқич қабул қилишга таъсир кўрсатган.

ЕИ фаол ижтимоий сиёсатини бошлаши ўтган асрнинг 80-йилларининг охири 90-йилларни бошига бориб тақалади. 1993 йилда Европа комиссияси томонидан “Бандлик, рақобатбардошлик ва ўсиш тўғрисида”ги Оқ китоб [7] муҳокамага қўйилган. Шундан сўнг эса, яна икки муҳим ҳужжат қабул қилинган бўлиб, булар “ЕИнинг ижтимоий сиёсати – Иттифоқ учун танлов” [8] ва “ЕИнинг ижтимоий сиёсати: Иттифоқ учун йўл” [9] ҳисобланади.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарига келиб ЕИ институтларининг кун тартибига ижтимоий сиёсат масалалари ҳам киритила бошланди. Натижада, Амстердам шартномасига бандликнинг турли жиҳатларига бағишланган махсус боб киритилган [10, Б.33].

Мазкур бобнинг қоидаларига мувофиқ 1997 йилда ЕИ аъзо давлатларида меҳнат бозори ва бандлик соҳасини мувофиқлаштириш ва истиқболли воситаларни белгилашга қаратилган Европа бандлик стратегияси қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатга асосан Европа комиссияси аъзо-давлатларга ишсизликка қарши кураш бўйича тавсиялар бериш, янги иш ўринларини яратиш бўйича ҳамкорликда миллий режалар тузиш, ишга жойлаштириш бўйича умумий бандлик агентликларини ташкил қилиш бўйича таклифлар бериш ваколатларига эга бўлди.

Европа комиссиясининг кўплаб стратегиялари ва дастурий ҳужжатлари ишсизликни камайтириш, бандлик муаммоларини ҳал қилиш, ўзгарувчан иқтисодий шароитларда ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлашга қаратилганлиги билан характерланади.

ЕИда меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги кенг қўламли ислоҳотлар ва аъзо давлатларнинг меҳнат ҳуқуқи нормаларини уйғунлаштириш ва ягона меҳнат бозори концепциясини ишлаб чиқиш жараёнлари 2006 йилда Европа комиссиясининг “XXI аср чақириғига жавоб сифатида меҳнат ҳуқуқини замонавийлаштириш” номли Яшил китобнинг қабул қилиниши билан бошланди [11, Б.708].

Мазкур ҳужжат ва унинг аҳамияти, меҳнат миграцияси, йигирма биринчи асрда ЕИ иш билан таъминлаш соҳасига кўрсатган таъсири бўйича бир қатор тадқиқотлар (А.Tangian [12, Б.54-56], S.Sciarra [13, Б.375-382], J.G.Murcia [14, Б.109],) ўтказилганлигини қайд этиш зарур.

Бугунги кунда ЕИ ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб 2007 йилдаги ЕИ фаолият кўрсатиши ҳақидаги Лиссабон шартномаси хизмат қилади.

Мазкур шартнома ўзида бандликни кенгайтириш, ижтимоий ҳимояга мухтож аҳолини меҳнат бозорига жалб қилиш, ижтимоий мулоқотга кўмаклашиш, гендер муаммоларни ҳал қилишга қаратилган нормаларни белгилаб берган.

Шартноманинг “Капитал, хизматлар ва шахсларнинг эркин ҳаракатланиши” деб номланган IV бобининг 45-моддасида белгиланишича, ЕИ доирасида меҳнат шароитларини белгилаш бўйича аъзо-давлатлар ходимларига нисбатан фуқаролигидан келиб чиққан ҳолда дискриминацияга йўл қўйилмайдиган ходимларни эркин ҳаракатланиши таъминланади.

Бизнингча, ходимларнинг эркин ҳаракатланиши ўз мазмунига кўра қуйидагиларни қамраб олади:

– ҳар қандай аъзо-давлатлардан келиб тушган таклифларни қабул қилиш ҳуқуқи;

– иш қидириш мақсадларида ЕИ бутун ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи;

– қабул қилувчи давлатнинг фуқароларини меҳнат фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ўз меҳнат фаолиятининг бутун даврида ЕИнинг ҳар қандай давлатининг ҳудудида яшаш ҳуқуқи.

– ўз меҳнат фаолиятини яқунлаганидан сўнг ЕИ давлатининг ҳудудида қолиш ҳуқуқи.

ЕИнинг институтлари томонидан ходимларни эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида бир қатор регламентлар ва директивалар қабул қилишлари мумкин. Ушбу ҳужжатлар қуйидагиларга қаратилиши мумкин:

– миллий-хусусий бандлик агентликлари билан самарали ҳамкорликни таъминлашга;

– ЕИ фуқаролари томонидан бўш иш ўринларига ишга жойлашиш ҳуқуқини таъминлашга тўсқинлик қилувчи ички қонун ҳужжатларида назарда тутилган кўшимча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш;

– миллий фуқароларга татбиқ қилинадиган меҳнат шароитларини аъзо-давлатлар фуқаролари саналган ходимларга татбиқ қилишни чекловчи ёки ушбу ходимлар меҳнат шарт-шароитлари бошқа давлатлар қонунчилигига бўйсундирувчи қонунчилик нормаларини бекор қилиш;

– иттифоқ ҳудудида бандликни таъминлаш ва аҳолини турмуш тарзининг пасайишига олиб келувчи, иш ўринларини эркин яратиш ва уларга жойлашиш ҳуқуқини чекловчи механизмларни бекор қилиш.

Юқорида қайд этилган Лиссабон шартномасининг 145-моддасига биноан,

биноан, ЕИ ва аъзо-давлатлар Иттифоқ ҳудудида тез мослашувчан юқори малакали мутахассисларни шакллантиришга ва уларнинг бандлигини таъмилашни қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий стратегияни биргаликда ишлаб чиқадилар.

Шу мақсадда, 1998 йилда ушбу соҳадаги дастлаб кўрсатма ишлаб чиқилган. Ушбу кўрсатмада ЕИ кенгаши томонидан бандлик соҳасида сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида кўп миқдордаги иш ўринларини яратиш, меҳнат соҳасида тенг имкониятлар бериш сиёсатини олиб бориш, ходимларни квалификациясини ошириш кабилар белгилаб берилган.

ЕИ таъсис ҳужжатларидан ташқари, ЕИнинг институтлари томонидан аъзо давлатларда меҳнат бозорини ривожлантириш масалаларига қаратилган кўплаб дастурий ҳужжатлар қабул қилинган. Бу каби дастурий ҳужжатларни шакллантиришда ЕИ доирасидаги Европа Касаба уюшмалари Конфедерацияси (ETUC), Европа бизнеси Конфедерацияси (BusinessEurope), Давлат корхоналари ходимларининг Европа маркази (СЕЕР) ва Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг Европа Ассоциацияси (UEAPME) каби ижтимоий шериклар алоҳида муҳим роль ўйнайди.

ЕИ доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтиришга қаратилган 2010 йилда қабул қилинган “Европа 2020. Оқилона, барқарор ва инклюзив юксалиш дастури” алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур стратегияга мувофиқ, 2020 йилга келиб олий маълумот олган ёшлар иштирокини кўпайтириш ва таълим олишни ташлаб кетганларнинг сонини камайтириш ҳисобига ишга лаёқатли аҳолини 75% бандлигини таъминлаш вазифаси қўйилган [15].

Яна бир муҳим ҳужжатлардан бири сифатида 2015 йилда Европа комиссияси томонидан лойиҳаси таклиф қилинган “Ижтимоий ҳуқуқларни таъминловчи Европа таянчи тўғрисида”ги Қонун саналади.

Мазкур ҳужжат ижтимоий таъминот тизими ва меҳнат бозорини самарали ташкил қилишга қаратилган бир қатор муҳим принципларни белгилаб берган. Жумладан, меҳнат бозорига кириш ва тенг имкониятлар; адолатли меҳнат шароитлари; ижтимоий ҳимоя қилиш.

Ушбу соҳадаги миллий давлатларнинг қонунчилиги бир-биридан фарқланганлиги сабабли Европа комиссияси аъзо-давлатлар учун ягона қоидаларни шакллантириб берган.

Қайд этилган принциплар орасидан меҳнат бозорига кириш ва тенг имкониятлар пинципини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Ушбу принципнинг

жорий қилиниши орқали меҳнат бозорига чиқишни осонлаштирадиган ва хизмат соҳасида муваффақиятни таъминлашга кўмаклашувчи, шунингдек иш берувчиларга меҳнат бозоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишига имконият яратувчи “мослашувчан” меҳнат шартномаларни назарда тутди.

Яна бир масала ЕИ ҳудудида нафақа тўлаш билан боғлиқдир. ЕИ аъзо давлатларида ишсизлик нафақасининг миқдори бир-биридан фарқланади. 2015 йилда ушбу ишсизлик нафақасини умумий ишсизларнинг фақат 38% олган, холос.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ЕИ ҳудудида тўлиқ ставкада муддатли меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар ишсизлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга эмаслар [16, Б.44].

ЕИ стратегиясига асосан бандлик ва ишсизлик ўртасида боғловчи вазифани ўтовчи ишга жойлаштириш бўйича бандлик агентликлари хизматларини янгилаш ва замонавийлаштириш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Ушбу йўналишдаги муҳим ўзгаришлардан бири бандлик хизматлари тизимида давлат монополияси ўрнатилган давлатларда (мисол учун, Австрия, Дания, Нидерландия ва Швеция) хусусий бандлик агентликлари фаолиятига рухсат бериш соҳасида амалга оширилган. Бу ўз навбатида давлат ва хусусий бандлик соҳасидаги институтлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва бир-бирини тўлдириш имкониятини яратди.

ЕИ доирасида ушбу соҳадаги муҳим институтлар сифатида Европа меҳнат ҳаракати портали ва Европа ишга жойлаштиришга ёрдам бериш хизматини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур [17].

Европа меҳнат ҳаракати портали Европа комиссияси ва Европа иқтисодий зонасига аъзо-давлатларнинг (ушбу зонага ЕИга аъзо-давлатлар, Норвегия, Исландия, Лихтенштейн ва Швейцария ҳам киради) бандликка кўмаклашувчи давлат хизматлари билан ҳамкорлик тармоғини ўзида акс эттиради.

Мазкур портал 1993 йилда ташкил қилинган бўлиб, у ЕИ ҳудудида меҳнаткаш-фуқароларни эркин ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида манфаатдор тарафлар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ахборот алмашиш каби масалаларга жавоб беради.

Мазкур виртуал порталнинг хизматлари доирасига ишга жойлашиш бўйича маслаҳатлар ва ёрдам кўрсатиш, шунингдек ЕИ аъзо ҳар қандай давлатлардан ходимларни танлаш кабилар киради. Порталнинг ахборот

базасида бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар, иш қидираётган талабгорларнинг резюмелари, ЕИга аъзо-давлатлар ҳудудида бўлиш тартиби каби ахборотлар ўрин олган. Европа меҳнат ҳаракати портали томонидан кўрсатиладиган ёрдам махсус тайёргарликдан 850 дан ортиқ ходимлар томонидан амалга оширилади.

Бугунги кунда мазкур веб-порталда 1,3 миллион вакант иш ўринлари ҳақида маълумот мавжуд бўлиб, ҳар ойда ушбу порталга 4 миллионгача шахс интернет орқали киради. Шунингдек, бугунги кунда порталда 900 000 резюме жойлаштирилган ва 29 000 иш берувчи рўйхатдан ўтган. Ушбу порталда нафақат хусусий бандлик агентликларини бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлари, балки давлат бандлик агентликларининг ҳам бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлари киритилган.

2016 йилдан бошлаб Европа комиссияси таклифига мувофиқ ЕИ ҳудуди учун ягона резюме, тавсиянома ва таржимаи ҳолга қўйилган талаблар тасдиқланган [18].

Юқоридаги порталдан ташқари ЕИ фуқароларини мобил ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи “Европа меҳнат кунлари” деб номланган бўш иш ўринлари онлайн-ярмарка сайти яратилган. Мазкур сайт ёрдамида иш қидираётган шахслар, иш берувчилар ва Европа меҳнат ҳаракати портали консультантлари бир-бирларини топишлари, мулоқот қилишлари ва учрашувлар ташкил қилишлари мумкин.

Юқоридагиларга асосан қуйидаги қисқа хулосаларни келтириб ўтиш мумкин:

биринчидан, ЕИ меҳнаткашларни ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи веб-портал ўзида тўлиқ иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни қамраб олмайди. Портал ўзида миллий давлатларда мавжуд бўлган фақатгина 30% вакант иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Шу нуқтаи назаридан мазкур портал келгусида янада ривожланиши мумкин;

иккинчидан, давлат ва хусусий бандлик агентликлари билан тенг даражада ҳамкорликни қамраб олиш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

учинчидан, ЕИ ҳудудида ижтимоий ҳимоя қилиш ва пенсия таъминлаш масалалари ҳақидаги тўлиқ маълумотларнинг мавжуд эмаслиги;

тўртинчидан, мазкур веб-портал келгусида ҳам ЕИ ижтимоий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда янада ривожлантирилиши, ижтимоий ҳаётнинг ривожланиш тенденцияларини ўзида янада акс эттириши кутилаётганлиги;

бешинчидан, Европа комиссиясининг “Ижтимоий ҳуқуқлари Европа

таянчини яратиш жараёнида турган ижтимоий ва иқтисодий муҳим масалалар” ҳақидаги ҳужжатида кўрсатилишича, жамиятнинг бандлик масалаларига технологиялар катта таъсир кўрсатаётганлиги.

Жамият ҳаётининг автоматлаштирилиши кўплаб иш ўринлари инсоннинг кўл меҳнатидан кўра автоматлаштирилишга кенг эътибор бериш тенденцияси кузатилмоқда. Кам малакаланган ходимларнинг иш ўринлари сони қисқариши натижасида Евростатнинг тахминига ушбу йўналишдаги бўш иш ўринлари сони 2025 йилга келиб 15% га тушади [19, Б.21]. Бундан ташқари демографик ҳолатларнинг кескин ўзгариши ва пенсия ёшидаги аҳоли қатламининг кўпайиши натижасида ишлаб чиқаришда инсон меҳнатидан кўра автоматлаштирилган воситаларга алоҳида урғу берилади.

Европа Иттифоқи тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонунга фуқароларни ҳуқуқ ва манфаатларини ҳмоя қилишга қаратилган қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишга таклиф қилинмоқда:

– “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги Қонун нормаларини ижро этиш натижасида юзага келган юқоридаги салбий ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда агентликлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўланадиган пул суммасининг чегарасини аниқ белгилаш таклиф қилинади.

Хусусан, ишга жойлаштириш соҳасида ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўлов миқдори хусусий бандлик агентлиги ва иш қидираётган шахс ўртасидаги ўзаро келишувга кўра белгиланишини, бироқ қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баробаридан ошмаслиги лозимлигини киритиш зарур. Хорижий давлатларга ишга жойлаштириш хизмати учун эса ишга жойлаштириладиган давлат қонунчилигининг нормаларига асосан белгиланиши таклиф қилинади;

Қонунга Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича шартнома имзолангандан сўнг иш қидираётган шахс 5 иш кун давомида жўнатувчи ташкилот хизматлари нархининг 20 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда олдиндан тўловни амалга оширишини, қолган хизмат тўловлари эса иш қидираётган шахс томонидан ишчи виза олинганидан сўнггина амалга ошириш тартибини жорий қилиш таклиф қилинади;

хорижий давлатга ишга юбориш ҳақидаги шартномани ижроси, унинг кейинги босқичларини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг махсус сайтидан рўйхатга ўтказиш тартибини

жорий қилиш зурур. Бу ўз навбатида ташқи меҳнат мигрантларини фаолиятини ишга юборилган вақтдан бошлаб кузатиш, таҳлил қилиш имкониятини беради;

Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган хусусий бандлик агентлигининг мажбуриятлари доирасига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахслар олдида ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаганлиги билан боғлиқ етказилган зарарни қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлигини суғурталаши шартлигига оид нормани киритиш таклиф қилинади;

ХБА фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган юридик шахсларга лицензия тақдим этишнинг зарурий шарти сифатида халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, маълум профессионал талабларни ҳам қўйиш зарур. Булар қаторига, ёш цензини 30 ёшдан кичик бўлмаган этиб белгилаш, аввал ушбу соҳада содир этган жинояти учун судланмаган бўлиши, меҳнат қонунчилиги ва ушбу соҳадаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича билимини синаш мақсадида тест синовларидан ўтказиш талаб қилинади.

Мазкур таклифларнинг ҳаётга татбиқ этилиши хусусий бандлик агентликлари фаолияти шаффофлигини тўлақонли амалга оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Депутатлар аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросига эътибор қаратдилар // URL: <http://parliament.gov.uz/uz/analytics/23126/?group=181>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3506-сон қарори // URL: <https://lex.uz/docs/3550818?twolang=1>.
3. Elena Fries-Tersch, Tugce Tugran, Agnieszka Markowska, Matthew Jones. 2018 Annual Report on intra-EU Labour Mobility. 2-nd edition. European Commission, - P. 11-12. December 2018.
4. Fries-Tersch E., Tugran T., Bradley H., 2016 Annual Report on intra-EU Labour Mobility. 2-nd edition. European Commission, 2017.
5. Elena Fries-Tersch, Tugce Tugran, Agnieszka Markowska, Matthew Jones. 2018 Annual Report on intra-EU Labour Mobility. 2-nd edition. European Commission, - P. 11-12. December 2018. Eurostat Statistics Explained - Unemployment statistics (April 2017). // URL: http://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php/Unemployment_statistics.

6. Eurostat Statistics Explained - Unemployment statistics (April 2017). // URL: http://ec.europa.eu/eurostat/statistics-explained/index.php/Unemployment_statistics.
7. Growth, competitiveness, employment. The challenges and ways forward into the 21st century: White paper. // URL: <https://bookshop.europa.eu/en/growth-competitiveness-employment-pbCM8294529/>.
8. Green Paper - European social policy: Options for the Union. // URL: <https://bookshop.europa.eu/en/green-paper-european-social-policy-pbCE8193292/>.
9. A White Paper. European social policy: A way forward for the Union. // URL: <https://bookshop.europa.eu/en/a-white-paper-pbCE8494880/>.
10. Treaty of Amsterdam amending the Treaty on European Union, the Treaties establishing the European Communities and certain related acts. // URL: https://europa.eu/european-union/sites/europaeu/files/docs/body/treaty_of_amsterdam_en.pdf - P. 33.
11. Green Paper on Modernizing Labor Law to Meet the Challenges of the XXI Century. Brussels. 22.11.2006 // Источник информации - Официальный вестник ЕС - COM (2006) 708.
12. Tangian A. Flexibility-flexicurity-flexinsurance: response to the European Commission's Green Paper "Modernising labour law to meet the challenges of the 21st century". – 2007.
13. Sciarra S. EU Commission Green Paper 'Modernising labour law to meet the challenges of the 21st century' //Industrial Law Journal. – 2007. – Т. 36. – №. 3.
14. Murcia J. G. The European's Commission's Green Paper on Labour Law //Int'l Lab. Rev. – 2007. – Т. 146.
15. Europe 2020. A strategy for smart, sustainable and inclusive growth /COM/2010/2020 final. URL: <http://eur-lex.europa.eu/legal-content/en/TXT/?uri=CELEX:52010DC2020>.
16. Commission staff working document. Report of the public consultation Accompanying the document from the commission to the European Parliament, the Council, the European Economic and Social Committee and the Committee of the Regions Establishing a European Pillar of Social Rights» // Brussels, 26.4.2017 SWD (2017) 206 final. URL: ec.europa.eu/social/BlobServlet?docId=17608&langId=en. - P. 44. <http://europass.ie/europass/euro.html>.
17. Regulation 2016/589 of the European Parliament and of the Council of 13 April 2016 on a European network of employment services (EURES), workers' access to mobility services and the further integration of labour markets, and amending Regulations № 492/2011 and № 1296/2013 (Text with EEA relevance) // OJ L 107, 22.4.2016. URL: <http://eur-lex.europa.eu>.
18. Commission Staff Working Document «Key economic, employment and social trends behind the European Pillar of Social Rights» (SWD (2016)51). URL: <http://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=COM%3A2016%3A127%3AFIN>.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МАРИПОВА Севарахон Арибжановна
Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги қошидаги Юристар малакасини
ошириш маркази кафедра мудири, доцент
E-mail: sevar5065@mail.ru

МЕҲНАТ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ АҲАМИЯТИ (НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ)

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
МАРИПОВА С.А. МЕҲНАТ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА МЕДИАЦИЯ
ИНСТИТУТИНИНГ АҲАМИЯТИ (НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ) // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 132-139.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-12>

АНОТАЦИЯ

Ушбу мақолада низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари, шунингдек меҳнат низоларини кўришда медиация тартиб-таомилининг ўзига ҳос ютуқлари, иккала тараф учун ҳам мақбул бўлган ечимга келиш имконини бериши билан суд ишларини юритишга нисбатан самарали восита эканлиги, мамлакатимизда айни вақтда ушбу институтни янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ислохотлар, миллий ва хорижий тажрибанинг қиёсий таҳлили ҳамда муаллифнинг мустақил позицияси ўрин олган.

Калит сўзлар: Медиация, келишув битими, яраштириш тартиб-таомиллари, Ўзбекистонда медиация келишуви, ортиқча сарф-ҳаражатнинг олдини олиш, меҳнат низолари.

МАРИПОВА Севарахон Арибжановна
Заведующий кафедрой Центра повышения
квалификации юристов при Министерстве юстиции
Республики Узбекистан, доцент
E-mail: sevar5065@mail.ru

РОЛЬ МЕДИАЦИИ В РАЗРЕШЕНИИ ТРУДОВЫХ СПОРОВ (ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА)

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена исследованию процедуры медиации в Республике Узбекистан. Автор исследует развитие института медиации в Узбекистане в том числе и особенностей применения медиации по трудовым спорам. Проводится сравнительно-правовой анализ медиации на примере зарубежных стран, изучается действующее законодательство в области медиации, раскрываются проблемы и предлагаются пути их решения.

Ключевые слова: Медиация, примирение сторон, примирительные процедуры, медиация в Узбекистане, трудовые споры, издержки.

MARIPOVA Sevaraxon

Head of the Department at the Lawyers' Training
Center under the Ministry of Justice of the Republic of
Uzbekistan, Associate professor
E-mail: sevar5065@mail.ru

THE ROLE OF MEDIATION IN RESOLVING LABOR DISPUTES (THEORY AND PRACTICE)

ANNOTATION

The article is devoted to the study of mediation in the Republic of Uzbekistan. The author considers the work of mediation in Uzbekistan. A comparative legal analysis of mediation is carried out on the example of foreign countries, the legislation in the field of mediation is studied, problems are revealed and ways to solve them are proposed.

Keywords: Mediation conciliation agreement, conciliation procedures, mediation agreement in Uzbekistan, labor disputes costs.

Республикамизда фуқароларнинг судга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 80-бандида фуқаролик ва хўжалик, шу жумладан, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини қўллашни кенгайтиришга оид вазифалар белгиланган эди [1].

Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтиб, “Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозоридаги талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислоҳ қилинади..., Бундан буён ишчи касблар бўйича талаб қўйишда малака асосий ўринга чиқади”, дея таъкидлаб ўтдилар [2].

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда меҳнат муносабатларини ташкил этиш, иш берувчи ва ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш ва уларнинг тоифасини янада кенгайтириш, яқка тадбиркорлик субъектларининг иш берувчи сифатида эътироф этиш, ўзини-ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ҳуқуқий тартибга солинди. Мазкур ислоҳотлар натижасида уларнинг фаолияти ҳам меҳнат муносабатлари сифатида эътироф этила бошлади. Эндиликда меҳнат муносабатларининг янада кенгайтириши ва субъектлар доирасининг ортиши ўз-ўзидан келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ва уларни ҳал этиши мақсадида судларга мурожаатларнинг ортишига сабаб бўлади, шу ва бошқа турдаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг кенгайтириб бориши сабабли айни вақтда мамлакатимизда низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларига бўлган талабнинг долзарблиги ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари мавзусида тадқиқот иши олиб борган Ф.Маликов уларнинг аҳамияти ва долзарблиги масаласига тўхталиб ўтиб, муқобил усулларга музокаралар-низони тўғридан-тўғри тарафлар томонидан бошқа шахсларнинг иштирокисиз ҳал этиш,

ҳакамлик суди-низони мустақил нейтрал шахс-тарафлар учун мажбурий бўлган қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳакам ёрдамида ҳал этишини, медиация низони мустақил, бетараф медиатор орқали ҳал этишни англантишини ва бу муқобил усуллар орқали тарафлар келгусида бизнес ва шахсий муносабатларни сақлаб қолиши, низони оммавий кўриб чиқилишини олдини олиши, низони кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳаражат ва натижаларнинг олдини олишга эришишлари мумкинлигини таъкидлаб ўтади [3, Б.46-47].

Шунингдек, тадқиқотчи А.Мухаммадиев медиация институти низоларни ҳал этишнинг муқобил институти бўлишлиги баробарида судларда иш юритиш ҳажмини мақбуллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтади [4, Б.32-33].

Фуқаролик процессида кўриб чиқиладиган ва суд қарори бир неча инстанцияларда қайта текшиладиган, ўзининг алоҳида хусусиятларига эга низоларнинг кенг қамровли тури бу меҳнатга оид низолардир. Келгусида юқоридаги ўзгартиш, қўшимча ва ислоҳотлар натижаси ўлароқ яна судларга муурожаатлар сони ортиши бунинг натижаси ўлароқ судьяларнинг иш ҳажми ортиши, тарафлар томонидан қилинадиган ҳаражатларнинг ортишига ҳамда ортиқча вақтнинг йўқотилишга олиб келиши мумкин.

Меҳнат низоларини фуқаролик процессида кўриб чиқишнинг муқобил тартиб-таомилларидан бири бу медиация институти бўлиб, айнан ушбу институтнинг келгусида янада ривожлантирилиши судьяларнинг иш ҳажмини камайтиришга, қолаверса тарафларнинг ортиқча сарф ва вақт йўқотишларини олдини олишга хизмат қилади.

Е.М Батухтина медиация институтининг вужудга келиши ва зарурати масаласига тўхталиб, аввало фуқаровий-ҳуқуқий кенгайиб бориши, бунинг натижасида фуқароларнинг судлов жараёнларига талаб ва эҳтиёжларининг ортиши натижасида судьялар иш ҳажмининг кўпайиб кетиши, шунингдек, вақтни тежаш зарурати вужудга келганлиги, албатта бунинг амалдаги суд тизимининг ўзи орқали ҳал этиш имкониятларининг мавжуд эмаслиги билан белгилайди. Шунингдек, ушбу институт фуқаролик процессида келишув битимига бир вақтнинг ўзида рақобатчи бўлиш билан бирга, унинг ривожланишига, яъни медиатив келишувлар ихтиёрий бажарилмаган тақдирда суд томонидан ижро этилиши орқали, келишув битими институти механизмларининг ҳам судлов фаолиятида аҳмияти ортишига хизмат қилганлигини таъкидлаб ўтади [5, Б.27-28].

Шунингдек, Ҳ.Жўраев медиация институтини муросаи мадора сифатида баҳолаб, “медиация давлат томонидан моддий қиримларни талаб этмайди, чунки

томонларнинг ўзи тартиб-таомилни молиялаштирадилар, ишни кўриб чиқиш муддатини қисқартиришга имкон беради, чунки медиация регламентга солинган текширув доирасида амалга оширилади, судга мурожаат қилганда эса тарафлар ваколатини судга топширадилар, шунингдек суд тарафларнингдан бирининг фойдасига ҳал қилув қарори чиқарса медиатор ҳар икки тарафни қониқтира оладиган ечим топишга кўмаклашади, энг муҳими маълумотларнинг махфийлиги сақланишига хизмат қилади” эгаллигини таъкидлайди [6, Б.52-53].

Албатта юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда таъкидлаб ўтиш лозимки, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда вужудга келаётган низоларини суд тартибида ҳал қилиш кўп ҳолатларда тарафлар учун зиддиятни бартараф этишнинг энг маъқул воситаси ҳисобланмайди ҳамда кўпинча, сезиларли суд харажатларини, шахсий ва иш муносабатларига қайта тикланмас зарар етказди, шунингдек, низоли ҳолатларнинг исталмаган ҳолда ошкор бўлишига олиб келади. Айнан шу сабабларга кўра, умумий юрисдикция судларига келиб тушадиган низолар сонини камайтириш мақсадида ишларни ярашиш тартибида ҳал қилиш масаласи долзарб мавзу ҳисобланади. Жумладан, энг кўп учрайдиган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан бири саналган меҳнат низоларида ҳам иккала тарафни бир ҳилда муросага келтириш учун имкон ва шарт шароитлар бўлгани ҳолда судлар меҳнат қонунчилиги ва процессуал қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, албатта, иш берувчининг ёки ходимнинг манфаати доирасида ҳал қилув қарори қабул қилади. Тўғри, процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ судлар тарафларни келиштириш чораларини кўриши, улар бир тўхтамга келиб, келишув битими тузишга рози бўлсалар, уларнинг келишув битимини тасдиқлаши мумкин, бироқ, тарафларнинг аксарияти суд процессига киритиб келганидан бошлаб, албатта, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини устуворлигини таъминлашига ҳаракат қилишлари оқибатида улар ўртасида келишув битимининг тузилиши амалиётда бир мунча кам миқдорни ташкил қилади.

Ушбу ҳолат барча турдаги низоларда, уй-жой, оила, болалар тарбияси билан боғлиқ ишларда, барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларда кузатилиши мумкин. Чунки меҳнат қилиш ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустақамланган. Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш янги иш ўринларини яратиш борасида халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Юқоридаги вазифа ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йил 3 июлда ЎРҚ-482-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги [7] Қонуни қабул қилинди ва ушбу қонун билан эндиликда фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларга, шунингдек якка меҳнат низоларига ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, татбиқ этилиши белгиланди. Шунингдек, медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгилаб берилди.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 259-моддасига мувофиқ, якка меҳнат низолари — бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўлланиш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир. Бундай ҳолларда низонинг ходим манфаатини ифода этувчи тарафи бўлиб ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши мумкин. Ушбу Кодекснинг 269-моддасида бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилиши лозим бўлган меҳнат низолари кўрсатиб ўтилган бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

- 1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;
- 2) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;
- 3) улар ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса;
- 4) улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;
- 5) улар ушбу Кодекс 78-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса;
- 6) улар иш берувчи ва қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан бўлса.

Шу ўринда савол туғиладики, ушбу низолар медиация тартибида кўриб чиқилиши мумкинми? “Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг юқоридаги талабидан келиб чиқсак ушбу турдаги низолар медиация тартибида кўриб чиқилмаслиги лозим, чунки бу турдаги низолар бевосита судга тааллуқли саналади. Бироқ Меҳнат кодексида ушбу қоида мазкур турдаги низолар меҳнат низолари комиссиясида кўриб чиқилмаслигига оидлигидан келиб чиқсак ва ушбу турдаги низолар ҳам яқка меҳнат низолари саналишини инобатга олсак, медиация тартибида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ саналади. Бизнингча, келгусида турлича ёндашувларни олдини олиш мақсадида қонунчиликка шарҳ бериш ваколатига эга органлар томонидан ёки қонун қабул қилиш ваколатига эга органлар томонидан Қонуннинг 3-моддасига қуйидагича: “шунингдек яқка меҳнат низоларига, *шу жумладан Меҳнат Кодексининг 269-моддасидаги низоларга ҳам*”, деб шарҳ бериш ёки ўзгартиш ва қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу Қонуннинг 11-моддасида медиация тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган бўлиб, медиация тарафлари медиаторни ихтиёрий равишда танлашга, медиатордан воз кечишга, медиациянинг исталган босқичида унда иштирок этишдан воз кечишга, медиация тартиб-таомилини амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақли. Ушбу модданинг иккинчи қисмида медиация тарафлари ўз ўрталарида тузилган медиатив келишувни ушбу келишувда назарда тутилган тартибда ва муддатларда бажариши шартлиги белгиланган. Бироқ, Қонуннинг 29-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади. Юқоридаги икки моддадаги ҳолат бир-бирига зид келувчи нормалар саналиб, қонун чиқарувчи томонидан қандай ҳолатларда медиатив келишув мажбурий ижро этилиши, ёки қандай ҳолатларда ихтиёрий ижро этилиши масаласига ойдinлик киритилмаган. Бизнингча, Қонуннинг 11-моддасидаги норма тарафлар ўртасида медиация тартибини амалга оширишга оид келишув бўлиб, тарафлар бу борадаги келишув шартларини, келишув шартларига мувофиқ бажаришлари шарт.

Қонуннинг 29-моддасидаги ҳолат эса тарафлар ўртасида медиация таомили асосида тузилган медиатив келишув шартларига тааълуқли бўлиб, ушбу шартларни эса тарафлар ихтиёрий равишда бажаришлари мумкин. Бизнингча қонун чиқарувчи юқоридаги ушбу ҳолатни келгусида медиация

томонидан турлича талқин этилишини олдини олиш мақсадида бу икки модадаги нормага тегинча шарҳ бериши ва 11-модданинг иккинчи қисмини қуйидагича: *“Медиация тарафлари ўз ўрталарида тузилган медиатив келишувни ўтказиш тартибига оид келишувда назарда тутилган тартибда ва муддатларда бажариши шарт.”*, деб ўзгартиш ва қўшимча киритиши мақсадга мувофиқ бўлади ва бу норманинг турлича шарҳлашни олдини олишга хизмат қилади.

Сноски/Иқтибослар/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/3107036>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // URL: <https://president.uz/ru/lists/view/4057>
3. Ф.Маликов. Ўзбекистонда низоларни муқобил ҳал қилиш усуллари / Одил судлов. Ҳуқуқи, илмий-амалий журнал №11. 2020.
4. А.Мухаммадиев. Медиация-суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш омили / Одил судлов. Ҳуқуқи, илмий-амалий журнал №12. 2020.
5. Е.М Батухтина. К вопросу об исполнительной силе медиативного соглашения, удостоверенного нотариусом / Арбитражный и гражданский процесс. №11/2020.
6. Ҳ.Жўраев. Медиация – муроцаи мадора / “Ҳуқуқ ва бурч” №2 (158) /2019. <https://huquqburch.uz>.
7. 2018 йил 3 июлдаги ЎРҚ-482-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3805227>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ҚУЧҚАРОВ Хамидулло Абдурасулович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,
юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: kuchkarovk@bk.ru

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ВА СУД ТАРТИБИДА КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
ҚУЧҚАРОВ Х.А. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ВА СУД
ТАРТИБИДА КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald.
№ 1 (2021), Б. 140-150.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-13>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада меҳнат низоларини суд тартибида ва судсиз тартибда кўришнинг ўзига ҳос жиҳатлари, афзаллик ва муаммоли ҳолатлар, шунингдек, бу борада қонунчилигимизда мавжуд ҳолатларни тартибга солишга қаратилган нормаларни такомиллаштирига оид таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Ходим, иш берувчи, суд, судья, касаба уюшмаси, муддат, давлат божи, ҳал қилув қарори, ажрим, меҳнат низоси, комиссия, ижро ҳужжати.

КУЧКАРОВ Хамидулло Абдурасулович

Доцент Центра повышения квалификации юристов
при Министерстве юстиции Республики Узбекистан,
доктор философии по юридическим наукам (Phd)

E-mail: kuchkarovk@bk.ru

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДОСУДЕБНОГО И СУДЕБНОГО РАССМОТРЕНИЯ ТРУДОВЫХ СПОРОВ

АННОТАЦИЯ

В статье представлены особенности, преимущества и недостатки рассмотрения трудовых споров в судебном и досудебном порядках, а также предложения по совершенствованию норм, регулирующих существующих положений в нашем законодательстве.

Ключевые слова: Сотрудник, работодатель, суд, судья, профсоюз, срок, госпошлина, решение, определение, трудовой спор, комиссия, исполнительный документ.

KUCHKAROV Hamidullo

Associate Professor at the Lawyers' Training
Center under the Ministry of Justice of the Republic of
Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD) in Law

E-mail: kuchkarovk@bk.ru

ISSUES OF IMPROVING PRE-TRIAL AND JUDICIAL REVIEW OF LABOR DISPUTES

ANNOTATION

This article presents the specifics, advantages and disadvantages of dealing with labor disputes in court and out of court, as well as proposals to improve the rules governing the existing cases in our legislation.

Keywords: Employee, employer, court, judge, trade union, term, state duty, decision, ruling, labor dispute, commission, executive document.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг яхши яшаши учун муносиб шароит яратиш, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, бу борада суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қила оладиган мустақил давлат институтига айлантириш масаласига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлаб, “Хабарингиз бор, сўнгги 4 йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида дадил қадамларни кўйдик. Бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Адолат бу - давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Суд тизимида рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, фуқароларимизга суд биносига келиб юрмасдан, “онлайн” тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилади. Шунингдек, фуқаролар ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориши мумкин бўлади”, деб айтиб ўтдилар [1].

Меҳнат қилиш ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш янги иш ўринларини яратиш борасида халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020 йил декабрь ойида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги лойиҳаси асосида Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонда ишсизликни қисқартиришга қаратилган лойиҳа учун 93 млн АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишни маъқуллади [2].

Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари биргаликда ишлаб чиққан лойиҳага кўра, 60 минг фуқаро, шу жумладан, 48 минг банд бўлмаган аҳоли ўз касбий кўникмаларини яхшилаш имкониятига эга бўлади.

Айни вақтда ушбу каби масалалар долзарб бўлиб, бу жараёнда юзага келаётган муаммо нафақат иш ўринлари камлиги туфайли ишсизликнинг ортиб

бораётгани, балки иш билан таъминланган фуқароларнинг асосиз равишда ишдан бўшатилаётганлиги ҳамдир. Бунинг натижасида, иш берувчи ва ходимлар ўртасида ишга тиклаш масаласида кўплаб низолар келиб чиқмоқда. Судларда ушбу турдаги низоларни кўришда бир қанча муаммоларнинг мавжудлиги эса уларни тўғри ва адолатли ҳал қилишга тўсқинлик қилади.

Корхона, муассаса, ташкилотларда ходим ва иш берувчи ўртасида юзага келаётган келишмовчиликларни бартараф этишнинг турли йўллари мавжуд бўлса-да, аксарият низолар бевосита суд орқали ҳал қилинади. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида кафолатланганлиги инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишда суд ҳокимиятининг алоҳида ўринга эга эканлигининг исботидир.

Айниқса, меҳнат шартномасини бекор қилишга оид меҳнат низоларининг фақат судларга тааллуқли эканлиги, яъни бундай турдаги низолар фақат фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилиши судларнинг зиммасига янада кўп маъсулият юклайди.

Умумий қоидага кўра меҳнат низолари меҳнат низоларини ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари (судгача ва суд тартибида) мавжуд бўлиб, суд ва меҳнат низолари комиссиясига тааллуқли саналиши сабабли ушбу мақолада бу борадаги мавжуд муаммолар юзасидан айрим муаллифлик таклиф ва хуласаларимизи илгари сурамиз.

Меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришга тайёрлашнинг муҳим процессуал хусусиятлари мазкур туркумдаги ишни судда кўришга тайёрлаш учун махсус муддатларнинг жорий этилганлигидир. Хусусан, ФПКнинг 202-моддасига мувофиқ фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш ариза қабул қилинган ва фуқаролик иши кўзгатишдан кундан эътиборан ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши керак. Алоҳида ҳолларда, бу муддат ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан йигирма кунга узайтирилиши мумкин, бундан алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етказилганлиги, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар тўғрисидаги ишлар мустасно.

Меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни судда кўриш муддатларида ўзига хос процессуал хусусиятлар мавжудлигини алоҳида қайд этиш лозим. Жумладан, ФПКнинг 207-моддасига мувофиқ, меҳнат ишлари биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим. Қонунчиликда бундай талабнинг белгиланиши меҳнат муносабатлари иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқларини суд орқали тез фурсатларда ҳимоялашни назарда тутди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу норма талаби қачонки судлар томонидан моддий ҳуқуқ нормаларининг бошқа талабларига тўла риоя этганида юқоридаги вазифа амалга ошишига эришиш мумкин. Чунки ҳар қанча қонун нормасида ҳуқуқни муҳофазаловчи норма ўрнатилмасин, ишни кўриш вақтида моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя этилмаслиги келгусида низо субъектларининг ортиқча вақтини ва сарф харажатини ортишига олиб келади. Жумладан, Жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса-да, шартномани бундай розиликни олмай бекор қилишга йўл қўйилмаслиги Меҳнат кодексида белгиланган бўлсада айрим ҳолларда бу қоидага риоя этмаслик келгусида тарафларнинг оворагарчилигига ва ортиқча сарсон бўлишига олиб келади. Масалан, Г.М. жавобгар институтга нисбатан институт ректорининг буйруғини ғайриқонуний деб топиб, уни бекор қилиш ва ишга тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарарни ундириш ҳақида даъво билан судга мурожаат қилган.

Қуйи судларнинг қарорлари билан даъвони қаноатлантириш рад қилинган. Аниқланишича, даъвогар 2007 йилдан бошлаб меҳнат шартномаси асосида институтда кафедра ўқитувчиси вазифасида ишлаб келган. Институтнинг буйруғи билан тарафлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандига асосан 2018 йил 23 март куни бекор қилинган.

Даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди, огоҳлантириш хати ҳамда Институт бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раёсатининг йиғилиш қарори асос қилиб олинган.

Даъвогар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқни бекор қилиш, ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақини

ундириш ҳақидаги даъво аризасида асос сифатида уни ишдан бўшатишда меҳнат қонунчилигидаги бир қатор нормаларга риоя қилинмаганлиги, институтнинг бирлашган касаба уюшма кўмитасининг розилиги олинмаганлиги, унга йиғилиш ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма равишда хабардор қилинмаганлигини кўрсатган.

Қуйи судлар даъвои рад қилишда, даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ қонуний равишда чиқарилганлигига асосланган. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-15-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисидаги намунавий Низомнинг 9.2-бандида бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитасининг ваколатларида, жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масалани ҳал қилиши қайд этилган. Институт маъмурияти ва касаба уюшмаси ташкилоти ўртасида 2017-2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 3.4-бандида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши фақатгина касаба уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилиши кўрсатилган.

Таълим, фан ва маданият ходимлари институт бирлашган касаба уюшма кўмитаси Раёсатининг 2018 йил 12 мартдаги 1-3 “О”-сонли қарорида даъвогар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик берилган.

Даъвогар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда бирлашган касаба уюшмаси раёсатининг розилиги олинганлиги ҳолати юзасидан жавобгар вакиллари юқорида номи қайд этилган Низомнинг 9.4-бандида Раёсат сайланган касаба уюшма кўмитаси ўзининг айрим ваколатларини, шу жумладан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ваколати ҳам Раёсатга берилганлигини, касаба уюшмасининг айнан қандай ваколатларни раёсатга берганлиги Институт бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси йиғилиши баённомасида кўрсатилганлигини баён этган ва ушбу 2017 йил 3 апрелдаги баённомани тақдим этган.

Ушбу баённомада жамоа шартномасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчининг ташаббусига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик масаласини ҳал этиш касаба уюшмаси

қўмитаси йиғилиши баённомаси асосида раёсатга бериши қонун талабига зид деган хулосага келган.

Бундан ташқари, судлов ҳайъати томонидан бундай хулосага келишда, гарчанд, даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг 2018 йил 23 мартдаги 71-ш-сонли буйруғи билан бекор қилинган ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси раёсатининг 2018 йил 12 мартдаги 1-3 “О”-сонли қарори билан розилик берилган бўлса-да, ушбу қарор меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин, яъни 2018 йил 30 мартда институт бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси йиғилиш қарори билан қайтадан тасдиқланганлигини инобатга олган. Шунингдек, судлов ҳайъати касаба уюшмасининг йиғилиши ҳақида даъвогар тегишли тартибда хабардор қилинмаганлиги ҳақидаги хулосага келган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарорига асосан, масаласи кўрилатган ходим тегишли касаба уюшмаси органи мажлисида иштирок этиши учун етарли имконият яратилиши лозимлиги, ходимга йиғилиш ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма равишда (тилхат билан топшириш ёки почта орқали юбориш йўли билан) хабардор қилиниши шартлиги, ходим мажлисга узрли сабабларга кўра иштирок этмаганда, уни кўриб чиқиш кейинга қолдирилиши ва иш берувчига бу ҳақда маълум қилиниши, мажлисни кейинга қолдириш қонунда кўрсатилган муддат доирасида белгиланиши ва мазкур муддат давомида ходимнинг иштирокини таъминлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, мажлис унинг иштирокисиз ўтказилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддасига кўра, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.

Шунга кўра, Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилиги талабларига зид равишда бекор қилинган деб ҳисоблаб, 2019 йил 30 июлдаги ажрими билан суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилган [3].

Бу борадаги қонунчилигимиздаги яна бир муаммо шундаки, ФПКнинг 184-моддаси талабларига мувофиқ меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимларни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга

Ўтказилган ходимларни илгариги ишига тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида жавобгар тарафида ишда иштирок этиш учун ўз ташаббуси билан жалб қилиши шарт. Чунки аксарият ҳолларда иш берувчилар ўзининг шахсий манфаатлари ёки ғайриқонуний талабларини бажармаган ходимлар билан қонун талабларига зид равишда меҳнат шартномаларини бекор қиладилар. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 17 апрель 1998 йилдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида”ги 12-сонли қарорининг 52-банди талабларига мувофиқ ғайриқонуний меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимни ноқонуний бошқа ишга ўтказишни буйруғи билан амалга оширган мансабдор шахсни ишга жавобгар тарафидан учинчи шахс сифатида жалб этиш масаласини одатда судья ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ҳал этади, бу масала ишнинг суд мажлисида кўрилиш жараёнида ҳам ўз ечимини топиши мумкин. Мансабдор шахсни бундай жалб этиш иш бўйича жавобгарнинг вакили сифатида сўзга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Ишнинг кўрилиш вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабар берилган мансабдор шахс суд залига узрсиз сабабларга кўра келмаса ёки унинг ҳозир бўлмаслик сабаблари ҳақида маълумот бўлмаган тақдирда, суд бу шахснинг иштирокисиз ҳам ишни кўриши мумкин [4]. Юқоридан келиб чиқадики суд мансабдор шахсни ишда иштирок этишга жалб қилиши суднинг ихтиёрида бўлиб қолмоқда ваҳоланки ФПКнинг 184-моддаси талабларига кўра эса шартлиги белгиланган, шунга кўра Пленум қарорининг 54-бандини ФПКнинг 184-моддаси талабларига мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ ва бу келгусида регресс даъволар кўзғатилишини олдини олишга хизмат қилган бўлар эди.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига кўра, меҳнат низолари судларда кўрилишида, асосан келишув битими тузиш энг мақбул восита саналади ва бу суд харажатларининг камайишига хизмат қилади. Биз томонимиздан 2017 йилда нашр этилган “Фуқаролик суд ишларини соддалаштирилган тартибда кўришнинг тартиби ва шартлари” номли илмий мақоламизда, суд ишларини юритишда келишув битими тузиш, ёки ишни судгача ҳал этиш тартибларини янада такомиллаштириш судьяларнинг иш хажмини камайтириш билан бирга кўрилиши лозим бўлган суд ишларини сифатини ортишига хизмат қилиши таъкидлаб ўтилган [5, С. 52-56].

Айнан бизда ҳам меҳнат низоларини судда кўришнинг яна бир хусусияти

даъвогардан давлат божининг ундирилмаслигидир. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги қонунинг 19-моддасига мувофиқ, даъвогар давлат божини тўлашдан озод этилган тақдирда даъво қаноатлантирилса, давлат божи жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод этилмаган бўлса) давлат даромадига белгиланган даъво суммасига мувофиқ ундирилади. Ушбу моддада ёки бирор бир нормада тарафлар келишув битимини тузсалар, давлат божининг муайян қисми қайтарилишига оид норма мавжуд эмас. Бу ҳолат тарафларнинг келишув битими тузишига қисман бўлса-да монелик қилувчи ҳолатлардан саналади.

Юқорида айтганимиздек, меҳнат низолари нафақат судлар томонидан, балки меҳнат низолари комиссияси томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин, бунда қандай меҳнат низолари бевосита судга тааллуқлилиги масаласи қонунчилик билан белгилаб қўйилган. Тан олиб айтиш керакки, Меҳнат Кодексида меҳнат низолари комиссияси ваколатлари ва низони кўриб чиқиш 262-267-моддаларида белгиланган қоидалар асосида тартибга солиш белгилаб қўйилган бўлса-да, амалда ушбу органнинг фаолиятини ва унинг қарорининг қонуний кучи таъминлаш имкони мавжуд эмас. Бу ҳолат қуйидагилар билан бевосита боғлиқ бўлиб, аввало, меҳнат низолари комиссиясининг фаолиятига ташкилий раҳбарликни амалга оширувчи бевосита органнинг мавжуд эмаслиги, ҳеч бўлмаганда касаба уюшма кўмитаси сингари унинг юқори турувчи органлари томонидан унинг фаолияти мувофиқлаштирилмайди ёки фаолияти махсус ваколатли орган (масалан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан) назоратга олинмаган. Иккинчидан, касаба уюшма кўмитаси аъзоларининг келгуси меҳнат фаолиятини кафолатлаш Меҳнат кодекси ва “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунда белгилангани каби меҳнат низолари комиссияси аъзоларининг меҳнат ҳуқуқларининг кафолатига доир алоҳида норматив ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек уларнинг ҳуқуқий билимларининг оширилишига доир ўқув курсларига жалб этилмаслиги, энг асосийси, ҳар қандай вазиятда ҳам мазкур комиссия аъзолари иш берувчига ҳам моддий, ҳам маънавий қарам эканлиги билан изоҳланади. Қолаверса, улар томонидан қабул қилинган қарорнинг иш берувчи томонидан бажарилиши мажбурий тусга эга эмаслиги ҳам юқоридаги каби салбий ҳолатларни вужудга келтиради.

Меҳнат низоларини судда кўриш тартибини такомиллаштириш юзасидан бир қатор олимлар ўз таклифларини илгари сурганлар, жумладан, М.М.Мамасиддиқов ҳам судларни ихтисослаштириш ва меҳнат низоларини

кўрувчи алоҳида судларни ташкил қилиш масаласини илгари сурган. Унинг фикрича, меҳнат ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни кўриб ҳал қилувчи махсус меҳнат ишлари бўйича судларни ташкил этиш фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади [6, Б.16]. М.Мамасиддиқовнинг ушбу қарашларини инкор этмаган ҳолда судларни ихтисослаштириш бирмунча амалга оширилиши вақт ва маблағ жиҳатидан мураккаб жараён бўлганлигини, қолаверса судда ишни кўриш суд иш юритув тартибигагина эмас, энг муҳими, судьянинг билими ва малакасига боғлиқлигини инобатга олиб, биз судьялар корпусини ихтисослаштириш, фуқаролик судлари тизимида меҳнат низоларини кўришга ихтисослашган алоҳида судьялар корпусини шакллантириш мақсадга мувофиқ эканлигини илгари сураимиз. Ушбу ҳолатда судья доимий равишда меҳнат низоларини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар ва уларни амалиётга тадбиқ этиш механизмларини ўзлаштириш ва бу борадаги ўз амалий малакасини ошириб боришига имкон бўлади. Шу орқали келгусида Франция ва Германия сингари меҳнат низоларини коллегиял, яъни иш берувчи ва ходимлар вакил қилган шахслардан иборат судьялар кўрувчи коллегиял тизимини вужудга келишига эришишимиз мумкин бўлади.

Айни вақтда фуқаролик процессида суд ишларини қисқа муддатларда кўриб чиқилишига доир ислохотларнинг такомиллашувига салбий таъсир қилувчи омиллардан яна бири, қонунни тақбиқ этишга қаратилган механизмларда белгиланган бўшлиқлардир. Жумладан, 2019 йил 10 майда қабул қилинган 536-сонли “Бази давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги [7] Қонунининг 17-18-19-моддаларига мувофиқ ФПК, ИПКнинг 165-моддасининг бешинчи қисми биринчи жумласига ва МСиЮТКнинг 143-моддасининг тўртинчи қисми биринчи жумласига “суд ишларини юртиш иштирокчилари ва суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдлар қилиш, стенограмма юритиш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга” эканлигига оид ўзгартишлар киритилди, ФПКнинг 208 моддаси олтинчи қисми биринчи жумласига эса, бу мазмундаги ўзгартириш киритилмасдан “Суд процесси иштирокчилари ва суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдлар қилиш ҳуқуқига эга” эканлигига оид тушунарсиз бўлган ўзгартириш киритилди, ваҳоланки 2018 йилда кодекснинг янги таҳрирдаги матнида “ёзма қайдлар қилиш ҳуқуқи” суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳуқуқи

эканлиги мустақамланган. Бу борада яқин кўшнимиз бўлган Қозоғистон Республикаси ФПКга 2020 йил 10 июндаги № 342-VI-сонли “Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига судлар фаолиятини такомиллаштириш ва ортиқча ҳаражатларни олдини олиш тўғрисида”ги Қонунининг 23-бандига мувофиқ [8], фуқаролик процессуал кодексига “Электронний протокол” деб номланган янги 133-4-модда киритилди ва унга кўра эндиликда аудио ва видеоёзувлар суд муҳокамасида электрон протокол сифатида тан олиниши белгиланди. Бизнингча, фуқаролик судлов тизимимизда ҳам иқтисодий процесс ва маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчилари каби фуқаролик процесси иштирокчилари ҳам стенограмма ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши, процессда вақтнинг ва ортиқча ҳаражатларнинг олдини олиш билан бирга-одил судловни таъминлашга хизмат қилган бўлар эди.

Сноски/Иқтибослар/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // URL: <https://president.uz/ru/lists/view/4057>.
2. Осиё тараққиёт банки ишсизликни қисқартиришга қаратилган лойиҳа учун 93 млн АҚШ доллари ажратади. // URL: <https://review.uz/oz/post/osiyo-taraqqi-yot-banki-ishsizlikni-qisqartirishga-qaratilgan-loyiha-uchun-93-mln-aqsh-dollar-ajratadi>.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2019 йилнинг учинчи чорагида назорат тартибда кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти 6-1154-19-сонли иш. // URL: <http://sud.uz>.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 17 апрель 1998 йилдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида”ги 12-сонли қарорининг 52-банди. // URL: <https://nrm.uz/content>
5. Кучкаров Хамидулло Абдурасулович, [Порядок и условия упрощенного порядка гражданского судопроизводства / Арбитражный и гражданский процесс №5 – 2017. С. 52-56.](#) // URL: <http://lawinfo.ru/catalog/contents-2017/arbitrazhnyj-i-grazhdanskiy-process/5/>.
6. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. Т.: 2002.–160 б.
7. 2019 йил 10 майда қабул қилинган 536-сонли “Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Қонун // URL: <https://lex.uz/docs/4329305>
8. О внесении изменений и дополнений в Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан по вопросам внедрения современных форматов работы судов, сокращения излишних судебных процедур и издержек. 10 июня 2020 года № 342-VIЗПК. // URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=37932286

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази
директорининг ўқув-услубий ва илмий ишлар бўйича
биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

E-mail: abror_otajonov@mail.ru

КУШБАКОВ Дилшод Мусурмонкулович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «Маъмурий
ҳуқуқ» кафедраси катта ўқитувчиси, мустақил изланувчи

E-mail: d_kushbakov@inbox.uz

**МАСТЛИК ҲОЛАТИДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАРНИНГ
ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ
ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
ОТАЖОНОВ А.А. КУШБАКОВ Д.М. МАСТЛИК ҲОЛАТИДА ЖИНОЯТ
СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА УНГА
ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста –
Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 151-165.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-14>

АННОТАЦИЯ

Мақолада мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масалалари таҳлил қилинган. «Мастлик ҳолати» тушунчаси ва ушбу норма мазмуни билан боғлиқ бошқа ҳолатларни аниқлаштиришга доир изланувчиларнинг фикр-мулоҳазалари, статистик маълумотлар ҳамда мастлик ҳолатида жиноятлар содир этилишининг суд амалиёти ўрганилган. Натижада, мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги ва унга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш ҳамда мазкур турдаги жиноятларга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида «мастлик ҳолатида жиноят содир этиш» ҳолатини алоҳида жиноят таркиблари бўйича қилмишни оғирлаштирувчи таркиби сифатида кўзда тутиш нуқтаи назаридан кенгайтириш масалалари таклиф этилган.

Калит сўзлар: мастлик ҳолатида жиноят содир этиш, жиноят ҳуқуқида мастлик, оғирлаштирувчи ҳолат, алкоголь маҳсулотлар, руҳий ҳолат, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар.

ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович

Первый заместитель директора по учебно-методической и научной работе Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан,
доктор юридических наук, профессор
E-mail: abror_otajonov@mail.ru

КУШБАКОВ Дилшод Мусурмонкулович

Старший преподаватель кафедры административного права Академии МВД Республики Узбекистан,
самостоятельный соискатель
E-mail: d_ kushbakov@inbox.uz

УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЛИЦ, СОВЕРШИВШИХ ПРЕСТУПЛЕНИЕ В СОСТОЯНИИ ОПЬЯНЕНИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УГОЛОВНО-ПРАВОВЫХ МЕР ПО ИХ ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются особенности привлечения к уголовной ответственности лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения. Проведен анализ доктринальных источников, позволивших установить определение понятия «состояние опьянения», изучена

статистика, а также судебная практика совершения преступлений в состоянии опьянения. В результате предлагается совершенствование уголовно-правовых мер борьбы с противодействием преступлений в состоянии опьянения, а также выработана предложение расширения круга состава, где состояние опьянения являлось бы квалифицирующим признаком.

Ключевые слова: совершение преступления в состоянии опьянения, опьянение в уголовном праве, отягчающие обстоятельства, алкогольные продукты, состояние психики, наркотические вещества, психотропные средства.

OTAJONOV Abrorjon

First Deputy Director of the educational, methodological and scientific affairs of the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, professor

E-mail: abror_otajonov@mail.ru

KUSHBAKOV Dilshod

Independent researcher, Senior teacher of the Department of “Administrative law” of the Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan

E-mail: d_kushbakov@inbox.uz

CRIMINAL RESPONSIBILITY OF PERSONS COMMITTING A CRIME IN A STATE OF DRINKING AND IMPROVING CRIMINAL LEGAL MEASURES AGAINST THEM

ANNOTATION

The article discusses the features of bringing to criminal responsibility of persons who have committed a crime while intoxicated. The analysis of doctrinal sources, which allowed establishing the definition of the concept of «intoxication», studied the statistics, as well as the judicial practice of committing crimes while intoxicated. As a result, it was proposed to expand the range of compositions in which the state of intoxication would be a qualifying attribute.

Keywords: commission of a crime while intoxicated, intoxication in criminal law, aggravating factor, aggravating circumstances, alcoholic products, state of mind, narcotic substances, psychotropic drugs.

Айтиш керакки, мастлик ҳолатида жиноят содир этишнинг жиноят-ҳуқуқий хусусияти назария ва амалиётда баҳс-мунозараларга сабаб бўлувчи масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам мастлик ҳолатини жавобгарликнинг дифференция қилинувчи белгиси сифатида баҳолаш муаммоси муҳим амалий аҳамият касб этади.

Статистик маълумотларига кўра, 2020 йилда мамлакатимизда умумий жиноятчилик улушининг 3,1 фоизи мастлик ҳолатида содир этилган жиноят сифатида рўйхатга олинган. Мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларнинг 35 фоизи қасддан одам ўлдириш (ёки қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш), 45 фоизи баданга турли даражадаги шикаст етказиш, 57 фоизи транспорт воситалари ҳаракати ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларни ташкил этган. Албатта, бу ҳолат муҳим криминоген аҳамиятга эга ҳисобланади. Негаки, алкоголь ёки гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиш шахс руҳиятини кўзгалувчан ва тажовузкорлик ҳолатига олиб боради, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини танқид қилишнинг заифлашиши билан боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, мастлик ҳолати шахснинг ақлий ва жисмоний фаоллигини оширади, диққатни жамлашни қийинлаштиради ва инстинктларни сусайтиради. Шу маънода айтиш мумкинки, жиноят содир этиш вақтида мастлик ҳолати ўзига хос катализатор вазифасини ўтайди, шахснинг ижтимоий хавфли қилмишни амалга оширишга бўлган интилишини кўзғатади. Айни пайтда бундай ҳолатлар жиноят содир этган шахснинг руҳий ўзгаришлари туфайли ташқи омилларга нисбатан бўлган ижтимоий хавфини оширади. Бу эса, жиноят содир этилишида шахснинг мастлик ҳолатини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида тан олиш, бизнингча, адолатли ҳисобланади. Шу сабабли, амалдаги Жиноят кодексига (ЖК 56-м. «о» б.) мастлик ҳолатида жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. Қолаверса, Жиноят кодексининг 19-моддасида мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахслар жавобгарликдан озод қилинмаслиги белгиланган.

Айтиш керакки, тадқиқот натижалари ҳам мастлик ҳолатида содир этилган жиноятлар оқибатларининг оғирлигини ҳамда амалдаги жиноят қонунининг мастлик ҳолатида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи нормаларини амалда қўллашда айрим хато ва камчиликлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Жумладан, тадқиқот ишида қатнашган респондентларнинг 78 фоизи мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфилилиқ даражасини юқори, деб баҳоладилар.

Бундан ташқари, ўрганилган жиноят ишлар материаллари таҳлилига кўра, мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахсларнинг 67,3 фоизи жиноят

содир этиш вақтида ўз хотирасини қисман йўқотган ёки содир этаётган қилмишининг ижтимоий хусусиятларини тўла равишда англамаган ҳолда содир этган. Айни пайтда ҳуқуқни қўллаш амалиётида мастлик ҳолатида содир этилган жиноятлар бўйича фақатгина 9,3 фоизда тегишли равишда суд-психиатрик экспертизаси тайинланган ва қилмишга ушбу хулосалар асосида ҳуқуқий баҳо берилган. Шунингдек, судлар томонидан 32,8 фоиз ҳукмларда мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларнинг аниқ сабаблари кўрсатилмаган ҳолда бундай қилмишлар жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланмаган. Бу ҳолатни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Т., К., Б. ва Ж.лар К.нинг хонадонида биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилишади. Спиртли ичимлик истеъмол қилиш жараёнидаги қадаҳ сўзларидан бири бўйича келишмовчилик чиқиши оқибатида Б. ва Ж.лар ўртасида низо келиб чиқади ва у муштлашишга айланади. Шунда маст ҳолатда бўлган Т. ва К.лар Б.га қўшилиб, мушт ва оёқлари билан Ж.нинг боши ва танасининг турли жойларига бир неча бор тегиб, урадилар. Етказилган жароҳатлар натижасида Ж.нинг баданига оғир шикаст етказилади. Мазкур вазиятда мастлик ҳолати суд томонидан жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти ҳамда шахсларнинг ҳолатини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 56-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланади [19].

Бошқа бир жиноят иши бўйича Х. маст ҳолатда таниши, бирга яшовчи Н. билан жанжалиб қолади. Жанжал вақтида Н. ошхона пичоғини олиб, маст ҳолатда бўлган Х.ни урмоқчи бўлади, бироқ у зарбани қайтариб, пичоқни олиб қўяди ва ушбу пичоқ билан Н.га бир неча бор арба беради. Натижада етказилган жароҳатлар натижасида Х.га оғир шикаст етказилади. Х.нинг мастлик ҳолати ушбу вазиятда суд томонидан оғирлаштирувчи ҳолат деб топилмайди ва жазо тайинлашда инобатга олинмайди [20].

Шундай қилиб, мастлик ҳолатининг жиноий жавобгарликка таъсирини ҳисобга олиш бўйича суд амалиёти ҳақиқатан ҳам ноаниқ ривожланган, деган хулосага келиш мумкин. Аслида, бу жиноят қонунида муайян бўшлиқ мавжудлигини англатади, чунки баъзи ҳолларда мастлик ҳолати оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қаралади, бошқаларда эса бу ҳисобга олинмайди.

Айнан турдаги масалага турлича ёндошувнинг мавжудлигига, назаримизда, жиноят қонунининг мазкур соҳага тегишли нормаларини ҳуқуқий жиҳатдан мукамал эмаслиги, унда шахсни мастлик ҳолатига олиб келувчи усуллар, мастлик ҳолатининг оқибатларини баҳолаш каби масалаларини назарда тутувчи белгиларини тўлиқ равишда тартибга солинмаганлиги билан

изоҳлаш мумкин. Жумладан, амалдаги жиноят қонунида «мастлик» ёки «мастлик ҳолати» тушунчалари очиб берилмаган, шахснинг ихтиёрига қарши уни мастлик ҳолатига келтирилганлиги оқибатида ёки патологик мастлик ҳолатида содир этилган жиноий қилмишларга ҳуқуқий баҳо бериш масалалари ҳал қилинмаган. Бундан ташқари, мазкур турдаги масалалар юридик адабиётларда ҳам турлича ҳал қилинганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Л.В. Иногамов-Хегай «Алкоголь ёки бошқа нейротроп воситалардан заҳарланиш натижасида келиб чиқадиган ҳамда руҳий, вегетатив ва соматоневрологик бузилишлар мажмуи билан тавсифланадиган ҳолатларни, мастлик ҳолати деб тушунади» [17, Б.158]. Н.Г.Ивановнинг ёзишича эса, мастлик ҳолати, субъектнинг кўзғалиш ва тормозланишнинг дисгармонияга олиб келадиган аномаль ҳолатининг бир тури ҳисобланади [13, Б.224]. Назаримизда келтирилган биринчи фикрда мастлик ҳолатининг мазмуни қисман очиб берилган бўлса-да, бироқ унда шахсни мастлик ҳолатига олиб келган усулларига аҳамият берилмаган ва унинг юридик белгилари тўлиқ изоҳланмаган, иккинчи фикрда эса, шулар билан биргаликда мастлик ҳолатига олиб келувчи воситаларга аниқлик киритилмаган.

Шунингдек, мазкур муаммони ўрганган А.А.Гребеньковнинг қайд қилишича, мастлик ҳолати деганда, шахсда қуйидаги учта белгининг мавжудлиги билан аниқланадиган ҳолат тушунилиши керак: **расмий** (*алкогол ёки бошқа ақл-идроқка таъсир қиладиган воситаларни истеъмол қилиш*), **моддий** (*руҳий ўзгаришнинг мавжудлиги*) ва **сабабий** (*мазкур воситаларни истеъмол қилиш ва организм функцияларининг бузилиши ўртасида сабабий боғлиқликнинг мавжудлиги*) [7, Б.10]. Профессор М.Х.Рустамбаев эса, «Мастлик деганда, нафақат, алкоголь истеъмол қилишдан, балки интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир қилувчи, гиёҳванд, психотроп ва бошқа моддалар қабул қилишдан келиб чиққан ҳолат тушунилади» [14, Б.188], деб ёзади. Назаримизда ушбу фикрларда ҳам мастлик ҳолатини тўлиқ равишда очиб бериш борасида ўзига хос камчиликлар кузатилади. Масалан, биринчи фикрда мастлик ҳолати фақат руҳий ҳолатнинг бузилиши билан чекланган ҳолда очиб берилган, иккинчи фикрда мастлик ҳолатини келтириб чиқарувчи воситалар келтирилса-да, бироқ унда мастлик ҳолатининг инсон организмига таъсир кўрсатувчи жиҳатларига эътибор қаратилмаган.

Мазкур масалада, Е.А.Шищенко ва Ю.А.Самсоненколарнинг қайд қилишича, мастлик – бу ақли расо шахснинг алкоголь, наркотик ёки бошқа ақл-идроқка таъсир қилувчи воситаларни онгли равишда истеъмол қилиши натижасида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавфлилиги ва фактик хусусиятларини тўлиқ даражада англамаслик ёки бошқара олмаслик ҳолатидир [18, Б.5]. Айни ҳолда, ушбу таъриф мастлик ҳолатида бўлган

шахсининг ижтимоий ҳавфи ва унинг моҳиятини очиб беради. Чунончи, фактик равишда у шахсининг бу ҳолати натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатнинг аҳмиятини англамаган ҳолда онгли ва иродавий ҳаракатлари билан била туриб ёки билмасдан ўзини мастлик ҳолатига келтиришини англатади. Бироқ, мазкур таърифда мастликнинг оғирлик даражаларига аниқлик киритилмайди ҳамда унинг тиббий ва юридик мезонлари бўйича чекланган ақли расолик ҳолатига ўхшаш белгилар кўрсатилган бўлиб, бу ўз навбатида мастлик ҳолатини ундан фарқлашда тушунмовчиликларга олиб келади.

Муаммога ушбу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, мастлик ҳолати тушунчасини қонунчиликда ифодаланиши бу борадаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдиради, ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун мастлик ҳолати иборасини тўғри тушуниш ва қўллаш имконини беради, унинг жиноят-ҳуқуқий табиатини очиб беради. Шу сабабли, мазкур тушунчани ёритишда албатта шахсни мастлик ҳолатига олиб келувчи воситалари, усуллари ҳамда оқибатларига эътибор қаратилиши зарурдир.

Бизнингча, мастлик ҳолатига юқорида берилган тушунтиришлар ҳамда тадқиқот натижасида аниқланган мавжуд ҳолатлардан келиб чиқиб, уни қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ, яъни: *жиноят содир этиши вақтида шахсининг алкоголь маҳсулоти, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши ёки уларнинг таъсири остида ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) тўлиқ даражада англай олиши ва бошқариши қобилиятини йўқотиши, мастлик ҳолати деб топилди*. Демак, бундан келиб чиққан ҳолда мастлик ҳолатига олиб келувчи воситалар албатта алкоголь маҳсулотлари, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддалар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида» 2011 йил 5 октябрдаги Қонуни 3-моддасига мувофиқ, коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти, алкоголь маҳсулоти дейилади [2].

Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида» 1999 йил 19 августдаги Қонунининг 3-моддасида эса, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қуйидагича таъриф берилган: гиёҳвандлик (наркотик) воситалари – гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси

бўлган препаратлар ва ўсимликлар; психотроп моддалар – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

Гиёҳвандлик воситаларининг аналоглари деганда, кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёҳвандлик воситаларига ўхшаш бўлган, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар тушунилади [1].

Одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар деганда, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ёки прекурсорлар ҳисобланмаган, бироқ кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра, руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар ёхуд инсон ақл-идрокига гангитувчи (карахт қилувчи) таъсир кўрсатадиган маиший ҳаётда, ишлаб чиқариша, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда кенг қўлланиладиган, тобеликни вужудга келтирувчи турли моддалар тушунилади [8, Б. 948], [16, Б. 657].

Шу билан бирга, адабиётларда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг физиологик мастлик ҳолатига ҳуқуқий баҳо бериш ҳақидаги масала, шахснинг ақли расолиги, айбдорлиги ва жиноий жавобгарлик нуқтаи назаридан баҳс-мунозаралари ҳолатлардан ҳисобланади. Мисол учун, баъзи олимлар физиологик мастликнинг маълум бир даражаси ақли норасоликка сабаб бўлиши мумкин [3, Б. 240-241], деб ҳисоблашса, бошқалар эса мазкур ҳолат руҳий аномалия сифатида чекланган ақли расолик доирасида баҳоланиши керак [9, Б. 179]лигини тавсия қилишади. Шунингдек, бу борада яна бошқачароқ ёндашувни А.В. Наумов билдирган. Яъни: «Мастликнинг оддий ҳолати, ҳаттоки, агарда у шахснинг ўз ҳаракатларига баҳо бериш ва уларни бошқара олиш қобилиятини йўқотган тақдирда ҳам ақли норасолик доирасида кўриб чиқилиши мумкин эмас, чунки мазкур ҳолатда шахснинг онги ва иродасини жиддий равишда чеклаш ёки уни издан чиқарувчи даражада руҳий ҳолатнинг бузилишини ифодаловчи тиббий мезонлар мавжуд бўлмайди. Одатда, оддий мастлик (шу билан бирга унинг кўп тарқалган алкоголь мастлик шакли ҳам) алкоголь ва наркотик воситаларини ихтиёрий равишда истеъмол қилиниши натижасида келиб чиқади ва унинг оз миқдори ҳам айбдорнинг ҳулқ-атворини мастлик ҳолати деб топилишига олиб келади» [12, Б. 215].

Бинобарин, физиологик мастлик ҳақида гапирганда, тиббиётда унинг бир нечта турларга бўлинишини таъкидлаш керак. Масалан, Е.А.Таюрская мастлик ҳолатини қуйидаги учта турга ажратади, яъни: улардан *биринчиси*, алкоголь эйфорияси бўлиб, у оз миқдордаги алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганидан кейин пайдо бўлади ва одатда, дастлабки уч соат давом этади, унинг учун нутқ фаоллигининг ошиши, ҳулқ-атворнинг экспрессивлиги (қизиққонлиги),

диққатнинг бузилиши, реакция ва фикрлаш жараёнининг секинлашуви ва ўзига юқори баҳо бериш каби аломатлар хос бўлади.

Юқоридагилар билан бирга А.В. Рагулинанинг таъкидлашича, «баъзи ҳолларда оддий мастлик ҳолати ҳам шахснинг руҳий ҳолатини издан чиқаради. Шу сабабли оддий мастлик ҳолатида жиноят содир этган ақли расо шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги ҳақида шубҳа уйғонса, комплекс суд психологик-психиатрик экспертиза ўтказиш зарурдир» [10, Б. 36].

Олимлардан фикрларидан физиологик мастлик ҳолатини аниқлашга нисбатан икки хил ёндашув мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин: 1) бундай мастлик ҳолатини ақли расоликни истисно этмаган руҳий ҳолатнинг бузилиши, деб баҳолаш; 2) уни руҳий ҳолатнинг бузилиши деб ҳисобламаслик кераклиги билан изоҳланади. Демак, ақли расоликни аниқлашнинг асосий шарти шахснинг кучли алкоголь ёки наркотик мастлик ҳолатида ўз хулқ-атвори билан ақлий имконияти ва қобилиятини баҳолашида ифодаланади. Суд-психатрия маълумотларининг гувоҳлик беришича, мастлик ҳолатида галлюцинация-алаҳсираш кечинмалари ва психомотор кўзғалишлар кузатилмайди. Физиологик мастлик ҳолатида асаб фаолияти ва ўзини ўзи бошқаришни тўхтатиш жараёнини таъминлайдиган фаолият заифлашади. Бироқ бундай ҳолатдаги шахсда атрофдагилар билан алоқага киришиш қобилияти сақланиб қолади ва унинг ҳаракатлари мотивлашган хусусият касб этади. Оддий физиологик мастлик аста-секин юз беради.

Шахс алкоголь истеъмол қилиш ақл-хушига таъсир қилишини, руҳий ҳолатини издан чиқаришини, ҳаракатларини назорат қилишни сустрлашини ва унинг бошқа салбий оқибатларини англайди. Шахс алкоголь маҳсулотини истеъмол қилишни давом эттириб, ўз иродаси билан ўзини кучли мастлик ҳолатига келтиради. Аммо мазкур ҳолатда руҳий жараён бузилса-да, унинг иродасини издан чиқарадиган даражада касаллик ҳолатини келтириб чиқармайди.

Мастлик ҳолатида ақли расоликни истисно этмаган тарзда руҳий ҳолатнинг бузилиши рўй беради. Сабаби мастлик ҳолатида шахснинг қилаётган ҳаракатларини англаш ва ўзини идора этиш қобилияти пасаяди. Бунинг ўзи инсоннинг руҳий ҳолатини бузилишига олиб келади. Бироқ уларда руҳий ҳолат ўз фаолиятини тўлиқ йўқотмайди, улар қайсидир даражада нима қилаётганлигини тушунади ва ўз ҳаракатларини бошқара олади.

Мастлик ҳолати шахснинг ҳиссий ва иродавий соҳаларида тегишли нуқсонларни келтириб чиқаради, интеллектуал жараёнларга таъсир қилади ҳамда ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларини баҳолаш ва уларни онгли равишда бошқариш қобилиятини пасайтиради. Бироқ бундай ҳолатда шахс ўзини идора қилиш қобилиятини тўлиқ равишда йўқотмайди.

Албатта, нормал ҳолатда бўлган шахс ўз хатти-ҳаракатларининг салбий хусусиятларини, масалан, тажовузкорлик ва жаҳлдорликдан ўзини тийиб туриши мумкин, лекин мастлик ҳолатида мазкур шахс ўз хатти-ҳаракати устидан назоратни қисман йўқотади, унинг тажовузкорлик даражаси ошади, бу эса ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Худди шу шахс мастлик ва хушёрлик ҳолатида ўзини турлича тутади. Бироқ физиологик мастлик ҳолати вақтинчалик бўлиб, муайян вақт ўтиши билан шахсда хушёрлик аломатлари ва ўзининг хатти-ҳаракатини бошқариш қобилияти тикланади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, физиологик мастлик ҳолатида бўлган шахс ақли расо ҳисобланади.

Шундай қилиб, Жиноят кодексининг 19-моддасида назарда тутилган ҳолат (*мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жавобгарлик*) ушбу Кодекснинг 18¹-моддасида белгиланган ҳолатга (*ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахснинг жавобгарлиги*) нисбатан махсус норма ҳисобланади. *Шунинг учун мастлик ҳолатида шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини тўлиқ даражада англай олмаганлик ёки уларни бошқара олмаганлик ҳолатлари аниқланган ҳолатлар Жиноят кодексининг 19-моддаси доирасида кўриб чиқиши керак.* Шунингдек, мастлик ҳолатига тўғри ҳуқуқий баҳо берилишини таъминлаш, бу борада хатоликларга йўл қўймаслик учун қонунчиликда ҳар бир ҳолатда суд-психиатрик экспертизасини мажбурий равишда тайинланиши шарт қилиб белгиланиши керак.

Яна шуни таъкидлаш керакки, бир қатор тадқиқотларда мастликнинг алоҳида ҳолатлари жавобгарликни енгиллаштирувчи омили сифатида баҳоланиши, шу билан бирга, агар шахс онгли ҳаракатлари билан ўзини мастлик ҳолатига келтирса, жавобгарликни оғирлаштириши кераклиги ҳақидаги фикрлар билдирилган [6, Б.73]. [11, Б.138], [15, Б.122]. Масалан, бу борада И.Б.Бойконинг таъкидлашича, мастлик ҳолатида жиноят содир этиш жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида кўрсатилмасда, унинг муайян ҳолатлари жазони енгиллаштирувчи омили сифатида ҳисобга олинishi керак [4, Б.78]. Айни пайтда муаллиф мастликнинг шахсга унинг ихтиёрисиз равишда юзага келган ҳолатини жавобгарликни енгиллаштирилиши лозимлигини тавсия этади.

Мазкур масалада, бизнингча, тўғрироқ бўлган фикрни М.Б. Кострова таъкидлаб ўтган. Хусусан, у мастлик ҳолатида жиноят содир этишнинг ҳамда маст ҳолдаги шахснинг ижтимоий хавфи юқорилигини алоҳида таъкидлаб, унга қарши курашнинг қатъий ҳуқуқий чораларини белгилаш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, мастлик ҳолатида жиноят содир этиш жиноят қонунида оғирлаштирувчи ҳолатларга киритилган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш

амалиётида ушбу қонундан самарали қўллаш механизмлари мавжуд эмас. Чунки унда *биринчидан*, жазо тайинлашда шахснинг мастлик ҳолатида жиноят содир этиш фактини ва унинг шахсни тавсифловчи белгиларини инобатга олиш имконияти чекланади ва *иккинчидан*, мазкур қонун судларнинг дискрацион ваколатига тааллуқли ҳисобланади. Чунки қонун талабига кўра, судлар мастлик ҳолатини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши ёки топмаслиги ҳам мумкин. Бу эса ўз навбатида мазкур масалаларни кўриб чиқишнинг коррупцион ҳолатига сабаб бўлади. Шу боисдан, бу билан кутилган ва самарали натижаларга эришиш имконияти ўз долзарблигини йўқотади [11, Б. 147-148].

Юридик адабиётларда мастлик ҳолатини ҳуқуқий баҳоланиши ва унинг жинсий жавобгарликка таъсири баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масалалардан бири ҳисобланади. Албатта, мастликнинг турли ҳолатлари ва даражалари мавжуд бўлиб, улар шахснинг жисмоний ва руҳий ҳолатига турлича таъсир қилади. Масалан, патологик мастлик, мастликнинг алоҳида тури ҳисобланиб, у руҳий фаолиятнинг бузилишига олиб келади ва ақли расоликни истисно қилади [5, Б.147]. Шубҳасиз, мастликни ушбу шаклида ҳал қилувчи омил алкоголь ёки ақл-идрокка таъсир қилувчи воситаларни истеъмол қилишнинг миқдори эмас, балки шахснинг воқеъликни англаш қобилиятини ифодаловчи руҳий ҳолатининг бузилишида ҳисобланади. Чунки, патологик мастлик ҳолатида содир этилган ҳар қандай қилмиш, жиноят деб баҳоланмаслик керак, чунки бундай субъектлар ақли норасо деб топилади. Аммо, айтилган пайтда, амалдаги жиноят қонунда, патологик мастлик ҳолатини ақли норасо деб баҳолаш лозимлигини белгиловчи қонунда ўз ифодасини топмаган. Шу сабабли ҳам мазкур масала, фикримизча, қонунчилик даражасида ҳал қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, мастлик ҳолати қилмиш ва шахснинг ижтимоий хавфлилигини оширади. Бинобарин, мастлик ҳолати шахснинг асаб ва мия тизимининг нормал фаолиятини бузади. Маст ҳолатидаги шахсда ўзини ўзи назорат қилиш функцияси йўқола бошлайди ва одатда, маст ҳолатда бўлган шахс ижтимоий муносабатларга хушёр ҳолатдан кўра, амалда кўпроқ зарар етказиши мумкин. Аммо, мамлакатимизда бугунги кунда алкоголизм ва норкоманияга қарши курашишда, асосан, алкоголь маҳсулотларининг савдоси ва истеъмол қилинишини чекловчи ёки тақиқловчи чоралар асосида курашмоқда. Бироқ, унга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чораларига етарлича аҳамият берилмаган.

Шу сабабли ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётида мастлик ҳолатида содир этилган жиноятларга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ҳам унга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини янада такомиллаштириш мақсадида ҳамда бу борадаги ҳорижий тажрибани инобатга олиб, Жиноят кодексининг

19-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

19-модда. Мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жавобгарлик.

Жиноят содир этиши вақтида шахснинг алкоголь маҳсулоти, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши ёки улар таъсирида организмнинг психофизиологик функциясининг бузилиши, мастлик ҳолати деб топилади.

Мастлик ҳолатида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиши вақтида патологик мастлик ҳолатида бўлган шахс, агарда ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган бўлса, жавобгарликка тортилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» 1-сон қарорини қуйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилиши лозим.

11¹. Судлар мастлик ҳолатида содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ҳамда шахснинг хусусияти ва унинг мастлик даражасини ҳисобга олади.

Тушунтирилсинки, алкоголь мастликнинг енгил, ўрта ва оғир даражалари фарқланади.

Алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси 0,5дан 1,5гача промилле ёки шахсдан чиқарилган ҳаводаги этанол буглари концентрацияси кўрсаткичи 0,15дан 0,3гача миллиграмм миқдорда аниқланган бўлса, бундай ҳолат енгил даражадаги мастлик ҳолати деб топилади.

Алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси 1,5дан 3,0гача промилле ва ундан ортиқ бўлса ёки шахсдан чиқарилган ҳаводаги этанол буглари концентрацияси кўрсаткичи 0,3дан 0,5гача миллиграмм миқдорда аниқланса, бундай ҳолат ўрта даражадаги мастлик ҳолати деб топилади.

Алкоголь маҳсулотининг қондаги концентрацияси 3,0 промилле ва ундан ортиқ бўлса ёки шахсдан чиқарилган ҳаводаги этанол буглари концентрацияси кўрсаткичи 0,5 миллиграмм ва ундан ортиқ миқдорда аниқланса, бундай ҳолат оғир мастлик ҳолати деб топилади.

Инсон организмида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни мавжудлиги мастлик ҳолатини келтириб чиқаради. Ўз навбатида бундай ҳолат мастликнинг оғир даражасини ифода этади.

Эътибор берилмоғи лозимки, агар шахс алкоголь маҳсулотини гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва ақл-иродага

таъсир этувчи бошқа моддаларни ихтиёрий равишда истеъмол қилиши натижасида жиноят содир этган бўлса, бундай мастлик жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

Агар шахс бундай ҳолатга жисмоний ёки руҳий мажбурлаш оқибатида келган бўлса, ундай ҳолда мазкур вазият жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб қаралмаслиги лозим. Шу боисдан, судлар ҳар бир вазиятда «мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиши»ни жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолашда жиноят содир этган шахснинг мастлик ҳолатига қандай шароитда келганлигига аниқлик киритиши лозим.

Судлар мастлик ҳолатида содир этилган жиноятни жазонинг оғирлаштирувчи ҳолати деб топганда, жазонинг муддати ёки миқдорини Жиноят кодекси Махсус қисмининг ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг ярмидан кам бўлмаслигига аҳамият бермоғи лозим.

Маълумки, қонун чиқарувчи, ўз навбатида, ҳар қандай усулда аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган алкоголь маҳсулотларнинг аҳоли ўртасидаги муомалага чиқариш фоизини ушбу маҳсулотларни сотиш вақтини ва сотиб олиш ёшини чеклаш билан камайтиришга ҳаракат қилади ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишни тақиқловчи аниқ императив позицияга эга, бундан ташқари, ушбу ҳодисани мамлакат аҳолиси ва одамлари ўртасида йўқ қилиш бўйича доимий ишлар олиб борилади.

Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмида аниқ жиноий қилмишларни мастлик ҳолатида содир этилиши жиноят таркибининг оғирлаштирувчи ёки алоҳида алоҳида оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида кўрсатилмаган. Мазкур турдаги жиноятларга қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида мастлик ҳолатида жиноят содир этиш ҳолатини Жиноят кодексининг қасддан одам ўлдириши, қасддан баданга оғир шикаст етказиши, қасддан баданга ўртача оғирликда шикаст етказиши, қийнаш, хавф остида қолдириши, номусга тегиши, жинсий эҳтиёжни гайри-табиий усулда қондириши, мулкни қасддан нобуд қилиши, темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиши хавфсизлиги қоидаларини бузиши, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириши, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиши ёки эгаллаб олиши, транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиши хавфсизлиги қоидаларини бузиши, транспорт воситасини олиб қочиши, безорилик каби жиноятларнинг оғирлаштирувчи таркиблари сифатида назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги 813-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/86044>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги ЎРҚ-302-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/1880029>.
3. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат. Магистрлар учун дарслик. – Т.: Наврўз нашриёти. 2018. – 346 б.
4. Бойко И.Б. Алкогольное опьянение как обстоятельство, смягчающее наказание // Вестник юридического факультета Коломенского института (филиала) ФГБОУ ВПО «Московский государственный машиностроительный университет (МАМИ)». – 2013. – № 5. – С. 75-78.
5. Брылева А.С. Уголовная ответственность лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения // [Международный журнал гуманитарных и естественных наук](#). – 2019. – № 1-2. – С. 145-152.
6. Вторушина Ю.С. Состояние опьянения в системе норм общей и особенной частей УК РФ // Сибирский юридический вестник. – 2018. – №2 (81). – С.71-75.
7. Гребеньков А.А. Уголовная ответственность лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2009. – 52 с.
8. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри / Ш.Т. Икрамов, Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 1098 б.
9. Ибодуллаев З.Р. Асаб ва руҳият. Илмий-оммабоп рисола. 3-нашр. – Т.: Zamin nashr, 2018. – Б. 179-185.
10. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. Рарог А.И. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 648 с.
11. Кострова М.Б. Парадоксы российской уголовной политики усиления ответственности лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения // Lex Russica. – 2017. – №7 (128). – С. 137-150.
12. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть: Курс лекций. 2-е из., перераб. и доп. – М.: БЕК, 2000. – 572 с.
13. Российское уголовное право в 2 т. Т. 1. Учебник / Под ред. А.И. Рарога. – М., 2003. – 712 с. 14. Рустамбаев М.Х., Отажонов А.А. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Миллия гвардия Ҳарбий-техник институти, 2018. – 648 б.

14. Рустамбаев М.Х., Отажонов А.А. ва бошқ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, Миллия гвардия Ҳарбий-техник институти, 2018. – 648 б.
15. Семенцова И.А. Особенности уголовной ответственности лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения // Известия высших учебных заведений. Северо-Кавказский регион. Общественные науки. –2014. – №6. – С. 122-126.
16. Kühl K. Die Bedeutung der Rechtsphilosophie für das Strafrecht. Baden-Baden Nomos, 2001. – 815 p.
17. Уголовное право Российской Федерации: Учебник / Под ред. Л.В. Иногамовой - Хегай. Т. 1. Общая часть. – М.: Инфра - М, 2002. – 486 с.
18. Шищенко Е.А., Самсоненко Ю.А. Уголовная ответственность лиц, совершивших преступление в состоянии опьянения // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. – 2017. – № 129 (05). – С. 4-12.
19. Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 1-1006-1802/138-сон жиноят иши материаллари.
20. Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 1-1006-1803/150-сон жиноят иши материаллари.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АЛЛАНОВА Азизахон Авазхоновна

Тошкент давлат юридик университети

“Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши курашиш” кафедраси ўқитувчиси

E-mail: aziza9106@mail.ru

ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШ УЧУН ЖИНОЙИЙ ЖАВОБГАРЛИК: МУАММО ВА ТАКЛИФ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
АЛЛАНОВА А.А. ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШ ЁКИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА КИРИШ УЧУН ЖИНОЙИЙ
ЖАВОБГАРЛИК: МУАММО ВА ТАКЛИФ // Юрист ахборотномаси – Вестник
юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 166-174.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-15>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасида назарда тутилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг зарурати, чет элга чиқиш ва Ўзбекистон Республикасига киришнинг қонуний тартиблари ҳамда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири ЖК 223-моддаси 2-қисми “д” бандида назарда тутилган қилмиш таҳлил қилинган ва қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: чет элга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига кириш, жиноий жавобгарлик, давлат чегараси, чегарадан ўтиш, давлат чегарасининг дахлсизлиги, чегара хавфсизлиги, Ўзбекистон Республикасига кириш ҳукуқи белгиланган тартибда чекланган шахс.

АЛЛАНОВА Азизахон Авазхоновна

Преподаватель кафедры “Уголовное право, криминология и противодействие коррупции” Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: aziza9106@mail.ru

УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НЕЗАКОННЫЙ ВЫЕЗД ЗА ГРАНИЦУ ВЪЕЗД В РЕСПУБЛИКУ УЗБЕКИСТАН: ПРОБЛЕМА И РЕШЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы общественной опасности преступления, предусмотренного статьей 223 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Также, вопросы необходимости установления уголовной ответственности за незаконный выезд или въезд в Республику Узбекистан, и правовых процедурах выезда и въезда в Республику Узбекистан. Кроме того, проведён анализ одного из отягчающих обстоятельств, предусмотренного пунктом «д» части 2 статьи 223 УК, а также даны предложения по совершенствованию законодательства.

Ключевые слова: выезд, въезд в Республику Узбекистан, уголовная ответственность, государственная граница, пересечение границы, неприкосновенность государственной границы, пограничная безопасность, лицо, право на въезд в Республику Узбекистан ограничено в установленном порядке.

ALLANOVA Azizakhon

Lecturer at the the Department of Criminal law,
Criminology and Fight against Corruption
of Tashkent State University of Law

E-mail: aziza9106@mail.ru

CRIMINAL LIABILITY FOR ILLEGAL TRAIN OR DRIVING TO THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: PROBLEM AND PROPOSAL

ANNOTATION

This article contains information on the social danger of a crime provided for in Article 223 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, on the need to establish criminal liability for illegal exit or entry into the Republic of Uzbekistan, legal procedures for exit and entry into the Republic of Uzbekistan. One of the aggravating circumstances was the analysis of the act provided for by subparagraph "d" of paragraph 2 of Article 223 of the Criminal Code, and the development of proposals for improving the legislation.

Keywords: exit, entry into the Republic of Uzbekistan, criminal liability, state border, border crossing, inviolability of the state border, border security, person, the right to enter the Republic of Uzbekistan is limited in accordance with the established procedure.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда чегарадош давлатлар билан яқин қўшничилик алоқалари янада мустаҳкамланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “биз ўзимизнинг яқин қўшниларимиз Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон билан очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз деб, давлат сиёсатини қўшни давлатлар билан ҳамжиҳатчиликни мустаҳкамлаш йўналишида олиб бормоқда” [1, Б.17].

Ўзбекистон Республикаси чегарасидан ўтишнинг белгиланган тартиби чет давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик олиб бориш, чегара, божхона, санитар-карантин, ветеринар ва бошқа назорат турларини амалга ошириш, давлат мустақиллиги ҳудудий яхлитлиги, чегараларнинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш, чегара келишмовчиликларини тинч йўл билан ҳал қилиш, давлат сарҳадларида, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида ўрнатилган.

Шундай бўлса-да, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш орқали муҳим мақсадларни кўзлаб белгиланган давлат чегарасидан ўтиш қоидаларини бузиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бунинг оқибатида давлатда тартибсизлик юзага келиши, мамлакат хавфсизлиги, суверенитети ва тинчлигига раҳна солиниши, қонунга хилоф бошқа

қилмишларнинг ошиши, шунингдек, кўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларда салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабабчи бўлиши мумкин. Шу сабабдан ҳам, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги юқори бўлиб, бундай қилмишларга қарши курашиш ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Амалдаги Жиноят кодексининг 223-моддаси қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жиноий жавобгарлик ўрнатган бўлиб, ушбу жиноятлар таркибини батафсил таҳлил қилиш, мазкур жиноятларга қарши курашиш ва олдини олиш юзасидан профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бугунги кунда жиноий жавобгарлик ва жазо тайинлашни либераллаштириш жараёнида долзарб аҳамият касб этади.

Амалга оширилган ислохотлар ва томонлар ўртасида эришилган келишувлар асосида кўшни давлатлар билан давлат чегараларида мавжуд бўлган турли тўсиқлар бартараф этилди. Натижада, 2017-2018 йиллардан эътиборан ушбу соҳадаги жиноятчилик кўрсаткичларида кескин пасайиш ҳолатлари кузатилди.

Жумладан, 2014 йилда ЖК 223-моддаси билан 5 862 нафар шахсга нисбатан 3 970 иш кўриб чиқилиб, 3 225 нафар шахсга нисбатан жазо тайинланган бўлса, 2019 йилда 1154 (2015 йилда – 5954, 2016 йилда – 4737, 2017 йилда – 3655, 2018 йилда – 1942) нафар шахсга нисбатан **3849** (2015 йилда – 3849, 2016 йилда – 3260, 2017 йилда – 2 711, 2018 йилда – 1556)та иш кўриб чиқилиб, 861 (2015 йилда – 3319, 2016 йилда – 2582, 2017 йилда – 2306, 2018 йилда – 1372) нафар шахсга нисбатан жазо тайинланган [2].

Маълумки, давлат чегаралари муайян давлатнинг ҳудудлари ниҳоясини аниқ белгилаб беради. Давлат чегаралари дахлсиз ва уларнинг бузилиши давлат суверенитетининг бузилиши ҳисобланади [3, Б.136]. Ҳар бир давлат ўз чегаралари хавфсизлиги ва бузилмаслигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ҳукукига эга. Давлат чегарасида қонун орқали давлат томонидан ўрнатилувчи ёки чегарадош давлат билан келишган ҳолда ўрнатилувчи махсус чегара тартиби мавжуд. Кўшни давлатлар билан чегаралар шартнома ва қонун асосида белгиланади.

Давлат чегараси – бу давлатлар ҳудудини бир-биридан ажратиб турувчи, ер ва сув устидан ўтувчи чизиклардир [4, Б.114]. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси –

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (курукликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлигида) белгиловчи чизикдан ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат [5]. М.Ҳ.Рустамбаевнинг таъкидлашича, “давлат чегараси давлат суверенитети амал қиладиган ҳудуд доирасини белгилайди” [6, Б.309].

Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси иккинчи қисмида қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришнинг жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари келтирилган бўлиб, улардан бири ЖК 223-моддаси иккинчи қисмининг “д” банди, яъни Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан чегарани кесиб ўтилишидир.

2013 йил 4 январдаги Қонун орқали ЖК 223-моддаси 2-қисми “д” бандида жиноятнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан содир этилиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланди. Аммо, мазкур ҳолат юзасидан ҳалигача бирор тушунтириш берилмаган. Фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартибида мазкур масала юзасидан тегишли нормалар белгиланган. Хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасига келиши қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин, яъни Ўзбекистон Республикасига кириши мумкин эмас:

- а) миллий хавфсизлик ёки жамоат тартибини муҳофаза қилишни таъминлаш манфаатлари йўлида;
- б) агар бу Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса;
- в) агар шахс чет эл террорчи, экстремист ва бошқа жиноий ташкилотларнинг фаолиятига алоқадор бўлса;
- г) агар шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса ёки зарур ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;
- д) агар шахс илгари хорижий шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келиш-кетиш тартибини ҳамда бу ерда бўлиш қоидаларини, Ўзбекистон Республикасининг божхона, валюта ва бошқа қонунчилигини бузганлиги аниқланган бўлса;
- е) агар шахс касал бўлса ёки унинг саломатлиги жамият хавфсизлиги ва соғломлигига хавф туғдирса ҳамда ушбу касаллик Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга киритилган бўлса.

Аммо, шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасига кириш

хуқуқи чекланган шахсларнинг қилмишлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасидан чиқиш хуқуқи чекланган шахсларнинг ҳам қонунга ҳилоф равишда чегарадан ўтиши юқоридаги қилмиш билан бир хил хавфлилик хусусиятига эга қилмиш ҳисобланади. Қонунда эса, Ўзбекистон Республикасига кириш хуқуқи чекланган шахсларнинг қилмишлари учун жавобгарлик белгиланган, аммо Ўзбекистон Республикасидан чиқиш хуқуқи чекланган шахсларнинг қилмишлари учун жавобгарлик белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4079-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 39-бандига мувофиқ, хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштиришни рад этиш учун асослар белгиланган бўлиб, мантиқан ушбу рўйхатдаги шахсларни Ўзбекистон Республикасидан чиқиш хуқуқи чекланган шахслар тоифасига киради. Улар қуйидагилар:

а) агар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса – ишюзасидан узил-кесил суд қарори ёки бошқа қарор қабул қилингунгача;

б) агар шахс ички ишлар органларининг маъмурий назоратида бўлса – назорат тўхтатилгунгача;

в) агар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо ва шартли ҳукм қўлланилган бўлса – жазониўтаб бўлгунгача ёки жазодан ва шартли ҳукмдан озод қилингунгача;

г) агар шахсда суд томонидан юкланган ижро этилмаган мажбуриятлар бўлса – мажбуриятлар ижро этилгунга қадар, вояга етмаган болаларни таъминлаш учун алиментлар олдиндан тўланганлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг маълумотномалари билан тасдиқланган ҳолатлар бундан мустасно;

д) агар шахс ўзи тўғрисида қасдан сохта маълумотларни тақдим этган бўлса;

е) агар шахсга нисбатан ваколатли органларнинг мазкур шахс хорижда бўлганида борган мамлакатининг қонунларини бузганлиги тўғрисидаги ахбороти, шунингдек, хорижга чиқиши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи ахбороти (қонун бузилишлар рўйхати тегишли органлар томонидан белгиланади) мавжуд бўлса – у ҳисобга қўйилган кундан бошлаб икки йил ўтгунгача.

Шунингдек, фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидан чиқиш хуқуқи чекланган шахслар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартибда ҳам белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, хорижий фуқаронинг Ўзбекистон Республикасидан кетишига қуйидаги ҳолларда рухсат берилмайди: а) агар унинг кетиши давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига зид бўлса – кетишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларнинг амал қилиш муддати тугагунгача; б) агар шахсга нисбатан унинг доимий яшаш учун чет элга кетишига тўсқинлик қилувчи шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса – ушбу мажбуриятлар тўхтатилгунга қадар; в) агар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса – ишохирига етказилгунга қадар ёки унинг юзасидан суд қарори қабул қилинганга қадар; г) агар шахс жиноят содир этганлиги учун жазога ҳукм қилинган бўлса – жазониўтаб бўлгунгача ёки жазодан озод этилмагунгача; д) агар шахс унга суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортаётган бўлса – мажбуриятларнитўлиқ бажариб бўлгунга қадар; е) агар шахс ўзи ҳақида қасддан сохта маълумотлар берган бўлса; ж) агар судда шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси қўзғатилган бўлса – судтомонидан қарор қабул қилиниб ва у ижро этилгунга қадар.

ЖКда Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи чекланган шахсларнинг қилмишлари учун жавобгарлик белгиланганлиги, аммо Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқи чекланган шахсларнинг қилмишлари учун жавобгарлик белгиланмаганлигини инобатга олган ҳолда ҳамда юқоридаги таҳлиллардан хулоса сифатида ЖК 223-моддаси 2-қисми “д” бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида ЖК 223-моддаси 2-қисми “д” бандини тўғри қўллаш юзасидан тушунтириш бериш мақсадга мувофиқ:

“д) чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан содир этилган бўлса”.

Таъкидлаш жоизки, айрим жиноят ҳуқуқи дарсликларидида чет элга ғайриқонуний чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига киришни айбдор ўта зарурият бўлганлиги сабабли содир этган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмайди, деб баён этилган. Бизнингча, бундай қараш бироз мунозарали. Чунки, бу ҳолатда “ўта заруриятли” тушунчасининг ўзи мавҳумдир. Мазкур тушунча нисбий бўлиб, шахс учун бирор қилмишнинг зарурият даражаси вақт ва шароит оралиғида ўзгариб туради ҳамда уни баҳолаш жуда мураккаб ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам, бундай қараш, бизнингча, нотўғридир.

Фақатгина, қонунда белгиланганидек, сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш, агар тегишли субъектлар – чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби мавжуд бўлмаса, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига кириш ҳолати жиноятининг таркибини ҳосил қилмайди. Бошқа барча ҳолатларда, қилмиш жавобгарликка тортилиши лозим ва жазога сазовардир.

Шундай қилиб, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жинояти шахс Давлат чегарасини Ўзбекистон Республикасига кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқини берувчи ҳақиқий ҳужжатларсиз ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда олинган тегишли рухсатномасиз ёки улар мавжуд бўлганда, Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктидан бошқа жойда кесиб ўтган ҳолда мавжуд бўлади.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкунки, юқорида ЖКнинг 223-моддасини такомиллаштириш бўйича билдирган таклиф, ушбу соҳада амалиётда юзага келаётган ноаниқлик ва бўшлиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. (Mirziyoev Sh.M. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. T.1. - Tashkent: Uzbekistan, 2017)
2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 24 февралдаги 7/24-62-сон хати. / (Letter of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan No. 7 / 24-62 of February 24, 2020)
3. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. / Б.Мустафоев, Э.Ҳалилов, У.Бозоров ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Б.Мустафоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. (Constitutional law. Encyclopedic Dictionary. / B.Mustafoev, E.Khalilov, U.Bozorov and others. / Responsible editor: B.Mustafoev. - Tashkent: Uzbekistan, 2006)
4. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. / Нашр учун масъул: Р.А.Мухитдинов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2011. (Legal Encyclopedia of Uzbekistan. / Responsible for publication: R.A. Muhitdinov et al. / Responsible editor: N.Toychiev. - Tashkent: Adolat, 2011).

6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни. 820-И-сон 20.08.1999. // URL: <https://lex.uz/docs/31166> (Law of the Republic of Uzbekistan "On State Border". 820-I-son 20.08.1999. // URL: <https://lex.uz/docs/31166>).
7. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т.4. Махсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар: Дарслик. – Тошкент: Илм Зиё, 2011. (Rustambaev M.H. Course of Criminal Law of the Republic of Uzbekistan. T.4. Special section. Crimes in the field of economics. Crimes in the field of ecology. Crimes against the order of activity of the bodies of power, administration and public associations: Textbook. - Tashkent: Ilm Ziyο, 2011)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АЧИЛОВ Алишер Темирович

Давлат божхона қўмитаси Божхона институти
“Махсус-ҳуқуқий фанлар” кафедраси доценти, доцент
E-mail: achilov1976@mail.ru

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
АЧИЛОВ А.Т. ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА ТАШҚИ
ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН
ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ // Юрист
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 175–188.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-16>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, ижобий жиҳатларини миллий жиноят қонунчилигига жорий этиш бўйича мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: ташқи иқтисодий фаолият, жиноят қонунчилиги, божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари, контрабанда предметлари, юридик шахслар.

АЧИЛОВ Алишер Темирович

Доцент кафедры «Специально-правовых дисциплин»

Таможенного института Государственного

таможенного комитета, доцент

E-mail: achilov1976@mail.ru

ОСОБЕННОСТИ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЯ В СФЕРЕ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется опыт зарубежных стран касательно особенности ответственности за нарушение таможенного законодательства, связанного с внешнеэкономической деятельностью и предлагается внедрение их положительных аспектов в уголовное законодательство страны.

Ключевые слова: Внешнеэкономическая деятельность, уголовное законодательство, преступления нарушения таможенного законодательства, предметы контрабанды, юридические лица.

ACHILOV Alisher

Associate Professor of the Department of "Special
Legal Disciplines« Customs Institute State Customs

Committee, Associate Professor,

E-mail: achilov1976@mail.ru

PECULIARITIES OF LIABILITY FOR CRIMES IN THE FIELD OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY IN THE LEGISLATION FOREIGN COUNTRIES

ANNOTATION

The article analyzes the experience of foreign countries on the features of responsibility of liability for violation of customs legislation related to foreign economic activity and comments on the introduction of its positive aspects into the national criminal legislation.

Keywords: Foreign economic activity, criminal legislation, customs offenses, contraband items, legal entities.

Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий хусусиятларини миллий жиноят қонунчилигига жорий этиш жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири саналади. Бунинг сабаби шуки, миллий жиноят қонунчилигини хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилиги билан қиёсий ўрганиш унинг афзалликларини аниқлаш ва юртимизда жинойий қонунчиликни ривожлантириш истиқболларини чуқурроқ англаб етишга ёрдам беради. Шунингдек, қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш ва сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтаришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида суд-тергов амалиётида, жумладан мамлакатнинг жинойий-ҳуқуқий сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигидаги айрим нормаларнинг мукамал эмаслиги билан боғлиқ бўлган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинаётганлиги, хусусан, халқаро ҳуқуқ ва хорижий амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган [1].

Ташқи иқтисодий фаолияти (кейинги матнларда ТИФ) соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик билан боғлиқ масалалар кўпчилик хорижий мамлакатлар қонунчилигида долзарбдир. Бу факт ТИФ бугунги кунда аксарият мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ва ўзгарувчан соҳалардан бири эканлиги билан изоҳланади.

Мамлакатимиздаги ТИФ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг жинойий-ҳуқуқий нормаларини ҳар томонлама ўрганиш учун ушбу соҳадаги хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш орқали хорижий тажрибанинг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш имкониятини беради ва келгусида илғор хорижий тажрибани ўзимизга мослаштириш асосида қонунчилигимизни такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантириш мумкин бўлади.

Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари мавзусига оид нашр этилган тадқиқот ишларимизда, ушбу йўналишдаги қонун ҳужжатлари, илмий-тадқиқот ва услубий ишлар таҳлиллари асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун

хужжатларида “ТИФ соҳасидаги жиноят” тушунчасига таъриф берилмаганлиги, ушбу тушунчага ўзбекистонлик олимларнинг илмий адабиётларида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилмаганлиги ва *ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш жараёнида содир этиладиган жиноятларни ТИФ соҳасидаги жиноятлар*” эканлиги тўғрисида, шунингдек, Жиноят кодексининг(кейинги матнларда ЖК) бир қатор моддаларида жумладан, ЖКнинг 182-моддаси “Божхона тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш” жинояти бевосита ТИФ соҳасида содир этилса, ЖКнинг 175-моддаси “Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш”, 184-моддаси “Солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш”, 243-моддаси “Жиноий йўл билан киритилган даромадларни легализация қилиш”, 246-моддаси “Контрабанда” ва бошқа ТИФ билан боғлиқ жиноятлар ҳақида илмий мулоҳазалар билдирилган эди [2], [3], [4], [5], [6], [7], [8], [9], [10].

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик масаласида хорижий тажрибани ҳар томонлама таҳлил қилишимиз учун қуйидаги давлатларнинг қонунчиликларини ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик:

- англо-америка (Англо-саксон) ҳуқуқ оиласига мансуб мамлакатлар (АҚШ, Канада);
- анъанавий (қадимги урф-одатларга ёки узоқ вақт давомида ривожланиб келган ҳуқуқий одатлар тизимига асосланган) ҳуқуқ оиласига мансуб давлатлар (Япония, Хитой);
- роман-герман ҳуқуқ оиласига мансуб давлатлар (Германия, Чехия, Латвия, Эстония).

Кўриб чиқиладиган давлатларда тадқиқотимиз учун қизиқарли бўлган ташқи иқтисодий муносабатларни жиноий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтамиз. Хусусан:

Чет давлатларнинг **Англо-саксон ҳуқуқ оиласига мансуб** Канада ва АҚШ мисолида ТИФ соҳасидаги муносабатларни жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш хусусиятлари қуйидагича белгиланган.

1. Ушбу давлатларда ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар биздагидек Жиноят кодекси моддалари билан эмас, балки алоҳида турли норматив хужжатлар орқали тартибга солинади. Масалан, контрабанда ва одам савдоси учун жавобгарлик Канаданинг “Қочқинларни ҳимоя қилиш ва иммиграция тўғрисида” ги қонунининг 3-қисмида мустаҳкамланган (SC 2001, 27-бет) [11]. Шундай қилиб, муҳожирларнинг ноқонуний олиб кирилиши Канада Жиноят кодексининг қоидаларига кўра эмас, балки мамлакатда миграция муносабатларини тартибга солувчи алоҳида қонунга мувофиқ жазоланади.

Канада божхона қонунчилигига кўра, божхона тўловларини тўламаганлик учун, агар жиноят таркиби бўлмаса, жарима белгиланган [12]. Шунингдек, Канада Жиноят кодексида бир қатор ТИФ соҳасидаги жиноятлар учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган. Хусусан, Канада ЖКнинг 103, 104-моддалари билан ўқотар қуролларни мамлакатдан қонуний олиб чиқиш ва олиб киришни ҳимоя қилиш назарда тутилган. Бироқ бундай ҳаракатларни ноқонуний амалга оширганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларнинг асосий қисми Канада Божхона Актида ўз аксини топган [13]. "Таъқиқлар, жиноятлар ва жазолар" бобида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги божхона тўловларини тўламаслик (153-модда) ва контрабанда (159-модда) жиноятларини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Канада давлатида тамаки маҳсулотлари контрабандаси алоҳида эътиборга эга. Ушбу маҳсулотни ташиш 2001 йил Акциз солиғи тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади [14]. Ҳозирги кунда, Билль С-10 "Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги" қонунига асосан Канада Жиноят кодексига тамаки контрабандаси учун жавобгарликни белгиловчи қоида киритиш таклиф қилинмоқда [15]. Таклиф ушбу соҳада қонунбузарликларнинг кўпайиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Америка Қўшма Штатларининг жиноят қонунлари Канада қонунчилигидаги каби ТИФ соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни белгиламайди, аммо федерал қонунларда бундай нормалар ўз аксини топган. АҚШ Қонунлар Кодексида (U.S. Code) алоҳида "Жиноятлар ва Жиноят процесси" номли 27-бобининг 18-сарлавҳасида божхона қонунбузарликлари, шу жумладан товарларни контрабанда йўли билан олиб кириш ва олиб чиқиш учун (545, 554-бўлимлар) жавобгарлик белгиланган.

2. Канада ва АҚШ қонунчилигида "контрабанда" атамаси нафақат моддий объектларга, балки инсонларга, хусусан муҳожирларга нисбатан ҳам қўлланилади. Хусусан, Канада давлатида «Migrant Smuggling» тушунчаси мавжуд бўлиб, алоҳида қонунда инсонлар (мигрантлар) контрабандаси учун ҳам жавобгарлик белгиланган [16]. Бунда контрабанда нафақат инсонларни Канада ва АҚШ чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилишини, балки сохта иммиграция ҳужжатларини тайёрлаш ва сотишни ҳам назарда тутди.

Бундай жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилашда жиноий уюшмаларнинг ушбу фаолиятдан даромад олиши билан бирга, Канада ва АҚШ чегаралари хавфсизлигига таҳдид қилиш, кейинчалик улардан экстремизм ва терроризмни қўллаб-қувватлашда фойдаланиш каби жиҳатлари

эътиборга олинган ва албатта, ноқонуний олиб кирилатган муҳожирларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида бўлади. Бундай ҳолатни ташқи иқтисодий фаолиятнинг тажовуз объекти сифатида кўриб чиқилиши мутлақо тўғри эмас, чунки инсон ҳақида савдо ва ТИФ субъекти сифатида гапириш ўринсиздир.

3. Англо-Америка ҳуқуқ оиласига мансуб мамлакатлар қонунчилигида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалари бўйича ушбу жиноятларга суиқасд қилиш учун ҳам жавобгарлик бир хилда келиб чиқади. Маълумки, мамлакатимиз қонунчилиги бўйича жиноятга суиқасднинг ижтимоий хавфлилик даражаси камроқ ҳисобланиб, Жиноят қонунининг Махсус қисми нормалари таркибига кирмайди. Эътиборли жиҳати шундаки, Қонунлар Кодексига асосан АҚШга қарашли кемада контрабандани содир этганлик ёки уни амалга оширишга суиқасд қилганлик учун алоҳида жавобгарлик назарда тутилган (546-бўлим). Худди шундай Канада давлати Божхона Актининг 159-моддасида контрабандага суиқасд нормаси мавжуд.

4. Ушбу мамлакатлар қонунчилигида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар, хусусан, контрабанда жиноятининг моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган асосий тушунчалар батафсил ёритилган. АҚШ Қонунлари Кодексининг 27-бобида ишлатилган тушунчалар билан боғлиқ бўлган барча тушунтиришлар "контрабанда" (5-боб), "божхона хизматлари" (10-боб) ва бошқа бўлимларини ўз ичига олган "Божхона божлари" номли 19 сарлавҳасида берилган.

Канада давлати қонун чиқарувчиси томонидан Божхона Актининг 153-моддасида ушбу жиноятни қамраб олувчи барча ҳаракатлар ҳақида батафсил маълумот берилган, яъни контрабанда жиноятини содир этганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норманинг мазмун-моҳияти очиқ берилган. Канада қонунларида контрабанда предметларининг алоҳида рўйхати бўлмасида, қайсидир товар тақиқланганлиги ёки унинг олиб кирилиши қонун-ҳужжатлари билан тартибга солиниши белгиланган.

Шу ўринда, **анъанавий (қадимги урф-одатларга ёки узок вақт давомида ривожланиб келган ҳуқуқий одатлар тизимига асосланган) ҳуқуқ оиласига мансуб мамлакатлардаги ташқи иқтисодий муносабатларни жиной-ҳуқуқий муҳофаза қилиш хусусиятларини Хитой ва Япония мисолида кўриб чиқамиз.**

1. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг аксариятида ушбу давлатлар қонунчиликларига мувофиқ давлатга турли хил буюмларни

олиб кириш ва экспорт қилиш билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади. Гиёҳванд моддалар контрабандаси учун жавобгарлик Япония Жиноят кодексининг "Опий билан боғлиқ жиноятлар" деб номланган 14-бобида ўз аксини топган [17]. Хусусан, ушбу бобнинг учта нормасида қуйидаги ҳаракатлар, яъни: опийни олиб кириш ва унга боғлиқ бошқа ҳаракатлар (136-модда), опийни чекиш учун ишлатиладиган қурилмаларни олиб кириш ва бошқа шунга боғлиқ ҳаракатлар (137-модда), божхона ишларига масъул шахслар томонидан содир этиладиган опийни ёки чекиш учун ишлатиладиган қурилмаларни олиб кириш ва унга боғлиқ бошқа ҳаракатлар (138-модда) учун жавобгарлик белгиланган.

Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодексига ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солинадиган кўплаб нормалар мавжуд бўлиб, улар турли бобларда жойлаштирилган [18]. "Социалистик бозор иқтисодиёти тартибига қарши жиноятлар" номли 3-бобида "Контрабанда" деб номланувчи 2§ контрабанда учун жавобгарликни назарда тутувчи 7 та моддалардан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз ХХР қонун чиқарувчиси томонидан контрабандани иқтисодий жиноят деб таснифлаганлигини кўрамиз. Жиноят кодексининг 3-бобида экспорт божлари билан боғлиқ бўлган ТИФ соҳасидаги жиноятлар ҳам назарда тутилган. (6§ "Солиқ йиғиш тартибига қарши жиноятлар", 8§ "Бозор тартибига қарши жиноятлар").

ХХР қонун чиқарувчиси томонидан гиёҳванд моддалар контрабандаси ЖКнинг "Жамоат ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар" деб номланган 6-бобида алоҳида ажратиб кўрсатилган (7-§ "Гиёҳвандлик воситаларини контрабанда қилиш, сотиш, ташиш ва ишлаб чиқариш").

2. Ушбу давлатларнинг қонун чиқарувчиси ташқи иқтисодий фаолиятга қилинган тажовуз учун жиддий жавобгарликни белгилайди. Хусусан, Япония қонунчилигига биноан, гиёҳванд моддалар контрабандасини содир этгани учун жисмоний шахсларга 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси (138-модда), ХХР ЖКга биноан эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси (347-модда) назарда тутилган. Бу ушбу мамлакатларда ушбу жиноятлар учун жазонинг юқори даражадаги ролини кўрсатади.

3. Ушбу давлатлар жиноят қонунчилиги бўйича субъектлар нафақат жисмоний, балки юридик шахслар ҳам бўлиб, кўпинча норма тузилишида махсус субъект ҳам кўрсатилади. ХХРда юридик шахслар учун санкция сифатида жарима назарда тутилган бўлиб, ташкилот раҳбарлари ва бевосита жавобгар бўлган бошқа шахслар амалдаги тегишли нормаларда назарда

тутилган ҳар қандай санкцияга мувофиқ жазоланади (XXP ЖКнинг 151-моддаси). Япония ЖКнинг 138-моддасида махсус субъект сифатида божхона ишларини олиб боришга масъул бўлган ходим назарда тутилган.

Роман-герман ҳуқуқ оиласи доирасидаги ТИФ соҳасидаги муносабатларни жиноий-ҳуқуқий тартибга солиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, буни қуйида Германия, Латвия, Чехия ва Эстония мисолида таҳлил қилдик.

1. Бизни қизиқтирувчи нормалар жиноят қонунлари доирасида ҳам, бошқа норматив - ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мавжуд. Бундан ташқари, ТИФга қарши ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун жавобгарлик иқтисодий фаолиятни ҳимоя қилувчи бобларда ҳам, бошқаларда ҳам мавжуд бўлиб, бу нормалардаги тажовуз объектини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатади.

Германия Жиноят кодексида бир қатор ТИФ соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган, бундан ташқари, у Солиқ кодексида ҳам мустаҳкамланган. Германия Жиноят кодексига биноан қуйидаги ҳаракатлар жиноят ҳисобланади: расмий гувоҳномаларни тайёрлаш учун мўлжалланган ва қалбакилаштиришдан махсус ҳимояланган қоғозни ёки асл нусха билан аралаштирилиши мумкин бўлган қоғозни, шунингдек бундай ҳужжатларни тайёрлаш учун зарур бўлган турли хил қурилмаларни ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш (275§), сохта хизмат гувоҳномаларни ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш (276§), радиоактив моддалар ва бошқа хавфли моддалар ва манбаларни ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш (328§) [19]. Бундай буюмларни ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқишдан ташқари, ушбу нормаларда бошқа ҳаракатлар учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган.

Бундан ташқари, юқорида айтиб ўтилганидек, ТИФ соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик Германия Солиқ кодексида (Abgabenordnung) ҳам мавжуд [20]. Масалан, ушбу Кодекснинг 372-моддасига биноан предметларни божхона органларини хабардор қилмасдан Германия ҳудуди орқали ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш контрабанда ҳисобланади.

Латвия Жиноят кодексига кўра, ТИФ соҳасидаги муносабатларга путур етказувчи қуйидаги ҳаракатлар: контрабанда (190-модда), Латвия Республикаси чегарасидан таъқиқланган ёки махсус тартибга солинган товарлар ва буюмларни олиб ўтиш (190³⁵-модда), товарларни божхонада расмийлаштириш бўйича ноқонуний ҳаракатлар (191-модда), нақд пул маблағларини декларация қилишдан бўйин товлаш (195²-модда) жиноятлар ҳисобланиб, улар "Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар" номли XIX-бобда мустаҳкамланган [21].

Юқорида келтирилган нормалардан ташқари, Латвия ЖКда турли хил предметларни давлатдан олиб чиқиш ва олиб кириш учун жавобгарликни белгилайдиган бошқа моддалар ҳам мавжуд. ЖКнинг “Атроф-муҳитга қарши жиноятлар” номли XI бобида “хавфли чиқиндиларни Латвия Республикаси ҳудудига олиб кириш” (99-модданинг 3-қисми) ва “Ахлоқ ва жинсий эркинликка қарши жиноятлар” XVI бобида “порнографик ёки эротик мазмундаги материалларни олиб кириш, ишлаб чиқариш, тарқатиш” (166-модда), шунингдек, “Бошқарув тартибига қарши жиноятлар” номли XXII бобида - давлат архив фондларини, жамоат, кооператив ёки диний ташкилотларнинг ва бошқа юридик шахсларнинг архив фондларини, шу жумладан уларнинг нусхаларини рухсатсиз олиб чиқиш, уларни ўзлаштириш белгилари бўлмаса (277-модда) жиноят ҳисобланадиган нормалар мавжуд. Шундай қилиб, бундай иқтисодий фаолият бўйича тажовузлар учун жавобгарлик тўғрисидаги нормаларда ташқи иқтисодий элементлар мавжудлигини ҳам кузатамиз.

Эстония Пенитенциар Жиноят кодексининг “Иқтисодий жиноятлар” деб номланувчи 21-бобига жойлашган қуйидаги жиноятлар ташқи иқтисодий фаолиятга тажовуз қилувчи ҳаракатлар ҳисобланади: контрабанда (391§), махсус рухсатномани талаб қилувчи таъқиқланган товарларни ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш (392§), божхона назорати остидаги товарлар билан ноқонуний ҳаракатлар (393§)[22]. Эстония қонунчилигига асосан таъқиқланган товарларга – радиоактив моддалар, портловчи моддалар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, прекурсорлар, гиёҳвандлик бўлмаган дори воситалари, хавфли кимёвий моддалар ёки чиқиндилар, стратегик товарлар, ўқотар қуроллар ёки ўқ-дорилар киради.

Эстония давлат чегараси орқали предметларни олиб ўтиш боғлиқ жиноий тажовузларнинг навбатдаги гуруҳи гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлардир (I-бўлим, 12-боб).

Чехия жиноят қонунчилигида контрабанда учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар мавжуд эмас. Бу ҳолат мазкур давлат қонунчилигида 2009 йилдан бошлаб янги Жиноят кодекси қабул қилинганидан сўнг кузатилган. Шунга қарамасдан, қонун чиқарувчи, муқобил равишда ТИФ соҳасида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги бошқа нормаларни тақдим этади.

Чехия Республикаси Жиноят кодексининг “Иқтисодий жиноятлар” деб номланувчи IV бўлимида ТИФ соҳасидаги муносабатларни ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги моддалар келтирилган бўлиб, булар: 261§ “Хорижий

мамлакатлар билан муносабатларда товарлар муомаласидаги қонунбузарликлар”, 262§ “Икки томонлама фойдаланишга мўлжалланган технологиялар экспорт назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш”, 263§ “Икки томонлама фойдаланишга мўлжалланган товарлар ва технологияларни экспорт қилиш бўйича мажбуриятларнинг бузилиши”, 264§ “Икки томонлама фойдаланишга мўлжалланган технологиялар экспорти учун тасдиқловчи ҳужжатларни бузиб кўрсатиш ва сақлашдан бош тортиш”, 265§ “Ҳарбий материалларнинг ташқи савдоси билан рухсатнома ёки лицензиясиз шуғулланиш”, 266§ “Ҳарбий материалларнинг ташқи савдосига рухсатнома ва лицензиялар бериш қоидаларини бузиш”, 267§ “Ҳарбий материалларнинг ташқи савдоси билан боғлиқ бўлган тасдиқловчи ҳужжатларни бузиб кўрсатиш ва сақлашдан бош тортиш”, 268§ “Товар белгилари ва бошқа белгилардан ноқонуний фойдаланиш” [23]. Биз ушбу давлат жинойт қонунчилигида иқтисодий жинойтларга оид бўлим доирасида ТИФни тартибга солувчи нормаларнинг кўплигини кузатамиз. Чехия қонун чиқарувчисининг қонунчиликда ҳаракатларни жинойт предметиға эмас, балки, жинойий тажовузлар объектиға, хусусан ташқи иқтисодий муносабатларға нисбатан ажратганлиги диққатға сазовордир. Бундай жинойий ҳаракатлар учун максимал жавобгарлик 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони назарда тутлади.

Бундан ташқари, Чехия Республикасининг ЖКинойт кодексида муайян предметларнинг давлат чегараси орқали ўтказиш билан боғлиқ ташқи иқтисодий элементи мавжуд жинойтларни ҳам ўзига хос хусусият сифатида ажратиш мумкин, аммо бунда асосий тажовуз объекти мулкый муносабатлар ҳисобланади. Кўриб турганимиздек, Чехия Республикасининг Жинойт кодекси ҳам худди Ўзбекистон қонунчилиги каби турли предметларни давлат чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши учун жавобгарликларни белгилайди, бу эса нафақат давлатимиз, балки бутун дунё ҳамжамиятининг жинойий қонунчиликни ушбу соҳадаги жинойтларға қарши курашишдаги ўсиш тенденцияларини кўрсатади.

2. Роман-герман ҳуқуқ оиласи мамлакатларида ТИФ соҳасидаги жинойтлар учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалардаги жинойт предмети турлича бўлиб, кўпинча у аниқ бир тарзда ифодаланмаган.

Масалан, Германия Жинойт кодексининг нормаларига биноан, мамлакатдан ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш предмети хизмат гувоҳномаларни тайёрлаш учун мўлжалланган ва қалбакилаштиришдан махсус

химояланган қоғоз ёки асл нусха билан аралаштирилиши мумкин бўлган қоғоз, шунингдек бундай ҳужжатларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қурилмалар (275-§), сохта хизмат гувоҳномалари (276-§).

Латвия Жиноят кодексига асосан, давлат архив фондларини, жамоат, кооператив ёки диний ташкилотларнинг ва бошқа юридик шахсларнинг архив фондларини, шу жумладан уларнинг нусхаларини, рухсатсиз олиб чиқиш (277-модда) жиноят ҳисобланади.

Эстония Пенитенциар кодексининг 391-моддасида контрабанда учун жавобгарлик кўзда тутилган. Бироқ, ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш предмети қонун чиқарувчи томонидан белгиланмаган, фақат улар жуда кўп миқдордаги товарлар бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

3. Ушбу давлатларнинг ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи барча қонун ҳужжатларида контрабанда иқтисодий жиноят деб тан олинган бўлиб, бу ушбу қонунларда контрабанда учун жавобгарлик тўғрисидаги норманинг жойлаштирилганлиги билан тасдиқланади. Масалан, Латвия ЖКда контрабанда учун жавобгарлик тўғрисидаги норма “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” номли XIX-бобда, Эстония Пенитенциар кодексининг 391-моддаси “контрабанда” деб номланиб, “Иқтисодий жиноятлар” деб номланган 21-бобида мустаҳкамланган.

Хулоса ўрнида, юқоридаги таҳлиллардан қуйидаги хулосалар ва миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришимизга қаратилган ТИФ соҳасидаги жиноятларни жиноий ҳуқуқий тартибга солиш борасида айрим таклифларни билдиришимиз мумкин:

1. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатлар, биз кўриб чиққан барча мамлакатларда жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти сифатида эътироф этилади, бу эса ушбу ҳуқуқий муносабатларни иқтисодий сиёсатнинг етакчи йўналишларидан бири сифатида ҳимоя қилишнинг муҳимлигини ва зарурлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, бир қатор мамлакатларининг жиноий қонунчилигида контрабанда учун жавобгарлик, предметларнинг хусусиятига қараб бир нечта алоҳида нормаларга ажратилиб, тегишли бўлим ва бобларга жойлаштирилган. Бунга мисол сифатида ХХР ва Япония Жиноят кодексларини кўрсатишимиз мумкин. Ушбу тажрибани миллий қонунчилигимизда ҳам қўллаб, божхона соҳасидаги жиноятлар кўп объектлик хусусиятига эгаллиги сабабли ташқи иқтисодий фаолиятга тажовуз қилишини ҳам эътиборга олиб, ЖК 246-моддаси “Контрабанда” жиноятини дифференциялаш, яъни ушбу моддадаги турли хил

предметлар нимага тажовуз қилишини эътиборга олиб, бир нечта нормаларга ажратиш ва айрим контрабанда ашёларига боғлиқ ЖК моддалари диспозициясига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Кўпгина хорижий мамлакатларда турли жиноий тажовузлар учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг тавсифловчи хусусияти ҳисобланган – предметларни олиб кириш ёки олиб чиқишни ўз ичига қамраб олади. Бунга мисол сифатида ХХР, Латвия, Чехия Республикалари Жиноят кодекслари ва Эстония Пенитенциар кодексини келтиришимиз мумкин. Ушбу факт миллий қонунчилигимизда ҳам жиноятлар таркибининг шу тарзда кенгайиш тенденцияси кузатилишидан далолат беради.

Шунингдек, бир қатор хорижий мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар учун жиноий жавобгарлик нафақат маълум бир давлатнинг Жиноят кодексига, балки бошқа қонун ҳужжатларида, масалан, Канаданинг "Қочқинларни ҳимоя қилиш ва иммиграция тўғрисида"ги қонуни, Канада Божхона Акти, АҚШ Қонунлари Кодекси, Германия Солиқ кодекси ва бошқаларда ўз аксини топган.

3. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг халқаро хусусиятини инобатга олган ҳолда, ушбу жиноятни такроран содир этилганлик белгиси, бизнинг фикримизча, жиноятни тавсифлашда муҳим аҳамиятга эга, чунки турли хил товарлар ва ашёлар контрабандаси билан шуғулланувчи шахслар кўпинча бир хил жиноятларни содир этганлик учун судланади. Шу боис, ушбу жиноятни такроран содир этганлик белгисини миллий қонунчилигимизда ҳам тадбиқ этишимиз ва жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилишда инобатга олишимиз керак, деб ҳисоблаймиз, чунки бундай норма аллақачон бир қатор халқаро жиноий ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган. Ушбу институтни миллий қонунчиликда акс эттириш, албатта контрабандага қарши курашиш самарадорлигини янада оширади.

4. Юқоридаги таҳлиллар ва ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, кўпгина ривожланган мамлакатларда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини қўллаш амалиёти нафақат мумкин, балки баъзан зарур, айниқса иқтисодиёт ривожланиб борган сари, нодавлат ва ноижорат субъектлар қўлида тобора кўпроқ капитал тўпланишини назарда тутаяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш” Концепцияси талабларидан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштиришга

қаратилган илғор хорижий тажрибанинг юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш институтини миллий қонунчилигимизга имплементация қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунда Жиноят кодексига иқтисодий, шу жумладан божхона соҳасидаги жиноятлар учун юридик шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгилаш ва жазо тариқасида жарима қўллаш, жарима миқдорини ҳуқуқбузарлик содир этган юридик шахс томонидан етказилган зарар миқдоридан келиб чиқиб белгилаш таклиф қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясини амалга оширишдан кутилаётган натижалар жиноят қонунчилигини жаҳон ҳамжамиятининг жадал ривожланиш тенденцияларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимояси, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашни инобатга олган ҳолда янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси” // URL: <https://lex.uz/docs/3735818> (Resolution President of the Republic of Uzbekistan “On measures for cardinal improvement of the system of criminal and criminal procedural legislation” No.3723, dated May 14, 2018// URL: <https://lex.uz/docs/3735818>)

2. А.Ачиллов. “Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини жиноий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш”. Монография.Т.: “IMPRESS MEDIA” МЧЖ. 2020 й.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. // URL: <https://www.lex.uz/docs/111453> (Criminal Code of the Republic of Uzbekistan URL: <https://www.lex.uz/docs/111453>)

4. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. // URL: <https://www.lex.uz/docs/2876354> (Customs Code of the Republic of Uzbekistan. // URL: <https://www.lex.uz/docs/2876354>)

5. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрдаги “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-502-сонли Қонуни, // URL: <https://lex.uz/docs/4000640> (Law of the Republic of Uzbekistan "On State Customs Service" No. 502 18.10.2018. // URL: <https://lex.uz/docs/4000640>)

6. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги 77-II-сонли Қонуни (янги таҳрири) // URL: <https://www.lex.uz/docs/67345> (Law of the Republic of Uzbekistan “On foreign economic activity” (new edition), No. 77-II, May 26, 2000 // URL: <https://www.lex.uz/docs/4538627>)

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 18-сонли Қарори // URL <https://www.lex.uz/docs/2259789>. (Resolution of the plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan “On judicial practice in cases on violation of customs legislation and smuggling” No.18, September 6, 2013. // URL <https://www.lex.uz/docs/2259789>).

8. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Маъсул муҳаррир: Ш.Т.Икромов / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: «Адолат», 2018.

9. Рустамбоев М.Х., Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 4-том: Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар. ОТМ учун дарслик. - Т.: «ILM ZIYO» нашриёт уйи, 2011.

10. Международное уголовное право. Под общей редакцией А.В.Бриллиантова.- Москва.Юрайт.2017

11. Канада ҳукуматининг расмий сайти /Закон о защите беженцев и иммиграции. // URL:<http://laws.justice.gc.ca/eng/acts/i-2.5>

12. <https://www.gov.uk/government/publications/excise-notice-300-customs-civil-investigation-of-suspected-evasion>

13. Таможенный акт Канады. // URL: <http://laws-lois.justice.gc.ca/PDF/C-52.6.pdf>

14. Сайт справедливых законов / Закон об акцизах. // URL: <http://laws.justice.gc.ca/eng/acts/E-14.1/>

15. Сайт антиколониального комитета / Билль С-10: Закон о внесении изменений в Уголовный кодекс. // URL:

<http://anticolonialcommittee.org/2014/03/28/bill-c-10-an-act-to-amend-thecriminal-code/>

16. Perrin B. Migrant Smuggling: Canada’s Response to a Global Criminal Enterprise // International Journal of Social Science Studies. 2013. № 1(2). P. 139–153 // URL:

<http://redfame.com/journal/index.php/ijsss/article/view/162>.

17. Уголовный кодекс Японии / науч.ред. и предисл.д-ра юрид.наук, проф. А.И.Коробеева. Санкт-Петербург, 2002. С.91–92 // URL:

<https://www.dvfu.ru/library/ukazateli/KorobeevAI.pdf>

18. Уголовный кодекс КНР. // URL: <http://ukknr.ucoz.ru/>

19. Уголовный кодекс Германии // URL: <http://www.gesetze-im-internet.de/stgb/>

20. Налоговый кодекс Германии // URL: http://www.gesetze-iminternet.de/ao_1977/index.html

21. Уголовный кодекс Латвии // URL:http://likumi.lv/doc.php?id=88966&version_date=

22. Пенитенциарный кодекс Эстонии. // URL: <https://www.riigiteataja.ee/akt/12792390>

23. Уголовный кодекс Чехии // URL: <http://www.zakonyprolidi.cz/cs/2009-40>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

НУРМУҲАММЕДОВА Гўзалхон Баходировна
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия
Ҳарбий-техник институти катта ўқитувчиси
E-mail: xti_ng1010@mail.ru

КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: УСУЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
НУРМУҲАММЕДОВА Г.Б. КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ:
УСУЛЛАРИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник
юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 189-201.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-17>

АННОТАЦИЯ

Мақолада асосий эътибор коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг профилактикаси масалаларига қаратилган бўлиб, ушбу турдаги жиноятларни профилактикаси, усуллари ва механизмлари назарий хулосалар, хорижий давлатлар тажрибалари асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: коррупция, профилактика, коррупцияга қарши курашиш, устувор йўналишлар, қонун.

НУРМУҲАММЕДОВА Гузалхон Баходировна
Старший преподаватель Военно-технического института
Национальной гвардии Республики Узбекистан
E-mail: xti_ng1010@mail.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ПРОФИЛАКТИКИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ СВЯЗАННЫХ С КОРРУПЦИЕЙ: МЕТОДЫ И ПОДХОДЫ

АННОТАЦИЯ

Основное внимание в статье уделяется профилактике по борьбе с коррупцией, изучены теоритические методы и механизмы этого вида преступления на основе опыта зарубежных стран. Даны предложения по их совершенствованию.

Ключевые слова: коррупция, профилактика, противодействие коррупции, приоритетные направления, право.

NURMUKHAMMEDOVA GUZALKHON

Senior lecturer of the Military Technical Institute

National Guard of the Republic of Uzbekistan

E-mail: xti_ng1010@mail.ru

IMPROVEMENT OF CORRUPTION CRIME PREVENTION MECHANISMS: METHODS AND DIRECTIONS

ANNOTATION

The main attention in the article is paid to the prevention and fight against corruption, the theoretical methods and mechanisms of this type of crime are studied on the experience of foreign countries.

Keywords: corruption, prevention, anti-corruption, priority areas, law.

Дунёнинг ҳеч бир давлати ўзида коррупция мавжуд эмаслигини иттиҳон қила олмайди. Бугунги кунда, коррупциянинг умумэтироф этилган таърифи, баҳолаш методикаси ва унга қарши кураш борасида ягона тўхтамга келинмаган. Мазкур ҳолатда, коррупциянинг моҳиятини тўғри англаш, баҳолаш ва унга қарши курашни самарали ташкиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш мураккаб муаммога айланиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, коррупция жаҳон иқтисодиётига ҳар йили ўртача 2,6 триллион доллар зарар келтиради [1]. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Кенгаши, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти ва Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш йўллари ишлаб чиқиш ҳамда аъзо мамлакатлар томонидан кенг қўллаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўраётганлигига қарамасдан, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш юзасидан Халқаро Галлап институти (American Institute of Public Opinion, Gallup), Базель кўмитаси, ИНДЕМ фонди

(INDEM foundation) ва «Transparency International» халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган кенг кўламли тадқиқотларга қарамай коррупцияга қарши курашиш долзарб эканини таъкидлаганлар.

Жаҳонда мамлакатларнинг коррупциялашганлик даражасини таҳлил қилувчи ва йил якунида ўз ҳисоботини эълон қилиб боровчи халқаро нодавлат ташкилоти – Transparency International Corruption Perceptions Index (CPI)нинг 2020 йил якунлари бўйича ҳисоботида 180 та давлатнинг 2/3 қисмидан кўпи 50 дан паст балл тўплашган, ўртача натижа 43 баллни ташкил этган [2]. Дунёда коррупция жамиятнинг барча қатламларида ва ҳокимиятнинг барча тармоқларида кенг тарқалган. Коррупциянинг ижтимоий тараққиёт, бозор муносабатлари ҳамда демократик институтларнинг шаклланишида асосий тўсиқ бўлиб қолаётганлиги ташвишланарли. Инсоният тараққиётига хавф солаётган коррупция дунё ҳамжамиятининг ушбу муаммога нисбатан ташвиш даражасини белгилаб берди. Бу эса, коррупцияга қарши халқаро ташаббусларда, коррупцияга қарши кураш бўйича фундаментал халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқишда ўз ифодасини топди.

Transparency International Corruption Perceptions Index (CPI) 2014 йил эълон қилган маълумотда Ўзбекистон коррупциялашган давлатлар рўйхатида 185 та мамлакатдан 166-ўринни эгаллаган. Минтақада эса Туркманистондан кейин, иккинчи ўринда эътироф этилган. Орадан икки йил ўтиб, давлат коррупция рейтингига 10 поғона юқорилади, аммо 2017 йилда Ўзбекистон 157-ўринда, 2018 йилда 158-ўринда эътироф этилди. Шунга қарамасдан алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида 2019 йил хулосаларига кўра Ўзбекистон 153-ўринга ва 2020 йилда 146-ўринга [2] кўтарилишга эришган бўлсада, бу иллат ҳали барҳам топмаган.

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари, ташкилий тузилмаси ва амалга ошириш стратегияси белгиланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [3] да коррупцияга қарши курашиш алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланди. Коррупцияга қарши курашишни самарали ташкиллаштириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Ижтимоий сўровда қатнашганларнинг 46 фоизининг мамлакатда коррупция

даражасини юқори даражада деб баҳолаганлиги республикада коррупцияга қарши кураш муаммоси жиддий эканлигидан далолат беради. Шунингдек, республикада 2020 йилнинг ўн ойи ҳолатига кўра, 327 та жиноят иши бўйича 459 нафар мансабдор шахслар жавобгарликка тортилганлиги, ушбу жиноятлар натижасида етказилган зарар миқдори 172 млрд. 260 млн. сўмни ташкил этганлиги ҳам коррупцияга қарши курашиш аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда [4].

Янги Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бошиданок бутун давлат ҳокимияти тизимида, унинг алоҳида бўғинларида коррупцияга қарши курашиш алоҳида устувор вазифа эканлиги эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт. Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур. Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга нисбатан мурасасиз бўлиш ғоясини фарзандларимизга ёшлик давридан бошлаб сингдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат ва тадбиркорлик орқали даромад топишни ўргатишимиз лозим” [5] лигини таъкидлаган эди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [3] ўзининг туб моҳияти билан айнан коррупцияни таг-томири билан йўқ қилишга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди. Унда барча соҳаларда коррупцияга барҳам бериш, унинг илдиз отишига шароит яратаётган сабабларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар баён қилинди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони [6] қабул қилинди. Мазкур Фармон билан 2019 – 2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича иккинчи Давлат дастури тасдиқланди.

Коррупцияга қарши кураш самарадорлиги ҳақида сўз юритилганда, авваломбор курашнинг мақсадини аниқлаб олиш муҳимдир. Қарши кураш реал ҳолатга асослангандагина ўзининг самарадорлигини кўрсатади. Фикримизча, коррупцияга қарши курашнинг мақсадини аниқлашда, умумий (бош мақсад) ва аниқ вазиятга асосланган (муайян муддат ичида) мақсадга ажратиш мумкин. Умумий мақсад дунёдаги барча давлатларга хос бўлган коррупцияга қарши

кураш чораларини қамраб олади. Аниқ вазиятга асосланган мақсад муайян давлатнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига хос бўлган, коррупцияга қарши кураш чораларини қамраб олади. Ушбу мақсад мамлакатдаги мавжуд коррупциявий жараёнларга асосланган тарзда шакллантирилади ва муддати белгиланади.

Коррупцияга қарши кураш тараққиёт йўлини тутган ҳар қандай давлатнинг устувор вазифаларидан бири саналади. Бироқ, бу осон эмас, чунки коррупция яширин тарзда, жинойий тил бириктириб содир этилади. У, одатда, шикоят берилишига сабаб бўлмайди, чунки айбдор тарафлар қонунга хилоф битимдан наф кўрадилар. Ҳатто товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш устидан ҳам камдан-кам ҳолларда шикоят берилади, чунки турли мамлакатларда яшайдиган одамлар коррупцияга қарши кураш жараёнига ишончсизлик билан қарайдилар.

К.Фридрихнинг қарашларига кўра[7], коррупцияни йўқ қилишни вазифа сифатида белгилаш мумкин эмас, яъни бу утопия ҳисобланади. Унга қарши курашдаги асосий вазифа коррупцияни сиёсий тизимга ёйилишини, издан чиқаришини олдини олишга қаратиш лозим деб изоҳлайди. Бизнингча ҳам коррупцияга қарши курашиш коррупция даражасини ва унинг ижтимоий хавфлилигини пасайтиришни кўзловчи, шунингдек унинг детерминантларини баргараф этиш ва йўқ қилишга қаратилган мураккаб тизимдан иборат фаолиятдир. Ушбу фаолият коррупцияни мутлақо йўқ қилиш имконига эга эмас. Бироқ, шунга қарамадан, уни давлат, жамият ва фуқаролар ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ижтимоий мақбул даражага тушириш мумкин.

Россиянинг “ИНДЕМ” маркази директори Г.Саттаров [8, Б.752] коррупцияга қарши курашни мураккаблигини барча амалга оширилаётган кураш чора-тадбирларининг тизимга солинмаганлиги ва мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқлигини таъкидлайди.

Бир қатор давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш қонунчилиги таҳлил қилинганда, ушбу қонунларда “Коррупцияга қарши курашиш” атамасига таъриф мустаҳкамланганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Россия Федерациясининг 2008 йил 25 декабрдаги “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” [9] ги Федерал қонунида, шунингдек, Қозоғистон Республикасининг 2015 йил 18 ноябрдаги “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” [10] ги Қонунида 1-моддасининг ўзидаёқ “коррупцияга қарши курашиш” атамасига таъриф берилганлигини кўришимиз мумкин.

Амалдаги қонунчилигимизда “коррупция билан боғлиқ жиноятлар” таърифланмагани каби, “коррупцияга қарши курашиш” атамаси ҳам ёритиб берилмаган. Ваҳоланки, қонуннинг 5-7-моддаларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига бағишланган.

Коррупция, унинг содир этилиш сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда ушбу турдаги жиноятларни профилактика қилиш муаммоларини илмий тадқиқ қилган бир қатор олимлар коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини турлича таснифлашган. Хусусан, В.К.Максимов [11, Б.32] коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини икки гуруҳга ажратишни таклиф этган, яъни *умумий ва махсус* профилактика.

Умумий профилактика учун аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва давлатнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, шунингдек хуфёна иқтисодиётнинг таркибий қисмини қисқартириш талаб тилади. Шу билан бирга, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, давлат ҳокимиятининг барча соҳаларини мустаҳкамлаш йўли билан ҳақиқий демократия даражасига эришиш билан боғлиқ сиёсий ўзгаришлар амалга оширилиши керак.

Махсус профилактика бу давлат бошқарув аппаратида коррупциянинг олдини олувчи чора-тадбирлар йиғиндиси, яъни давлат функцияларини бажарувчи органлар ва ушбу органларнинг ваколатлари бажарилишини таъминлаш функциясини бажарувчилар ходимлар ўртасидаги чора-тадбирлар йиғиндиси, бўлиб улар қуйидагилар:

- *ижтимоий-иқтисодий хусусиятдаги*, яъни мансабдор шахсларнинг моддий фаровонлиги ва ижтимоий таъминланганлигини ошириш билан боғлиқ;

- *ташкилий хусусиятдаги*, яъни давлат органлари ва мансабдор шахсларининг хизмат ўташ тартиби, ходимларни танлаш ва жойлаштириш, коррупцияга қарши курашиш фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган;

- *коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш билан боғлиқ хусусиятдаги*, яъни, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатларнинг мажбурий криминологик

экспертизасини жорий этишни назарда тутувчи кўшимча ва ўзгартишлар киритиш ва янгиларни қабул қилиш йўли билан такомиллаштириш.

Б.Ходжаевнинг фикрича эса, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [12, Б.575]:

Биринчи йўналиш – коррупцияга қарши курашнинг превентив чоралари самарадорлигига эришиш. Мазкур йўналишга кўра, коррупцияни олдини олишнинг назарий пойдевори “таълим, хабардорлик ва тарғибот” (Education, Awareness and Advocacy) тамойилларига асосланиб, амалий томондан эса “самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик” (effectiveness, transparency, accountability) тамойиллари асосида аниқ давлат сиёсатини ишлаб чиқишдан иборат. Бу борада давлат сиёсати дунёда (хусусан, Сингапурда) “one size fits all” (“барча учун бир хил мезон”) модели асосида ишлаб чиқилиб, коррупцияга қарши курашнинг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси, молиявий ва меҳнат ресурслари билан доимий таъминлаб турилиши, мунтазам мониторинг фаолияти ҳамда холис ва шаффоф баҳолаш тизими кўрсатилиш лозим.

Иккинчи йўналиш – коррупцияга қарши курашиш стратегиясида интергациялашган ёндашувни қўллаш. Бунда давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан ҳамжиҳат фаол ҳаракатини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Бу борада Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида интеграцияга эришишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири – аниқ статистика ва мақбул далилларга асосланган маълумотга таянган ҳолда иш олиб бориш тизимининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Учинчи йўналиш – жамиятнинг ҳар бир соҳасида, хусусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, коррупция билан боғлиқ айрим ҳатти-ҳаракатларни криминализациялаш ҳамда халқаро стандартларни тўлиқ ва тўғри қўллаш. Бу борада халқаро ҳужжатларда назарда тутилган “ноқонуний бойлик орттириш”, “учинчи шахсларнинг моддий манфаатларини кўзлаб таъмагирлик қилиш” каби ҳатти-ҳаракатларни криминализация қилиш масалаларини кўриб чиқиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Тўртинчи йўналиш – коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат

дастурининг бажарилиши. Бу борада мониторинг жараёнида самарали ҳуқуқий механизмнинг етарли эмаслиги, давлат хизматчиларининг этика қоидаларига риоя қилиш даражасининг пастлиги, давлат органлари фаолияти очиклиги тамойилининг амалда номигагина ишлаётганлиги каби масалалар ҳал қилиниши лозим.

Ва ниҳоят, *бешинчи йўналиш* – коррупцияга қарши курашишнинг замонавий тенденцияларидан келиб чиқиб амалда реал ишлайдиган стратегияни ишлаб чиқиш. Замонавий тенденцияга кўра, коррупцияга қарши курашиш уч босқичда амалга оширилади: биринчи босқич – жамият аъзолари фаолиштироқини кучайтириш учун маълумотларни эркин олиш имкониятини яратиш; иккинчи босқич – янги технологиялардан фойдаланган ҳолда коррупция ҳолатлари ҳақида ахборот бериш ва олдини олиш; учинчи босқич – коррупцияга оид муаммоларни ҳал қилиш ва бартараф этишда жамоятчилик иштироқини таъминлашнинг аниқ тизимининг амалда ишлаши.

Криминолог олима А.И.Долгова [13] коррупцияга қарши курашни ташкиллаштиришнинг умумий босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади дея таъкидлайди: а) коррупциянинг ривожланиб бориши ва унинг сабабларини доимий таҳлил қилиш; б) реал ҳолатдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий шароитларга, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятига, ҳуқуқ-тартибот тизимига асосланган тарзда коррупцияга қарши кураш стратегияларини ишлаб чиқиш; в) қонунчиликни такомиллаштириб бориш; г) мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш; д) давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш; е) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда коррупцияга қарши кураш билан шуғулланувчи мутахассис ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш; ж) фуқаролик жамияти институтлари, аҳоли, юридик шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиш; з) мунтазам равишда амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш ва ўзгартиришлар киритиб бориш.

Шунингдек, баъзи манбаларда [13] коррупция билан боғлиқ жиноятларни профилактикасини такомиллаштиришда ушбу йўналишда ишлаб чиқилган ҳужжатлар ҳам ўз самарасини беради деган фикрдалар. Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга оширишда қуйидаги ҳужжатларни қабул қилиш керак деб ҳисоблашади, яъни:

- бюджет маблағлари ва донорлик ёрдамида маблағларни тақсимлаш жараёнини режалаштириш ва ушу соҳада устувор бўлган соҳаларни аниқлаштириш;

- ислохотларнинг аниқ ишлаб чиқилган йўл хариталарини тузиш;
- кенг жамоатчиликни жалб этиш ҳамда мазкур ислохотларнинг сиёсий устуворилги, ютуқлари, муаммолари ва оқибатлари тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қаратилган ҳужжатлар.

Истамбул Ҳаракатлар Режаси (ИХР) аъзо давлатларининг коррупцияга қарши кураш сиёсати ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари ва унинг оқибатларига эмас, аксинча ҳуқуқий ва институционал ислохотларга қаратилганлигини кўришимиз мумкин [14].

Буюк Британиянинг коррупцияга қарши кураш стратегияси ўрганилганда, мамлакатда 2017-2022 йилларга мўлжалланган “Коррупцияга қарши кураш бўйича” янги стратегия асосида олиб борилаётганлигини айтиш мумкин [14]. Ушбу стратегия 2017 йилнинг декабрида эълон қилинган бўлиб, унинг асоси сифати мамлакатда 2014 йилда Англия тарихида биринчи марта қабул қилинган “Коррупцияга қарши Ҳаракатлар режаси” хизмат қилган. Барча давлат органлари фаолиятини қамраб олган ва коррупцияга қарши самарали курашнинг узок муддатли мақсадини белгилаётган ушбу стратегия коррупциянинг олдини олиш бўйича ҳукуматнинг йўл харитаси ҳичобланган. Режада коррупцияга қарши курашда *олти устувор йўналиш белгиланган*: чегарлар ва портлар каби иқтисодиётнинг коррупция юқори хавфли тармоқларида тизим ичидаги коррупцияни камайтириш; Буюк Британиянинг халқаро молиявий марказ сифатида обрўсини мустаҳкамлаш; давлат ва хусусий секторда касбий этикага риоя қилиниши кенг тарғиб қилиш; давлат эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олишда ва грантларни тақсимлашда коррупцияни камайтириш; дунё бўйлаб ишбилармонлик муҳитини яратиш; коррупцияга қарши курашда бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиш. Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг сиёсатидан келиб чиқиб мамлакатда коррупцияга қарши курашишда алоҳида устувор йўналишлар ва уларга мос равишда амалга оширилиши лозим бўлган чоратadbирлар белгиланиб олинishi лозим.

Таҳлилчиларнинг фикрига кўра [14], коррупциянинг олдини олиш борасидаги давлат сиёсатининг яна бир усули бу мамлакатда доимий равишда коррупция даражасининг мониторингини олиб бориш ва баҳолаш механизмнинг мавжудлигидир. Ўтказилган таҳлиллар натижасида кўпгина ИХРга аъзо давлатларнинг коррупцияга қарши кураш режаларининг бажарилишини назорат қилишнинг аниқ тартиби ўрнатилганлигини кўришимиз мумкин. Баъзи мамлакатларда ушбу режаларнинг бажарилиши устидан парламент назорати ўрнатилган (Украина, Мўғилистон).

Жумладан, *Украинада*, коррупциянинг олдини олиш бўйича миллий Агентлик коррупцияга қарши ислохотларнинг таъсирини мунтазам равишда баҳолаш учун методология ишлаб чиққан бўлса, *Қозғистонда* коррупцияга қарши кураш сиёсати қандай амалга оширилаётганлигини баҳолаш учун Махсус мониторинг гуруҳи ташкил этилган. Ушбу гуруҳ аъзолари мамлакатнинг барча ҳудудларида бўлиб, давлат муассасалари, ташкилотларида кўрилган чора-тадбирлар таҳлилин олиб боришади ва уларга ўз тавсияларини бериб боришади. *Латвияда* коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш Бюроси мамлакатда ушбу йўналишдаги стратегия доирасида ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун жавобгар ҳисобланади ва Вазирлар Маҳкамасига оралик ва якуний ҳисоботларни тақдим этади. *Ўзбекистонда*, эса коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминловчи орган сифатида республика Идоралараро комиссия фаолият юритмоқда.

Юқорида келтирилган қарашлар ва таҳлилларни инобатга олиб мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни жорий этиш таклиф этилади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига қуйидаги таърифни кўшиш мақсадга мувофиқ, яъни “Коррупцияга қарши курашиш – бу давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг *коррупциянинг олдини олиш* (коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси); *коррупцияга қарши жиноий-ҳуқуқий курашиш* (коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш, фош этиш, тергов қилиш); *коррупция оқибатларини бартараф қилиш* билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган фаолияти”.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-бобини “Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар тизими” таҳририда баён этиш ҳамда тегишли равишда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларни ўз ичига олган 16-27-моддаларини киритиш:

16-модда. Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар.

Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- 1) коррупцияга қарши мониторинг;
- 2) коррупция хавфларини таҳлил этиш;

- 3) коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш (коррупцияга қарши мурасасиз руҳни шакллантириш);
- 4) республика қонунчилигига мувофиқ юридик экспертиза ўтказилиши жараёнида коррупцияга мойил нормаларни аниқлаш;
- 5) коррупцияга қарши стандартларни шакллантириш ва уларга риоя этиш;
- 6) молиявий назорат;
- 7) манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этиш;
- 8) тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш чоралари;
- 9) коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тўхтатиш, очиш ва тергов қилиш;
- 10) коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилиш;
- 11) коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Миллий дастурни шакллантириш ва эълон қилиш.

Гарчи Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” деб номланган бўлса-да, мазкур қонун мазмунида айнан қандай фаолият коррупцияга қарши курашишни белгилаши ёритилмаган, яъни унинг амалга оширилиш механизми ёритилмаган. Мисол ўрнида айтиш мумкинки, мазкур норма Қозоғистон Республикасининг 2015 йил 18 ноябрида қабул қилинган “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунида мавжуд.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 4-боби “Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар” деб номланган бўлса-да, мазкур бобда коррупциянинг профилактикаси, унга қарши курашиш усуллари аниқ белгиланмаган, фақатгина қандай чора-тадбирларни амалга ошириш кераклиги мутаҳкамланган. Ваҳоланки, даставвал коррупцияга қарши курашиш усуллари санаб ўтилиб, сўнгра бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда, яъни:

1. 17-1-модда. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги - Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номида мулккий ёки шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган юридик шахсларга нисбатан жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади.

Мазкур модда билан юридик шахсларга нисбатан жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари ушбу кодекснинг 167, 210, 211, 212-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун қўлланилади.

Юридик шахсларга нисбатан жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш:

1) жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортмасликни истисно қилмайди;

2) юридик шахсни жиноят натижасида етказилган зарарни ўрнини қоплаш ёки бартараф этишдан, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа жавобгарлик чораларининг қўлланилишидан озод қилмайди.

Мазкур моддада назарда тутилган талаблар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бюджет ташкилоти ҳисобланган ёхуд бюджет маблағлари билан таъминланадиган юридик шахсларга, шунингдек давлат улуши эллик фоиздан ортиқ бўлган унитар корхоналарга нисбатан татбиқ этилмайди”.

2. 43-1-модда. Юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноий ҳуқуқий таъсир чоралари тизими. Юридик шахсларга нисбатан қуйидаги жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мумкин: а) жарима; б) бир йилдан уч йилгача муайян фаолият билан шўғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш; в) бир йилдан уч йилгача давлат харидлари жараёнида иштирок этишни тақиқлаш (чеклаш)”. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикасида самарали механизм сифатида юридик шахсларнинг жавобгарлик масаласига тўхаладиган бўлсак, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истамбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинглари натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати олдида бир қатор тавсиялар қўйилган. Мазкур таҳлил натижаларининг 3-боб №30-сонли хулосасида хорижий давлатлар қонунчилиги ва тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун юридик шахслар жавобгарлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритиш тавсияси ҳам мавжуд[14]. Юридик шахсларнинг жавобгарлик масаласи АҚШ Жиноят кодекси (2.07-м.), Франция Жиноят кодекси (121-2-м.) да мустаҳкамланган. Шунингдек, Қирғизистон (26-м.), Молдова (21-м.) ва бошқа бир қатор давлатлар (Албания, Бельгия, Литва) Жиноят кодексларида юридик шахслар субъект ҳисобланмаса-да, бироқ уларга нисбатан жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўрилиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Сноски/Иқтибослар/References:

1. “Янги Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газета. №13(13), 2020 йил 12 февраль.
2. Corruption Perceptions Index // <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон // URL: <https://lex.uz/docs/3107036>
4. URL: <https://prokuratura.uz/>
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // URL: <https://president.uz/ru/lists/view/4057>.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2019 йил 3 июнь, 22-сон, 405-модда.
7. Friedrich C.J. The Pathology of Politics: Violence, Betrayal, Corruption, Secrecy, and Propaganda. N. Y.: Harper & Row, 1972. // URL: https://econpapers.repec.org/article/cupapsrev/v_3a69_3ay_3a1975_3ai_3a01_3ap_3a240-241_5f24.htm
8. Российская коррупция: уровень, структура, динамика. Опыты социологического анализа / Под ред. Г.А. Сатарова. — Москва : Фонд «Либеральная Миссия», 2013. // URL: http://www.hse.ru/data/2014/11/25/1101718727/RimskiyVL_pol_cor.ppt
9. URL: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82959/
10. URL: <http://miid.gov.kz/ru/pages/o-protivodeystvii-korrupcii>
11. Максимов В.К. Понятие коррупции (криминологический аспект) и меры ее предупреждения в государственном аппарате. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук Москва-2005.
12. URL: <http://uza.uz/oz/programs/korrupsiya-zhamiyat-kushandasi/uzbekiston-korrupsiyaga-arshi-anday-kurashmo-da-17-01-2019/>
13. Криминология: Учебник для вузов/Под общ. Ред. д.ю.н., проф. А.И.Долговой. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: «НОРМА-ИНФРА», 2002.
14. Коррупцияга қарши кураш тармоғи Истамбул Ҳаракатлар Режаси (ИХР) доирасида Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатларининг 2016-2019 йилларда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ислохотлари Мониторинги. www.oecd.org/corruption/acn.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АЗИМОВ Тохир Саидович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Саф қисми бошлиғининг ўринбосари

«ЖАМОАТ ТАРТИБИ» ВА «ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ» ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗАРО ФАРҚЛАНИШИ ҲАМДА БОҒЛИҚЛИГИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
АЗИМОВ Т.С. «ЖАМОАТ ТАРТИБИ» ВА «ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ»
ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ЎЗАРО ФАРҚЛАНИШИ ҲАМДА
БОҒЛИҚЛИГИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ // Юрист ахборотномаси – Вестник
юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 202-207.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-18>

АННОТАЦИЯ

Мақолада «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларнинг ўзаро фарқи ва боғлиқлиги, объекти ва қамрови ёритилган. Шунингдек, бу борада олиб борилган тадқиқот ишларнинг натижалари илмий таҳлил қилинган. Жамоат тартибини сақлаш фаолияти мазмунига кўра кўча ва жамоат жойларида инсонларнинг қонун ҳужжатлари ва ахлоқ нормалари талабларига риоя этишларини назорат қилишда намоён бўлиши, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти ўз ичига йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқловга олинган объектлар ва мулклар хавфсизлиги, паспорт тизими, назорат-лицензия тизимини таъминлаш каби фаолият йўналишларини қамраб олиши хусусида илмий асосланган фикр ва мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқловга олинган объектлар ва мулклар хавфсизлиги, паспорт тизими, назорат-лицензия.

АЗИМОВ Тохир Саидович

Заместитель начальника по строевой части
Академии МВД Республики Узбекистан

НАУЧНЫЙ АНАЛИЗ РАЗЛИЧИЙ И ВЗАИМОСВЯЗИ ПОНЯТИЙ «ОБЩЕСТВЕННЫЙ ПОРЯДОК» И «ОБЩЕСТВЕННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ»

АННОТАЦИЯ

В статье освещены различия и взаимосвязь понятий «общественный порядок» и «общественная безопасность», предмет и область их применения. Также, были проанализированы результаты научных исследований в этой области. Кроме того, выдвигаются ряд научно обоснованных предложений по содержанию мероприятий обеспечения общественного порядка в общественных местах для контроля за соблюдением требований норм законов и этики, общественной безопасности включающую безопасность дорожного движения, пожарной безопасности, защиты охраняемых объектов и имущества, паспортной системы и даны комментарии в сфере деятельности обеспечения системы контроля и лицензирования.

Ключевые слова: общественный порядок, общественная безопасность, безопасность дорожного движения, пожарная безопасность, защита охраняемых объектов и имущества, паспортная система, контроль-лицензия.

AZIMOV Tokhir

Deputy Chief of the Combat unit of the Academy of
the MIA of the Republic of Uzbekistan

SCIENTIFIC ANALYSIS OF DIFFERENCES AND RELATIONSHIPS BETWEEN THE CONCEPTS OF “PUBLIC ORDER” AND “PUBLIC SECURITY”

ANNOTATION

The article highlights the differences and interconnection, the subject and scope of the concepts of “public order” and “public security”. Also, the results of research carried out in this area were analyzed from a scientific point of view. In addition, it puts forward a number of scientifically substantiated proposals on the content of measures to ensure public order on the streets and in public places to monitor compliance with the requirements of the law and ethics, measures to ensure public security include road safety, fire safety, protection of protected objects and property, passport system and comments on a field of activity, such as providing a system of control and licensing.

Keywords: public order, public security, road safety, fire safety, protection of protected objects and property, passport system, control-license.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида республикамизда кўча ва жамоат жойларидаги жиноятларга қарши курашувчи ва уларнинг профилактикасини таъминловчи ўзига хос тизим шаклланди.

Мамлакатда, унинг маъмурий-ҳудудий бирликларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш биринчи навбатда ҳуқуқбузарликларнинг, жумладан, жиноятларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилади. Қолаверса, содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик таъминланади ёки жиноятларнинг фош этилишига имкон берадиган маълумотлар тўпланади, шахслар аниқланади, хатто ушбу фаолиятни олиб борувчи кучлар томонидан ёхуд иштирокида муайян жинойий қилмишлар фош этилади, уни содир этган шахслар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги таъминланади.

Маълумки, ҳар қандай фаолиятнинг асосида тушунчалар тизими ётади. Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини батафсил ўрганиш, аввало, «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг мазмунини ёритиб ўтишни талаб қилади. Таҳлиллар натижаси «жамоат тартиби» тушунчасига бирон бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда таъриф берилмаганини кўрсатади. Бу борада айрим тадқиқотларда «Жамоат тартиби – бу жамоат хавфсизлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, меҳнат қилиши ва дам олиши учун шароит яратишга, шаъни, кадр-қимматини ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналштирилган ҳуқуқий ва ижтимоий-ахлоқий нормалар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими» [1, Б.59] деб таърифланган.

Жамоат тартибидан фарқли равишда жамоат хавфсизлигига норматив-ҳуқуқий ҳужжатда тушунча келтирилган бўлиб, унда «шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнғинлардан ҳимояланганлик ҳолати» [4] деб таъриф берилади.

Илмий тадқиқотлар таҳлили натижасида, ҳуқуқшунос олимлар томонидан «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларнинг ўзаро фарқи ва боғлиқлиги, объекти ва қамрови хусусида турлича фикр ва мулоҳазалар билдирилганини кўриш мумкин. Улардан баъзилари жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини бир хил тушунчалар деб ҳисобласа, бошқалари эса жамоат тартиби жамоат хавфсизлигига нисбатан кенгрок

эканлиги, айримлари аксинча жамоат хавфсизлиги, жамоат тартибига нисбаттан кенгроқ тушунча деб ҳисоблашни таклиф этадилар.

Жумладан, А.А.Куделич – «жамоат тартиби» «жамоат хавфсизлиги» тушунчасидан фарқ қилмаслиги ва ушбу тушунчалар синоним эканлигини [5, Б.15]; В.И.Зарубин – «жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги умумий ўзакка эга бўлса-да, уларнинг ҳар бири мустақил таркибга эгалигини» [6, Б.5]; С.В.Борисов «ушбу тушунчалар асосий мазмунига кўра фарқ қилиши ва бир-бирининг ўрнини боса олмаслигини» [7, Б.24]; Ф.Е. Колонтоевский – «улар мақсади, қўриқловчи объектлари, бартараф қилувчи тажовузлар манбаи, тартибга солувчи вазифалари, муносабатларининг таркиби ва таъминлаш усуллари билан ўзаро фарқланишини» [8, Б.5]; С.С.Яценко – «жамоат тартиби ижтимоий хотиржамлик муҳитини, одамларнинг ҳаётий фаолияти учун қулай ташқи шароитларни яратишда намоён бўлса, жамоат хавфсизлиги хавfli манбаларни қўллашда ва хавfli ишларни амалга оширишда хавфсиз шароитларни яратишда намоён бўлади» [9, Б.19]; М.З.Зиёдуллаев – ««жамоат тартиби» «жамоат хавфсизлиги»га қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, ўз ичига фуқаролар шахсий хавфсизлиги ва айнан жамоат хавфсизлигини қамраб олади» [10, Б.25], А.Ф.Гранин – «жамоат тартиби ижтимоий муносабатлар барча турдаги нормалар асосида тартибга солинади, жамоат хавфсизлиги эса фақат икки турдаги, яъни ҳуқуқий ва техник нормалар орқали тартибга солинади» [11, Б.15], деган фикрларни билдирадилар.

Айрим тадқиқотларда юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларга мутлақо тескари ёндашувларни ҳам учратиш мумкин. Хусусан, А.В.Готовцеванинг фикрига кўра, «жамоат хавфсизлиги» тушунчаси «жамоат тартиби» тушунчасига нисбатан кенгроқ, «жамоат тартиби» одамларнинг хавфсизлигини таъминлашни, «жамоат хавфсизлиги» эса, бундан ташқари мол-мулкнинг хавфсизлиги ва инсон, жамият учун хавф туғдирадиган хавф манбаларини бартараф этилишини назарда тутди [12, Б.13]. Бу борадаги фикрга ушбу соҳада тадқиқот олиб борган И.Ю.Сухачев ҳам қўшилади [13].

Кўриниб турибдики, ушбу тушунчаларнинг ўзаро фарқланиши ва алоқадорлиги хусусида ҳам турлича мулоҳазаларни учратиш мумкин. Шу сабабли айрим тадқиқотларда бу борада «жамоат хавфсизлиги» ва «жамоат тартиби»нинг мазмуни ва нисбатларини аниқ белгилаш мумкин эмас [14, Б.11] ёки «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг ҳуқуқий таърифлари, уларнинг ўзаро муносабатлари масаласи қонун доирасида ягона ва аниқ белгиланмагунча мунозара бўлиб қолаверади деган хулосаларга келинади [15, Б.24].

Шунингдек, юридик адабиётлар ва илмий тадқиқотларнинг таҳлили юқорида кўрсатган чегараларга қарамасдан, ўз навбатида «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу борада, тадқиқотчи Э.В. Саманюк «жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ўзаро яқин алоқададир. Ушбу муносабатларнинг моҳияти шундаки, уларнинг иккиласи ҳам фуқаролар ва жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий тартибни ўрнатиш ва бирининг нормаларини бузиш албатта бошқасининг нормаларини бузилишига олиб келади» [16, Б.674], С.С.Шарипов мазкур тушунчалар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради, самарадорлигига хизмат қилади [17, Б.84] деб фикр билдирилса, А.В. Точка жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби жамиятнинг нормал мавжудлигини таъминлашнинг бир йўналишида эканлиги ва ижтимоий механизмнинг барча таркибий қисмлари каби бир-бирига боғлиқлиги, масаласига тўхталиб ўтади [18, Б.70].

«Жамоат тартиби» ва «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг бир-бири билан узвий боғлиқлиги борасида нисбатан аниқ ва тўғри очиб берган таъриф Д.А.Коротченков томонидан берилган: «жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги турли хил ижтимоий муносабатлар бўлиб, улар ўртасида яқин алоқа мавжуд: бу муносабатлар гуруҳларининг ҳар бири бошқасининг мавжудлиги учун шартдир» [19, Б.11].

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, назаримизда жамоат тартибини сақлаш фаолияти мазмунига кўра кўча ва жамоат жойларида инсонларнинг қонун ҳужжатлари ва ахлоқ нормалари талабларига риоя этишларини назорат қилишда намоён бўлса, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти ўз ичига йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, кўриқловга олинган объектлар ва мулклар хавфсизлиги, паспорт тизими, назорат-лицензия тизимини таъминлаш каби фаолият йўналишларини қамраб олади.

Иқтибослар/Сноски/ References:

1. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ф.Н. Шукуров ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.

2. Пулатов Ю.С., Исмаилов И.У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари: // Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.

3. Зиёдуллаев М.З. “Жамоат тартиби” ва “Жамоат хавфсизлиги” тушунчаларининг моҳияти ҳамда ўзаро боғлиқлиги // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. – 2018. – № 7.
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 18 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг Устави”.
5. Куделич А.В. Уголовно-правовая охрана общественного порядка в современной России: Автореф. дис. .. докт. юрид. наук. – Сибирь, 2000.
6. Зарубин В.И. Понятие общественного порядка как объекта хулиганства // Журнал российского права, 2001, – № 8.
7. Борисов С.В. Квалификация хулиганства: теория и практика. М., 2007.
8. Организация работы участковых инспекторов милиции / Под ред. Ф. Е. Колонтоевского. – М., 1992.
9. Яценко С.С. Ответственность за преступления против общественного порядка: монография. – Киев, 1976.
10. Зиёдуллаев М.З. Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимлари: тарихи, бугуни ва хориж тажрибаси: // Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.
11. Гранин А.Ф. Теоретические вопросы социалистической законности в деятельности органов внутренних дел: Автореф. дисс. .. докт. юрид. наук. Киев, 1975.
12. Готовцев А.В. Организационно-правовые вопросы взаимодействия милиции и внутренних войск в охране общественного порядка: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2000.
13. Сухачев И.Ю. О соотношении понятий “общественный порядок” и “общественная безопасность” // [Электрон манба]. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/o-sootnoshenii-ponyatiy-obschestvennyy-poryadok-i-obschestvennaya-bezopasnost> (мурожаат вақти: 22.10.2019).
14. Гегамов А.Р. Насильственные преступления против общественной безопасности и общественного порядка и уголовно-правовой механизм назначения справедливого наказания: автореф. дис. канд. юрид. наук. Саратов, 2011.
15. Шарипов С.С. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: Дис. юрид. фанлар бўйича ф-фа. док. – Т., 2020.
16. Саманюк Э.В. О соотношении понятий «общественная безопасность» и «общественный порядок» // “Молодой учёный”. – № 3 (62) . Март, 2014 г.
17. Шарипов С.С. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати саф бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш // Ҳуқуқий тадқиқот журнали. – Т., 2020. – № 3.
18. Точка А.В. Преступления против общественного порядка: криминализация, систематизация, уголовно-правовое содержание: Дис. канд. юрид. наук. – Краснодар, 2014.
19. Коротченков Д.А. Организация административно-правовой охраны общественного порядка и обеспечения общественной безопасности при проведении массовых мероприятий: автореф. Дис. канд. юрид. наук. – Хабаровск, 2006.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР- ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

ЮГАЙ Людмила Юрьевна

Докторант Факультета послевузовского образования
Академии МВД Республики Узбекистан, доктор
философии (PhD) по юридическим наукам,
E-mail: yugay.lyudmila@inbox.uz

ГАДЖИЕВ Хагани Мохуббат оглы

Старший эксперт Главного экспертно-криминалистического
центра МВД Республики Узбекистан
E-mail: xagani89@gmail.com

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ ДОКАЗЫВАНИИ ФАКТА РАСПРОСТРАНЕНИЯ ЛОЖНОЙ ИНФОРМАЦИИ В ИНТЕРНЕТЕ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
ЮГАЙ Л.Ю., ГАДЖИЕВ Х.М. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЦИФРОВОЙ
ЭКСПЕРТИЗЫ ПРИ ДОКАЗЫВАНИИ ФАКТА РАСПРОСТРАНЕНИЯ
ЛОЖНОЙ ИНФОРМАЦИИ В ИНТЕРНЕТЕ // Юрист ахборотномаси –
Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), С. 208-218



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-19>

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается значение проведения цифровой экспертизы в свете принятия изменений в административное и уголовное законодательство ответственности за распространение ложной информации, в том числе в средствах массовой информации, сетях телекоммуникаций или интернета,

которое привело к унижению достоинства или дискредитации личности. Раскрываются понятия электронных (виртуальных) следов, вопросов, разрешаемых экспертами при производстве цифровой экспертизы.

Ключевые слова: цифровая экспертиза, распространение ложной информации, интернет, мобильный телефон, социальная сеть, восстановление данных.

YUGAY Lyudmila

The Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan,
DSc candidate, Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: yugay.lyudmila@inbox.uz

GADJIYEV Khagani

Senior Expert at Main Forensic Center of the Ministry
of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
E-mail: xagani89@gmail.com

USING DIGITAL EXPERTISE TO PROVE THE FALSE INFORMATION DISSEMINATION ON THE INTERNET

ANNOTATION

The importance of digital expertise in the light of the adoption of amendments to the administrative and criminal legislation of responsibility for the dissemination of false information, including in the media, telecommunications networks or the Internet, which led to the humiliation of a person's dignity or discrediting a person is considered in the article. The concepts of electronic (virtual) footprints, issues resolved by experts in the production of digital expertise are revealed.

Keywords: digital expertise, false information dissemination, internet, mobile phone, social network, data recovery

ЮГАЙ Людмила Юрьевна

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети докторанти,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: yugay.lyudmila@inbox.uz

ГАДЖИЕВ Хагани Моҳуббат ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт криминалистик
бош маркази катта эксперти
E-mail: xagani89@gmail.com

ИНТЕРНЕТДА ЁЛҒОН МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИНИ ИСБОТЛАШДА РАҚАМЛИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ФОЙДАЛАНИШ

АННОТАЦИЯ

Мақолада маъмурий ва жиноий қонунчиликка оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернетда ёлғон маълумот тарқатилганлиги учун жавобгарлик тўғрисидаги тузатишлар қабул қилиниши нуқтаи назаридан шахнинг кадр-қимматини камситишга ёки шахсни обрўсизлантиришга олиб келган ҳолатлар юзасидан рақамли экспертиза ўтказиш аҳамияти кўриб чиқилган. Электрон (виртуал) излар тушунчалари, рақамли экспертиза ишлаб чиқариш бўйича мутахассислар томонидан ҳал қилинган масалалар очиб берилган.

Калит сўзлар: рақамли экспертиза, ёлғон маълумот тарқатиш, интернет, мобил телефон, ижтимоий тармоқ, маълумотларни тиклаш.

В Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису особо подчеркивается, что наука и инновации создают основу для развития страны [1].

В настоящее время одним из ведущих факторов, влияющих на развитие общества, является информационно-технический прогресс. В условиях перманентных изменений общественно политической жизни вызванных стремительным развитием онлайн технологий, социальных взаимосвязей посредством мировой сети «Интернет» и средств массовых коммуникаций какие-то деяния попадают в разряд уголовно наказуемых, какие-то нормы декриминализуются, иные начинают использоваться активнее, чем раньше и это объективная необходимость [2, С.121-128].

Исходя из вышеуказанного был принят Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-658 «О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы Республики Узбекистан и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности» от 25 декабря 2010 г. [3].

В соответствии с данным законом были введены административное и уголовное наказания за распространение ложной информации, в том числе в интернете и отменено лишение свободы за клевету.

Кодекс об административной ответственности Республики Узбекистан дополнен ст. 202-2 «Распространение ложной информации». На основании данной статьи распространение ложной информации, в том числе в средствах массовой информации, сетях телекоммуникаций или интернете,

которое привело к унижению достоинства личности или дискредитации личности, влечет наложение штрафа в сумме 50 базовых расчетных величин (БРВ). Распространение же ложной информации, содержащей угрозу общественному порядку или безопасности, влечет наложение штрафа от 50 до 100 БРВ.

Уголовный кодекс Республики Узбекистан дополнен ст. 244-6 «Распространение ложной информации». В соответствии с ней, распространение ложной информации, в том числе в СМИ, сетях телекоммуникаций или интернете, приведшее к унижению достоинства личности или дискредитации личности, совершенное после применения административного взыскания за такие же действия, наказывается штрафом до 150 БРВ или до 240 часов обязательными общественными работами, либо до 2 лет исправительными работами, либо до 2 лет ограничения свободы.

Факт, того что законодатель обратил внимание на необходимость правового регулирования распространения заведомо ложной информации подчеркивает актуальность данной сферы общественных отношений.

Принятие данной новеллы закономерно обуславливает вопрос доказывания факта распространения заведомо ложной информации или клеветы с использованием сети Интернет или через социальные сети конкретным лицом. В рамках данной статьи нами будут освещены некоторые вопросы уже сложившейся практики проведения цифровой экспертизы по доказыванию данных деяний.

В настоящее время одним из технических средств, наиболее часто используемых в противоправных целях, являются мобильные телефоны сотовой связи. При этом, они выступают не только носителями криминалистически значимой информации, но и предметами и орудиями преступлений. Например, преступник при помощи мобильного телефона сообщает **заведомо ложные сведения** о готовящемся взрыве, поджоге или иных действиях, создающих опасность гибели людей, причинения значительного имущественного ущерба, либо наступления иных общественно опасных последствий.

Анализ экспертной практики свидетельствует о том, что более 75% за 2019 г и более 85% за 2020 г. от общего числа цифровых носителей информации, поступающих в лабораторию цифровых экспертиз Главного экспертно-криминалистического центра МВД Республики Узбекистан, составляют именно мобильные устройства.

При этом наблюдается рост количества исследуемых мобильных устройств в 2020 г. на 150% по сравнению с 2019 г. [4]. Данная динамика объясняется тем, что современный человек фактически неотделим от комплекса технических устройств и он либо носит их с собой (мобильные телефоны, смартфоны, планшетные компьютеры и другие гаджеты), либо попадает в сферу их действия (камеры видеонаблюдения, видеорегистраторы, базовые станции мобильной связи), либо регулярно обращается к ним (социальные сети, интернет-ресурсы).

В ближайшие годы данная динамика будет только расти, намечается очередной рост показателей по исследованию мобильных устройств, обусловленное бурным процессом цифровизации всех сфер общества в нашей стране.

В качестве одного из ключевых правовых аспектов информатизации выступает Указ Президента Республики Узбекистан №-6079 «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» от 05 октября 2020 г. [5]. Стратегия предусматривает развитие четырех ключевых сфер: развитие электронного правительства, развитие цифровой индустрии, развитие цифрового образования, развитие цифровой инфраструктуры.

При анализе статистических данных Главного экспертно-криминалистического центра МВД Республики Узбекистан 65% выполняемых экспертных заключений по исследованию мобильных устройств приходится следственные подразделения органов внутренних дел, 30% экспертных заключений назначаются органами прокуратуры и 5% – службой государственной безопасности (в структурных подразделениях СГБ имеются свои экспертные подразделения, в которых производится данный вид экспертизы).

Вышеуказанное преступление причиняет значительный материальный ущерб, при этом, в силу специфики их расследования, преступникам удается некоторое время оставаться безнаказанными.

Определенную проблему в раскрытии и расследовании преступлений, совершенных с применением сотовых телефонов, вызывает следующее обстоятельство. Механизм слеодообразования данных преступлений имеет свою специфику, с учетом тенденции интеграции в мобильный телефон функциональных возможностей компьютера, и, по сравнению с традиционными следами, требует разработки принципиально иных методов и средств их исследования. Это связано в первую очередь с тем, что данные

следы не оставляют изменений во внешней материальной среде, так как в большинстве случаев они носят информационный характер. В связи с этим они не изучаются современной традиционной трасологией [6, С.155-161].

Как справедливо отмечает А. В. Касаткин, «при современном развитии вычислительной техники и информационных технологий «компьютерные следы» преступной деятельности имеют широкое распространение. Это должно учитываться следователями и оперативными работниками в их деятельности по собиранию доказательств наряду с поиском традиционных следов» [7, С.17-18].

2. Географические указания: закрепляя взаимосвязь людей, мест и продуктов. Руководство по продвижению продуктов с особыми качественными характеристиками, обусловленными местом их происхождения, с использованием устойчивых географических указаний. 2019. Будапешт, ФАО.
3. URL:https://www.wto.org/english/docs_e/legal_e/27-trips_04b_e.htm#3
4. URL:<https://en.wikipedia.org/wiki/Darjeeling>
5. Рахмонова М. Усовершенствование механизма защиты прав на товарные знаки: актуальные проблемы правоприменительной практики. «Научные труды студентов бакалавриата и магистратуры» сборник научных трудов по итогам международной дистанционной научно-практической конференции, 2020.
6. URL:<https://www.wipo.int/publications/ru/details.jsp?id=208>
7. URL: <https://www.wipo.int/ipdl/en/lisbon/search-struct.jsp>
8. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни. 2001 йил 30 август, 267-II-сон URL:<https://www.lex.uz/acts/24925>
9. ЮЛДАШЕВ А. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА БУТУНЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИНИНГ БУ БОРАДА ТУТГАН ЎРНИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 2 (2020), Б.53-59 // URL: <https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/56>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна

Старший преподаватель кафедры «Международное право и права человека» Ташкентского государственного юридического университета

E-mail: f.miruktamova@tsul.uz

ОПЫТ ПРАКТИЧЕСКОГО ПРИМЕНЕНИЯ МЕР ОТВЕДЕНИЯ И ТЕХНОЛОГИЙ ВОССТАНОВИТЕЛЬНОГО ПРАВОСУДИЯ В ОТНОШЕНИИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ И УЗБЕКИСТАНЕ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
МИРУКТАМОВА Ф.Л. ОПЫТ ПРАКТИЧЕСКОГО ПРИМЕНЕНИЯ МЕР ОТВЕДЕНИЯ И ТЕХНОЛОГИЙ ВОССТАНОВИТЕЛЬНОГО ПРАВОСУДИЯ В ОТНОШЕНИИ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ И УЗБЕКИСТАНЕ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), С. 258-267.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-24>

АННОТАЦИЯ

Статья раскрывает особенности международных стандартов восстановительного подхода к уголовному судопроизводству в отношении несовершеннолетних. Представлена общая характеристика концепции ювенального восстановительного правосудия в ходе приведения примеров наиболее эффективных практик его применения в различных странах. Рассматриваются вопросы, связанные с введением восстановительного правосудия по делам с участием несовершеннолетних в отечественном уголовном судопроизводстве.

Ключевые слова: несовершеннолетние, правосудие в отношении несовершеннолетних, меры отведения, восстановительное правосудие, ювенальная юстиция, несовершеннолетние правонарушители.

МИРУКТАМОВА Феруза Лутфуллаевна

Тошкент давлат юридик университети «Халқаро
ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари» кафедраси катта ўқитувчиси
E-mail: f.miruktamova@tsul.uz

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ОДИЛ СУДЛОВДАН
ЧЕТЛАТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ АМАЛИЙ
ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН
ТАЖРИБАСИ**

АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноий суд иш юритувида вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган ресторатив (қайта тиклаш ёндашуви) усулнинг халқаро стандартлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Ювенал қайта тикловчи одил судлов концепциясининг моҳияти турли мамлакатлардаги унинг самарали амалиёти орқали очиб берилган. Шунингдек, мамлакатимизда суд иши юритувида вояга етмаганлар иштирокида қўриладиган ишларда қайта тиклаш ёндашувини қўллаш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, вояга етмаганлар одил судлови, одил судловдан четлатиш, қайта тиклаш одил судлови, ювенал юстиция, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар.

MIRUKTAMOVA Feruza

The Senior Lecturer of «International Law and Human Rights» Department Tashkent State University of Law
E-mail: f.miruktamova@tsul.uz

**ON THE EXPERIENCE OF PRACTICAL APPLICATION OF DIVERSION
MEASURES AND RESTORATIVE JUSTICE TECHNOLOGIES IN
RELATION TO MINORS IN FOREIGN COUNTRIES AND UZBEKISTAN**

ANNOTATION

The article reveals the features of the international standards of the restorative approach to criminal proceedings against minors. The article presents a general description of the concept of juvenile restorative justice in the course of giving examples of the most effective practices of its application in various countries. The issues related to the introduction of restorative justice in cases involving minors in domestic criminal proceedings are considered.

Keywords: minors, juvenile justice; diversion measures, restorative justice, juvenile offenders.

В последние десятилетия XX века одним из приоритетных направлений развития мирового сообщества стало обеспечение надлежащей охраны прав и интересов несовершеннолетних, предупреждение преступлений среди данной категории лиц и защита прав тех, кто находится в конфликте с законом.

В авторитетных международно-правовых актах закрепляется принцип повышенной юридической охраны несовершеннолетних, для осуществления которого необходимо создание всеобъемлющей и эффективной организационной структуры, предназначенной исключительно для работы с данными лицами. Как указано в п. 3 ст. 40 Конвенции, государствам-участникам следует стремиться содействовать установлению законов, процедур, органов и учреждений, имеющих непосредственное отношение к детям, находящимся в конфликте с уголовным законом (п. 90 Замечания общего порядка). Об этом говорится и в п. 2.3 Пекинских правил: «В рамках каждой национальной юрисдикции следует предпринять усилия для принятия комплекса законов, правил и положений, которые относятся непосредственно к несовершеннолетним правонарушителям и учреждениям и органам, в функции которых входит отправление правосудия в отношении несовершеннолетних». Такая особая комплексная система защиты прав и законных интересов несовершеннолетних получила название ювенальной юстиции (Juvenile Justice)*.

Комитет ООН по правам ребенка рекомендует государствам-участникам учредить суды по делам несовершеннолетних либо в виде отдельных структур, либо в рамках существующих региональных/окружных судов. В случаях, когда незамедлительное решение этой задачи оказывается невозможным, следует обеспечить назначение специальных судей для рассмотрения дел в отношении указанной категории лиц (п. 93 Замечания общего порядка) [1, С.81].

Разговор среди практиков и ученых-юристов о целях и задачах правосудия идет не одно столетие. Проблемы, связанные с традиционными способами разрешения уголовных дел, хорошо известны и неоспоримы. Уголовное судопроизводство обладает очевидными недостатками, в то время как его положительные стороны едва заметны как для участников, так и для сторонних наблюдателей. Следовательно, вполне логично, что прикладываются серьезные

* «Ювенальная юстиция» (от лат. juvenile – молодой, юношеский, юный) основывается на категории «несовершеннолетие», под которым понимается особый возрастной период в жизни физического лица, ограниченный временными рамками, и имеющий определенную физическую, психическую, социальную и правовую специфику.

усилия заменить формальное уголовное судопроизводство альтернативами методами, более обещающими с точки зрения достижения положительных результатов.

В настоящее время вместо традиционных моделей инквизиционного (карающего) правосудия формируется новая концепция правосудия, предполагающая применение внесудебных, альтернативных практик разрешения правовых конфликтов, которая в международной практике получила название «**Восстановительное правосудие**» (**restorative justice**).

Под этим термином понимаются разные практические модели реагирования на преступления, которые объединены общей целью и идеологией: направленностью на психологическое и душевное исцеление жертв, ресоциализацию правонарушителей и восстановление отношений между ними, обществом и государством.

Как отмечает D. M. Gromet, восстановительное правосудие представляет собой иной подход к достижению правосудия, чем традиционная судебная система. Судебная система опирается на карательные меры и не учитывает интересов жертвы, а восстановительное правосудие сосредоточивается на возмещении вреда, нанесенного преступлением, возвращении преступника в общество и предоставлении всем сторонам процесса (преступнику, жертве и обществу) возможности напрямую участвовать в осуществлении правосудия [2, С.39-54].

Системы уголовного правосудия многих стран являются «карательными» - т.е. они озабочены возмездием и наказанием правонарушителей. Карательное правосудие больше интересуется самим преступлением, а не людьми, которые вовлечены в это преступление. Однако это не всегда отвечает лучшим интересам жертвы, правонарушителя и общества в целом. Вовлеченные стороны могут почувствовать себя более отчужденными, поврежденными, пренебреженными, обезоруженными, а также почувствовать меньшую защищенность и вовлеченность в общество.

Braithwaite подтверждает эту точку зрения: «Уголовное правосудие со своей приверженностью к наказаниям становится, по сути, главным препятствием к установлению истины, поскольку поощряет отказ от признания» [3, P.297]. Ostendorf отмечает: «Общество не рассматривает преступников ни в их социальном и родственном окружении, ни в конкретной ситуации преступления. Преступники олицетворяют зло, они совершают преступления без всякой причины. Преступление оказывается в центре

внимания, затем оно переносится на преступника». Но при общении преступника и жертвы преступник вновь представляется/видится/становится/человеком, то есть «если есть жертвы, то ответственность переходит то к одному, то к другому, как будто от одного вагона поезда к другому» [4, С.30].

Таблица ниже демонстрирует преимущества восстановительного правосудия по сравнению с подходами, используемыми в формальной системе правосудия.

Правосудие	Карательное	Реабилитирующее	Восстановительное
Концентрация	Преступление	Преступник	Отношения
Реакция	Наказание	Исправление	Возмещение
Цель	Устрашение	Конформизм	Восстановление
Позиция жертвы	Второстепенная	Второстепенная	Главная
Социальный контекст	Авторитарный	Социальное обеспечение	Демократический
Реакция ребенка	Злость	Зависимость	Ответственность

Необходимость введения восстановительного правосудия в странах Европы была обусловлена тем, что в 1999 году были приняты Рекомендации Комитета Министров Совета Европы государствам-членам Совета Европы, посвященные посредничеству в уголовных делах.

Комитет Министров Совета Европы оценил посредничество как гибкое и всеобъемлющее дополнение или альтернативу традиционному судебному разбирательству и отметил, что посредничество способствует повышению в сознании людей роли человека и сообщества в предотвращении преступлений и разного рода конфликтов. Оно может способствовать новым, более конструктивным и менее репрессивным исходам того или иного дела.

Принципом восстановительного правосудия является удовлетворение интересов потерпевшего от преступления. Жертвы преступлений достаточно редко получают возмещение убытков, формальная процедура привлечения виновного лица к уголовной ответственности и его наказания, зачастую, не приносит потерпевшему ни морального, ни материального возмещения, не способствуют восстановлению социальной справедливости применительно к интересам конкретного потерпевшего [5].

В Рекомендации от 15 сентября 1999 г. Комитета министров государствам – членам Совета Европы о применении медиации в рамках уголовной юстиции дано определение медиации как «любых процессуальных мер, позволяющих потерпевшему и лицу, подлежащему уголовному преследованию, активно участвовать в преодолении трудностей, вытекающих из факта совершения преступления, при непосредственном участии независимого третьего лица и при условии, что стороны конфликта добровольно соглашаются с применением этих мер».

Законодательные акты, формализующие и легализующие медиацию, появились позднее. Во Франции таковым стал Закон от 4 января 1993 года, развитый Законом от 23 июня 1999 года (в обоих случаях речь шла об изменениях и дополнениях УПК). В Бельгии – Закон от 10 февраля 1994 года, также дополнивший УПК, и ряд подзаконных актов.

Во Франции после многочисленных колебаний остановились на модели так называемой делегированной медиации. Хотя формально законодатель ничего не уточняет по этому поводу в тексте УПК, при проведении медиации прокурор передает досье в «профильную» общественную организацию, не имеющую непосредственного отношения к системе уголовной юстиции. Детали варьируются в зависимости от регионов страны, однако по сложившейся везде практике прокурор не участвует в проведении процедуры медиации. Он лишь принимает окончательное решение о судьбе уголовного дела после возвращения к нему материалов из общественной организации, которой он делегировал примирительные полномочия.

В Бельгии функции по проведению медиации возложены непосредственно на прокуратуру (чтобы избежать «приватизации» уголовной юстиции). С этой целью в штатах прокуратур была учреждена специальная должность – первый помощник прокурора (*magistrat de liaison*), отвечающий за процедуру медиации. Кроме того, в прокуратурах появились специальные должности советников по медиации (ими должны быть профессиональные криминологи) и помощников по медиации (социологи). Строго говоря, именно последние и предпринимают конкретные действия по примирению потерпевшего и лица, подлежащего уголовному преследованию.

Весьма существенная деталь заключается в том, что особое отношение к, совершившему преступление, состоит в то, что на первый план при событии преступления выдвигается необходимость восстановления, нанесенного несовершеннолетним морального, психологического и материального ущерба

потерпевшему и вовлечения правонарушителя в социально-реабилитационные программы, а не кара со стороны государства.

Сказанное имеет прямое отношение к той модели, которую мы выстраиваем. Поскольку в Узбекистане ювенальная социально-реабилитационная инфраструктура только формируется [6, С.25].

Правовая база для применения мер отведения/подходов восстановительного правосудия в Узбекистане. Национальное законодательство включает некоторые меры восстановительного правосудия, которые могут быть применены в случаях, когда несовершеннолетние вступают в конфликт с законом, в том числе в комбинации с мерами отведения (статья 87 Уголовного Кодекса Республики Узбекистан и статья 66(1) Уголовного кодекса Республики Узбекистан). Статья 382 «приостановление уголовного производства» Уголовно-процессуального кодекса Узбекистана, не содержит ссылок на какие-либо подходы к восстановительному правосудию, но также не запрещает такой подход в отношении несовершеннолетних правонарушителей. Данная статья Уголовно-процессуального кодекса предусматривает, что прокурор может отказать в возбуждении уголовного дела либо приостановить производство по делу. Прокурор может использовать данное полномочие в отношении несовершеннолетнего в конфликте с законом [7].

В целях применения альтернативных мер для защиты детей в конфликте с законом в марте 2019 года правительство Узбекистана запустило инновационный проект по мерам отведения и восстановительному правосудию для несовершеннолетних в конфликте с законом в Чиланзарском районе города Ташкента. Проект направлен на внедрение двух основных международных стандартов правосудия в отношении несовершеннолетних, упомянутых в Конвенции ООН о правах ребенка:

- лишение свободы детей в возрасте до 18 лет должно быть применено только в качестве крайней меры;
- дети до 18 лет должны рассматриваться вне официальной системы уголовного правосудия, где это уместно или возможно.

В рамках пилотного проекта по реализации мер отведения / восстановительного правосудия, инициированного офисом ЮНИСЕФ в Узбекистане и Генеральной прокуратурой Республики Узбекистан, восстановительное правосудие комбинируется с мерами отведения.

Проект направлен на то, чтобы избежать негативных последствий

помещения детей в специализированные учебно-воспитательные учреждения, поскольку судебный процесс может привести к их стигматизации. Было решено использовать полномочие «приостановить производство по делу» (статья 382 УПК РУз) в качестве правового обоснования пилота по применению мер отведения/восстановительному правосудию в Чиланзарском районе г.Ташкента, так как это полномочие не ограничивается определенными категориями преступлениями, совершенными несовершеннолетними правонарушителями, и не зависит от воли потерпевшей стороны.

1. В соответствии с законодательством Республики Узбекистан дети **несут административную ответственность** после достижения ими 16 лет и совершения административного правонарушения, а именно: мелкое хищение, простое хулиганство, неподчинение законным приказам сотрудника полиции, незаконное владение огнестрельным оружием и нарушение правил дорожного движения (статья 13 Кодекса об административной ответственности). Концептуально, к **несовершеннолетним в возрасте от 16 до 18 лет, совершившим административное правонарушение, не могут быть применены меры отведения**. Меры отведения связаны с системой отправления правосудия в отношении несовершеннолетних и означают, что *“несовершеннолетние правонарушители, условно переходят от формального судебного разбирательства к другому способу решения вопроса, который позволяет многим – возможно, большинству – то, что их делами будут заниматься несудебные органы, избегая тем самым негативных последствий официального судебного разбирательства и судимости, при условии полного соблюдения прав человека и правовых гарантий”*. Межведомственная комиссия по делам несовершеннолетних, которая является несудебным органом, назначена специализированным органом по рассмотрению и определению дел об административных правонарушениях, совершенных детьми, в соответствии с Кодексом об административной ответственности и Положением о Межведомственных комиссиях по делам несовершеннолетних. Данное положение регулирует деятельность комиссий на национальном, областном и районном уровнях, и предусматривает мер, которые могут быть приняты комиссиями в отношении несовершеннолетних, совершивших административные правонарушения [8, С. 11].

Такая мера воздействия, как **«передача несовершеннолетнего под надзор родителей или лиц, их заменяющих, или общественных воспитателей, а также под наблюдение трудового коллектива либо ННО»**

использовался в качестве правового основания пилота по применению мер отведения/восстановительного правосудия [9].

В целом, подходы к восстановительному правосудию могут применяться на всех этапах процесса отправления правосудия в отношении несовершеннолетних. Так, согласно Указу Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию судебной системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» № УК-4850 от 21 октября 2016 года Президент призвал к расширению использования практики примирения [10].

До сегодняшнего дня в рамках Пилотного проекта работа велась с несколькими несовершеннолетними. Работа, проведенная рабочей группой с несовершеннолетними правонарушителями показала что, прогресс в осуществлении мер отведения во многом обусловлен ситуацией в семейном окружении несовершеннолетних. Нарботанная проектом практика демонстрирует, что одной из главных причин вовлечения несовершеннолетнего в преступное поведение является его семейная среда-отсутствия взаимопонимания и доверительных отношений с родителями, отсутствие контроля и пренебрежительное отношение родителей к детям, тяжелое материальное положение семьи, отсутствие мотивации и поддержки детей со стороны родителей. Еще одним фактором является влияние сверстников и отсутствие интереса к учебе и их принятие со стороны учебных заведений. Подросткам и их родителям требуется профессиональная консультация и сопровождение со стороны социальных работников, квалифицированная помощь психологов, услуги по поддержке семьи. Родителям зачастую требуется знания и навыки по воспитанию и управлению трудным поведением детей. Однако данные специальные услуги и специалисты не имеются в действующей системе социальной защиты. Таким образом, для развития мер отведения в Узбекистане в будущем вопрос о развитии специальных услуг и профессионалов, работающих с семьями и детьми в трудной жизненной ситуации, требует детальной проработки.

В заключение можно подчеркнуть, что подходы восстановительного правосудия приносят пользу не только детям, совершившим преступление, но и потерпевшим, соответствующим семьям и обществу в целом. В соответствии с подходами восстановительного правосудия мальчики и девочки, находящиеся в конфликте с законом, несут полную ответственность за свои действия и возмещение вреда, причиненного их преступлением. Таким образом, подходы к

восстановительному правосудию способствуют реинтеграции ребенка в общество и помогают ему играть конструктивную роль в обществе. Он серьезно относится к ответственности несовершеннолетних правонарушителей, и тем самым может укрепить уважение и понимание ребенком прав человека и основных свобод других лиц, в частности, пострадавшего (ребенка) и других членов общества, затронутых этим преступлением.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Комитет по правам ребенка. Замечание общего порядка № 10 (2007) «Права детей в рамках отправления правосудия в отношении несовершеннолетних» // Права человека: международно-правовые документы и практика их применения. В 4 т. Т. 1 /сост. Е. В. Кузнецов. – Минск: Амалфея, 2009.
2. Gromet, D. M. Psychological perspectives on the place of restorative justice in criminal justice systems // Social Psychology of Punishment of Crime / Oswald M. E., Bieneck, S., Hupfeld-Heinemann, J. Chichester: Wiley-Blackwell, 2009.
3. Braithwaite, J. (2005), Between proportionality & impunity: Confrontation Truth Prevention. Criminology, 43: 283-306. <https://doi.org/10.1111/j.0011-1348.2005.00009.x>
4. Ostendorf, H. The Breakup of Dichotomy between Offender and Victim // Schriftenreihe Soziale Strafrechtspflege. Restorative Justice. Band 1. –2011.
5. Кульман А., Кури Х. Восстановительное правосудие как альтернатива уголовным наказаниям – уроки истории // Актуальные проблемы экономики и права. 2016. Т. 10, № 4. С.126–149. DOI: 10.21202/1993-047X.10.2016.4.128.
6. https://www.euforumrj.org/sites/default/files/2019-12/russian_coe-rec-2018_8_rekomendaciya-2018-o-vp-po-ugolovnym-delam.pdf
7. Исакова Т.В. Восстановительное правосудие: проблемы правоприменения. Журнал “[Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения](#)”, 2013,
8. Головкин Л.В. Альтернативы уголовному преследованию: европейская практика и российский уголовно-процессуальный контекст // Вестник восстановительной юстиции. Вып. 5. - М., 2003.
9. Ingrid Van Welzenis. Тошкент шахри Чилонзор туманида “Тикловчи адлия ёндашуви ёрдамида ёки усиз одил судлов тизимидан чиқариш” бўйича Синов лойиҳаси учун ЙЎРИҚНОМА. 2019. ЮНИСЕФ, 26-б.
10. Постановление Президента “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы профилактики правонарушений и борьбы с преступлениями” №2833 от 14 марта 2017 года. // URL: <https://lex.uz/docs/3141184>
11. Статья 21 Положения о Республиканской межведомственной комиссии по профилактике правонарушений и борьбе с преступностью // URL: <https://lex.uz/docs/3141184>
12. Термин ‘восстановительное правосудие не используется в национальном законодательстве. Вместо этого используется «примирение сторон». Однако несовершеннолетние правонарушители, прямо не упоминаются в Указе Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2016 года УП-4850 «О мерах по дальнейшему реформированию судебной-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан». // URL: <https://lex.uz/docs/3050494>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЯКУБОВА Ирода Бахромовна

Тошкент давлат юридик университети “Интеллектуал мулк ҳуқуқи” кафедраси доценти вазифасини бажарувчи,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd)
E-mail: legislate16i@mail.ru

ЯКУБОВ Ойбек

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ МАМЛАКАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):
ЯКУБОВА И.Б., ЯКУБОВ О. ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ
МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ МАМЛАКАТЛАРИ
ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ // Юрист ахборотномаси –
Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 268-276.



1 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2021-1-25>

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон ҳамда чет эл мамлакатлари фуқаролик қонунчилиги бўйича шахсий ҳаёт дахлсизлиги институтининг келиб чиқиши, унинг ҳимоя қилиниш асослари қиёсий-ҳуқуқий тарзда таҳлил қилинган, шунингдек цивилист олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ўрганилган.

Калит сўзлар: шахсий номулк хуқуқлар, шахсий ҳаёт, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсга тааллуқли маълумотлар.

ЯКУБОВА Ирода Бахромовна

Исполняющий обязанности доцента кафедры
«Права интеллектуальной собственности» Ташкентского
государственного юридического университета, доктор
философии по юридическим наукам(Phd)
E-mail:legislate16i@mail.ru

ЯКУБОВ Ойбек

Самостоятельный соискатель Ташкентского
государственного юридического университета

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ВОПРОСОВ ПРАВО НА НЕПРИКОСНОВЕННОСТЬ ЛИЧНОЙ ЖИЗНИ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ УЗБЕКИСТАНА И ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье проведен сравнительно-правовой анализ гражданского законодательства Узбекистана и зарубежных стран в сфере возникновения и защиты института неприкосновенности личной жизни, а также были изучены мнения учёных цивилистов по этим вопросам, в связи с чем, даны предложения по совершенствованию национального законодательства в этой области.

Ключевые слова: личные неимущественные права, личная жизнь, неприкосновенность личной жизни, личные данные.

YAKUBOVA Iroda

Acting Associate Professor Department «Intellectual property law» of
Tashkent State University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: legislate16i@mail.ru

YAKUBOV Oybek

Tashkent State University of Law, independent researcher

COMPARATIVE ANALYSIS OF ISSUES RIGHT TO INVALIDITY OF PERSONAL LIFE UNDER THE LEGISLATION OF UZBEKISTAN AND FOREIGN COUNTRIES

ANNOTATION

In this scientific article carried out the basis comparative legal analysis of civil legislation of Uzbekistan and other countries in the area of origin and protection the institute of private life inviolability, as well as researched the opinions of scientists of civil law on these issues.

Keywords: non-property rights, private life, privacy, personal data.

Индивид шахсий ҳаётининг ёпиқлик даражаси ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, фан, техника, маданият, диннинг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Айнан мазкур соҳада инсон учун чегараланиш, бошқалардан холи бўлиш, ўзи учун бошқаларга нисбатан дахлсиз бўлган муайян ҳудудни белгилашга интилиш хусусияти хосдир. И.Насриевнинг фикрича, эркинлик ҳуқуқи айти эркинликнинг ўзи, яъни қонун доирасида ҳар қандай ҳаракатни содир этиш имкониятидир. Мазкур ҳуқуқ замирида бошқа одамларнинг ва айниқса одамларга нисбатан мажбурлов қўллаш имкониятига эга бўлган мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатига нисбатан чекловнинг мавжудлиги ётади. Инсоннинг шахсий дахлсизлиги ҳуқуқи эркинлик ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу ҳуқуқ инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматга ҳам бевосита дахлдордир. Ҳеч ким зўравонлик ёки таҳдид қилиш орқали инсонни бирор-бир ҳаракат содир этишга мажбурлашга, қийноққа солишга, тинтишга ёки унинг соғлиғига зарар етказишга ҳақли эмас. Инсон ўз тақдирини ўзи ҳал этишга, ўз ҳаёт йўлини ўзи танлашга ҳақли [1, Б.37]. Дарҳақиқат, шахсий ҳаёт дахлсизлигини кафолатлаш ва ҳимоялашга бўлган интилиш ҳамма замонларда ҳам мавжуд бўлган. Бироқ мазкур ҳуқуқ ҳар доим ҳам эътироф этилавермаган.

Айрим муаллифларнинг фикрича, шахсий ҳаёт дахлсизлиги институти ривожланишида туб бурилиши ҳолатига Европа ва Шимолий Америкадаги демократик ўзгаришлар сабаб бўлди [2, Б.5]. Уйғониш даврини бошидан ўтказган илғор мамлакатларда тенглик, адолатлилик, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари эътироф этилди. Бу ҳолатлар асосий қонунлар – Конституцияларда мустаҳкамланди.

Таъкидлаш лозимки, шахсий ҳаёт дахлсизлиги бўлган ҳуқуқ инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро стандарт бўлиб, икки даражада: халқаро-ҳуқуқий ва давлатнинг ички қонунчилик даражасида тартибга солинади. Шунга қарамасдан, миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардаги замонавий норматив-ҳуқуқий воқеъликларда “шахсий ҳаёт” тушунчасининг аниқ таърифи мавжуд эмас, бироқ унинг ягона тушунчасига бўлган зарурат очик ойдин ва ниҳоятда долзарб тусга эга.

Мазкур институт дастлаб халқаро даражада 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамланган бўлиб, унинг 12-моддасига кўра, ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиб, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмалари сирига ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас.

Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ўзига хос ҳуқуқий мўлжал бўлди ва инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, шахсий ҳаёт сирига бўлган ҳуқуқни стандартлаштиришнинг бошланишига асос солди. Кейинчалик ушбу ҳуқуқ халқаро-ҳуқуқий ва давлатнинг ички қонунлиги билан тартибга солина бошлади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан кейин шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган ҳуқуқи қуйидаги ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 17-моддасига кўра, ҳеч ким ўзининг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашинишга, ўзининг уй-жойи ёки ёзишмалари сири дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилинишига ёки унинг ор-номуси ва шаънига ноқонуний тажовуз қилинишига дучор этилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга.

1950 йил 4 ноябрдаги “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенциянинг 8-моддасида белгиланишича, ҳар ким ўзининг шахсий ва оилавий ҳаёти, ўзининг турар жойи ва ўзининг хат-хабарлари ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилишида давлат маъмурлари томонидан аралашувга йўл қўйилмайди, бундай аралашув қонунда назарда тутилган ҳамда демократик жамиятда миллий хавфсизлик ва жамоат тартиби, мамлакатнинг иқтисодий фаровонлиги манфаатларида, тартибсизликлар ёки жиноятларни бартараф этиш мақсадида, соғлиқни сақлаш ёки маънавиятни муҳофаза қилиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Айнан шундай қоидалар МДҲнинг 1995 йилдаги Инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Конвенцияси 9-моддасида [3, Б.15], 1969 йилдаги Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенция [4, Б.723], 1994 йилдаги Инсон ҳуқуқлари хартиясининг 17-моддасида [5, Б.71] назарда тутилган. Бундан ташқари, мазкур масалада суд органларининг ролини ҳам қайд этиш лозим. Уларнинг фаолияти ва амалиёти таҳлили шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасини халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим элементи ҳисобланади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Кўмита, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Комиссияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорлари алоҳида ўрин тутади [6, Б.28], [14].

Бугунги кунда Европанинг 20 дан ортиқ давлатларида шахсий маълумотларни ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар қабул қилинган ва шунингдек шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича мустақил Вакилликлар жорий қилинган. Қолаверса, 1998 йил 24 октябрдан бошлаб Европа Иттифоқининг барча мамлакатларида шахсий маълумотларни ҳимоя қилишнинг ягона бирхиллаштирилган тизими жорий қилинганлиги ва у бир вақтнинг ўзида телекоммуникациялар соҳасини ҳам қамраб олганлиги мазкур соҳа ҳуқуқий муҳофазага нақадар эҳтиёж сезганлигидан далолатдир.

Ўз навбатида, XX асрнинг иккинчи яримидан бошлаб инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш давлатларнинг ички қонунчилигига ҳам таъсир ўтказа бошлади.

Бироқ мазкур ҳуқуқни конституциявий белгилашнинг хорижий тажрибаси турличадир. ГФРнинг Конституциясида шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ хусусида ҳеч қандай қоида белгиланмаган. Мазкур Конституциянинг 10-моддасида “ёзишмалар сири, почта ва телеалоқалар сири бузилмаслиги” белгиланган. Францияда “шахсга таалуқли маълумотлар дейилганда ҳар қандай шаклда ифодаланадиган, жисмоний шахсга тегишли бўлганлиги муносабати бевосита ёки билвосита уни идентификациялайдиган, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қайта ишланадиган маълумотлар тушунилиши” белгиланган [7, Б.24].

Шахсга таалуқли маълумотларни муҳофаза қилишга қаратилган Канада қонуни шахсга таалуқли маълумотларни муҳофаза қилиш ва ўзи ҳақидаги маълумотларга рухсатнинг мавжудлиги ҳуқуқини амалга оширишнинг реал механизмларини белгилайди. Ушбу қонун ҳужжатида мувофиқ, шахсга таалуқли маълумотлар деганда, ҳар қандай шаклда ифодаланган аниқ индивид тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, миллати, ирқи, терисининг ранги, дини, ёши, маълумоти, соғлиги, молиявий аҳволи, шахсий қарашлари тўғрисидаги маълумотлар ва шу кабилар тушунилади [8, Б.223].

1989 йилда Японияда эса Маъмурий органлар томонидан сақланадиган, қайта ишланадиган шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонуни қабул қилинди [9, Б.69].

Миллий қонунчилигимизга қайтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқининг тўғридан тўғри ифодаланиши Конституциянинг 27-моддасида назарда тутилган. Мазкур нормага кўра, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовулардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, ўзининг сифатларига маънавий-ахлоқий баҳо бериш доим шахсий бўлиб, субъектив характерга эга. Шу боис у ижтимоий фикр билан мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин. Шунга қарамасдан, шахснинг кадр-қиммати, шахсни ички ўзини ўзи баҳолаши мезони ва жамиятнинг унга берган баҳоси ўзаро бир-бирига боғланган мезонлардир. Шунинг учун ҳам инсоннинг шаън ва кадр-қиммати катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, қонун томонидан ҳимоя қилинади [11, Б.146].

Конституциямизнинг 27-моддаси 2-қисмида белгиланган қоидалар ҳабеас корпус институти билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, қонуний асосларсиз тинтув ўтказиш ҳар доим тақиқланади. Маълумки, ҳабеас корпус институти шахсий дахлсизликни таъминлашда алоҳида ўрин тутди.

Фуқаронинг қамоққа олиниши қонунийлиги судлар томонидан кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқи – “Habeas Corpus Act” илк бор 1679 йил 26 майда Англияда қабул қилинган бўлиб, қамоққа олиш устидан шикоят қилиш ва ноқонуний ушлаб турилган шахсни дарҳол озод қилишнинг дастлабки кўриниши эди. У инсоният тарихида ўзбошимчалик билан ҳибсга олишни чеклаган биринчи ҳужжатдир. Унда “ҳеч бир озод, эркин фуқаро суд қарорсиз ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, мулкдан маҳрум қилиниши, қонун ташқари деб эълон қилиниши, қувғинга олиниши мумкин эмас” дейилади [12, Б.19].

Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи белгиланган қонун ҳужжатлари туркумига Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини ҳам киритиш мумкин. ФКнинг 99-моддасида бир қатор шахсий номулкий ҳуқуқлар жумласига шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи ҳам киритилган. Номоддий неъматлар жумласига киритилган ҳаёт, саломатлик, шахсий дахлсизлик, инсоннинг жисмоний ҳолати билан боғлиқ бўлиб, туғилган пайтидан унга тегишлидир. Ҳаёт энг асосий номоддий неъмат сифатида қолган барча ҳуқуқларни келтириб чиқаради [13, Б.281].

Жаҳон миқёсида шахсий маълумотларнинг ҳимоя масаласи кундан кунга

кунга долзарб муаммога айланиб бормоқда. Айниқса, ҳозирги вақтда электрон тармоқлар фойдаланувчиларининг шахсий маълумотларининг ҳимоя масаласи ҳанузгача етарли тартибга солилмаган. Бунга мисол сифатида, 2018 йил март ойида бошланган Facebook билан боғлиқ можарони келтиришимиз мумкин. Facebook акциялари Британиянинг Cambridge Analytica таҳлилий компанияси ижтимоий тармоқнинг 87 млндан кўпроқ фойдаланувчисининг шахсий маълумотларини уларнинг рухсатсиз тўплаганини ва бу маълумотлар асосида америкаликларнинг сиёсий қарашларини таҳлил қилувчи алгоритмни яратмоқчилиги ҳақида ахборот пайдо бўлиши унинг фойдаланувчиларининг шахсий маълумотлари ҳимоясиз эканлигидан далолат берди.

The New York Times маълумотларига кўра, Cambridge Analytica ижтимоий тармоқнинг фойдаланувчилари шахсий маълумотларини йиғувчи мобил дастур яратган. Таъкидланишича, олинган маълумотлар сайловчиларнинг психологик тасвирини тузиш учун қўлланган ва АҚШ президенти Дональд Трампнинг сайловолди кампаниясига реклама яратишга имкон берган. Facebook’да эса бундан беҳабарликлари айтилган ва компания ўз серверларига Cambridge Analytica’нинг киришини тўсиб қўйгани маълум қилинган. Ушбу масала бўйича, Facebook раҳбари Марк Цукерберг маълумотларнинг четга чиқиб кетиши иши бўйича АҚШ конгрессида чиқишлар қилди. Шундан сўнг Facebook шахсий маълумотларнинг ҳимоясини таъминлашга хизмат қилувчи программалар ишлаб чиқаришга киришди.

Миллий қонунчилигимизга тўхталадиган бўлсак, шахсий ҳаёт дахлсизлигига ва у билан боғлиқ муносабатларга оид нормалар амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлиб, улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳамда қонун ости ҳужжатлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг “Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш” деб номланган янги 46¹-моддаси киритилди. Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 144-моддасида “фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этиш” жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган бўлса, Жиноят процессуал кодекснинг бир қатор моддалари (17-19, 88-моддаси)да шахсий ҳаёт дахлсизлигига оид нормалар мустаҳкамланган. Масалан, ЖПКнинг 17-моддасига 3-қисмига кўра, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб

олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади.

Таъкидлаш лозимки, шахсий ҳаёт дахлсизлигига бўлган ҳуқуқни тартибга солувчи мавжуд норматив массив жуда кенг, бироқ кўплаб нормалар бир-бирини такрорлайди, айримларини эса бугунги кунда ўзгартиришни талаб қилади.

Мазкур муносабатларни тартибга солишга қаратилган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “шахсий ҳаёт”, “шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи”, шунингдек “давлат (жамоат) манфаатлари” каби муҳим тушунчаларнинг ифодаланмаганлиги қонунчиликдаги ўзига хос бўшлиқ ҳисобланади ва бу ҳолат шахсий ҳаётга турли асоссиз аралашувларни рўй беришига имкон беради. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлашга тўсқинлик қилади ва айрим ўринларда суиистеъмолликлар ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқаради. Шу боис шахсий ҳаёт дахлсизлигига ойда миллий қонунчиликни ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммолар ҳамда халқаро-ҳуқуқий стандартлардан келиб чиқиб такомиллаштириш долзарб масаладир.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар шахсий номулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ даъво ишларини кўриб чиқишда, уларнинг муҳофазаси ва ҳимоясида анча тушунмовчиликларга дуч келишмоқда. Бу ҳолат ҳуқуқни қўллаш амалиётида шахсий номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга нисбатан етарли амалиёт шаклланмаганлиги ҳамда шахсий номулкий ҳуқуқларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича ҳуқуқни қўлловчиларнинг етарли малакага эга эмаслиги билан боғлиқдир. Бу жиҳатдан Европа, шарқий мамлакатлардан Япония суд амалиёти анча бой тажрибага эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, уларнинг қонунчилиги ва суд амалиётини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида ана шундай хулосага келинди. Шу туфайли, бизнинг фикримизча, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан яқиндан танишиш мақсадида Европа мамлакатлари, Япония давлати ва Ўзбекистон Республикаси Олий судлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу мамлакатларнинг фуқаролик қонунчилиги ва суд амалиётининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида “Шахсий номулкий ҳуқуқларга доир фуқаролик ва оила қонунчилиги нормалари қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида”ги Олий суд Пленумининг қарорини қабул қилиш зарур, деган хулосага келиниши керак. Бу эса, ўз навбатида, судлар томонидан шахсий

номулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ даъво ишлари кўриб чиқиладиганда, уларнинг адолатли, асосланган ҳал қилув қарорларини чиқаришига замин яратади. Ушбу ҳужжатда шахсий номулкий ҳуқуқларнинг, хусусан, шаън, кадр-қиммат тушунчаларига таъриф, унинг ҳуқуқий белгилари, ҳимоя усуллари, шахсий маълумотлар ҳамда уни ҳимоя қилиш йўллари, эр ва хотиннинг шахсий номулкий ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар кўрсатилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Насриев И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 37 б.
2. Права человека: итоги века, тенденции, перспективы / Под общ. ред. Е.А. Лукашевой. – М., 2002.
3. Бюллетень международных договоров. – 1995. – № 2.
4. Международные акты о правах человека: Сборник документов. – М., 1998.
5. Арабская хартия прав человека // Вестник МГУ. Серия 11 "Право". – 1997. – № 5.
6. Европейский суд по правам человека, "Case of Klass and Others: Judgement of 6 September 1978", Series A N 28 (1979). Дело Malone vs. Commissioner of Police, 2 All E.R. 620 (1979).
7. Закон Франции Об информатике, картотеках и свободах // URL: <http://www.gdf.ru/books/books/defence/content.shtml>
8. Михеева М.Р. Проблема правовой защиты персональных данных (исследование по программе малых грантов).
9. Kawai Takashi. Civil Law. Japan: Yuhikaku. 2008.
10. Насриев И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. – Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти, 2006.
11. Ўзбекистон Республикасининг конституциясига шарҳ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 146 б.
12. Абдуллаев Б. "Habeas Corpus Act" – институти ва унинг тарихий ривожланиш босқичлари // Ҳуқуқ ва бурч. 2013. -№6.
13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I-жилд. – Тошкент: Vektor-Press, 2010.
14. "Secret Surveillance and the European Convention on Human Rights", Stanford Law Review 1113, 1122 (1981 г.).

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 2 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 2

LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1

TOSHKENT - 2021